

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 821.512.133:821.512.133-1

ПАРДАЕВ ЗОКИР АБДИМАЖИТОВИЧ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ШЕЪРИЯТИДА ХАЛҚОНА ПАФОСНИНГ
ЯНГИЛАНИШИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Каримов Баҳодир Нурметович
филология фанлари доктори, профессор

Тошкент - 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3-10

I БОБ. Шеърятда халқона пафоснинг адабий-назарий асослари масаласи

1.1. Халқона пафоснинг эстетик моҳияти11-24

1.2. Шеърятда халқона пафос ва фольклоризм муносабати.....25-44

II БОБ. Замонавий шеърятда адабий-эстетик талқин тамойиллари

2.1. Шеърятда миллий ўзликни англаш45-68

2.2. Лирик қаҳрамоннинг ўзига хос табиати.....69-92

III БОБ. Шеърятда халқона пафос ва поэтик тафаккур муштараклиги

3.1. Шеърятда бадиий тафаккурнинг янгиланиш омиллари.....93-109

3.2. Ҳозирги давр шеърятида сўз ва образ муносабати..... 110-136

IV УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....138-139

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....140-147

Эълон қилинган ишлар рўйхати.....148

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида адабий жараён билан боғлиқ муаммоларни халқона пафос контекстида ўрганиш ва уни англаш зарурати филология соҳасида, хусусан, адабиётшуносликда ҳам жиддий масалаларни кун тартибига кўймоқда. Зеро, гуманитар соҳаларда мазмунан мукамал, сифат жиҳатидан янги илмий тадқиқотлар олиб бориш учун имкониятлар мавжуд. Бундан унумли фойдаланаётган адабиётшунослар ўз объектига янги нигоҳ билан караш, бугунги адабий ҳаётга оид муаммоларни чуқурроқ англаш йўлидан борди. Шеърятдаги янгиланган пафосни таҳлилий ўрганиш инсоннинг маънавий олами, дунёқараши, бадий тафаккури тарзига хос қонуниятларни кашф этишда муҳим саналади. Ижтимоий муҳит ҳамиша адабий-маънавий, маданий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бўлади. Айниқса, бугунги давр кишилари онгу тафаккури ҳамда руҳиятидаги янгилик ва ўзгаришлар, энг аввало, адабиёт ва санъатда ўз аксини топади.

Дунё адабиётшунослигида халқона пафоснинг замонавий назариялари мавжуд. Унинг олдинги даврлардаги тарихий ривожланишини янгича англаш ва адабий ҳаётга татбиқ этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Замонавий ўзбек шеърятига хос жиҳатларини аниқлаш, уларни таҳлил қилишда, миллий қадриятлар, лирик анъаналар ва бадийлик тамойиллари каби бир қанча масалаларни тадқиқ қилиш асосида жаҳон адабиётшунослиги учун муайян илмий хулосалар берадиган вазифаларни бажаришни тақозо этади.

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида шеърятдаги долзарб вазифалардан бири халқона пафос талқини билан боғлиқ. Дарҳақиқат, шеърятда ушбу муаммони ўрганиш муайян давр поэзиясининг адабий-эстетик қийматини белгилашда ҳам аҳамиятлидир. Шеърятда юзага келган янги маънавий муҳит ижодкорлар дунёқарашида ўзгаришлар ясади. Бу ҳолат эса ўз навбатида адабиёт ва шеърятга бўлган муносабатнинг янгиланиб, бадий тафаккурда муайян эврилишлар юзага келишига сабаб бўлди. Бугунги ижод ва эҳтиросга ундайдиган ижтимоий тамойиллар, ҳаёт

хақиқатлари ўзгарди, шу тариқа шеърятда табиий янгилашни жараёни юз берди. Янги ўзбек шеърятда ўзининг самимий тили ўйноқи ва маҳзун, шиддатли ва сокин оҳанглари билан бадиий тафаккуримиз миқёсини кенгайтираётган ва ҳозирги ўзбек шеърятда ўз услуби, тафаккури ва карашлари билан анъанавий дунёқарашимизга ўзгариш киритган айрим шоирлар ижоди тадқиқот асосини ташкил этади. “Бундан юз йил муқаддам буюк ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли – Чўлпон: “Адабиёт яшаса, миллат яшар!” деган оташин даъват билан майдонга чиққан эди. Ҳаёт ва тарих синовларидан ўтган теран маъноли бу сўзлар бугун ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотган эмас. Дарҳақиқат, адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сонли “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда

¹Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. www.xabar.uz.

соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги ўзбек шеърятининг табиати юзасидан бир қанча илмий ишлар амалга оширилган². Катта авлодга мансуб О. Шарафиддинов, У. Норматов, Б. Назаров, Н. Каримов, Б. Акрамов А. Расулов, И.Ғафуров, Н. Раҳимжонов, Қ.Йўлдошев каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўзбек шеърятининг хос хусусиятларига доир қарашлар бор. Шунингдек, Д. Қуроноф, Н.Жабборов, У. Ҳамдамов, У. Жўрақулов, С. Мелиев, А. Улуғов, М. Олимов каби адабиётшунос олимларнинг қатор илмий тадқиқот ва монографияларида замонавий ўзбек шеърятининг айрим масалалари муҳокама этилган. Айни чоғда истиқлол даври ўзбек шеърятисидаги халқона пафоснинг ўзига хос қирралари яхлит ҳолда, кенг планда махсус ўрганилмаган. Шу сабабли мустақиллик даври ўзбек шеърятининг етакчи намоёндалари шеърятисидаги услубий ўзига хослик, улар ижодидаги халқона пафоснинг янгилиниши,

² Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм. Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: 1994.; Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. Тошкент. 1994.; Сабирдинов А. Ойбек шеърятисида сўз ва образ. Филол.фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: 1999.; Қосимов Я. Ўзбек шеърятисида поэтик фикрнинг янгилиниш жараёни. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. Тошкент: 1994.; Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеърятисида “соф лирика” муаммоси. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. Тошкент: 1997.; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: 1997.; Мирзаева Д. Ҳозирги ўзбек лирик шеърятисида бадиий тафсил. Филол.фан. номз. дисс. – Тошкент: 1994.; Турдимов Ж. Лирик кечинма табиати. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: 1999.; Хайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: 2004.; Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари. Филол. фан номз ... дисс. автореф.: –Тошкент: 2004.; Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеърятисида образлилик. Филол. фан номз ... дисс. автореф.: – Тошкент: 2005.; Давронова М. Муҳаммад Юсуфнинг поэтик маҳорати. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. Тошкент: 2008.; Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеърятисида халқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол. фан номз ... дисс. автореф.: –Тошкент: 2011.; Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърятиси бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Филол.фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент: 2018.; Шарипова Л.Ф. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърятиси бадиий тараққиётида фольклор.Филол.фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент: 2019.

бадий тафаккур тадрижи, тимсол ва рамзлар оламининг ўзгариши, инсон, ҳаёт, жамият ва борлиққа нисбатан қарашлари масалаларини ёритиш ушбу тадқиқотнинг олдига қўйилган асосий вазифаси ҳисобланади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён” кафедрасининг истиқболли режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Истиқлол даври шеърлятидаги халқона пафоснинг янгилалишини ўрганиш, ўзига хос адабий-эстетик тамойилларини кузатиш ва миллий руҳдаги шеърларининг поэтик хусусиятларини аниқлаш ҳамда замонавий ўзбек шоирлари ижодидаги халқона пафосга тегишли индивидуал жиҳатларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқона поэтик пафоснинг ўзига хос адабий-эстетик тамойилларини ўрганиш, шунингдек, халқона руҳда ёзилган шеърларнинг маънавий-ахлоқий муаммолар ечимидаги аҳамияти ҳамда поэтик таъсир кучини кўрсатиш;

истиқлол даври шеърлятида эл-юрт, Ватан тақдирининг бадий талқини мавзусидаги шеърларнинг энг муҳим қирраларини аниқлаш;

замонавий ўзбек шеърлятида инсон руҳияти ва қалб кечинмаларининг услуб ва ифода имкониятлари, жанрий изланишларнинг халқона моҳиятини таҳлил қилиш;

замонавий ўзбек шоирларининг халқ тилига хос стилистик бирликлардан фойдаланиш маҳорати билан халқона пафосдаги янгилалишларни бир бутунликда текшириш;

давр шеърлятига хос халқона пафос негизини лингвопоэтик нуқтаи назардан талқин қилиш ва унда учрайдиган поэтик тимсолларга, сўз ва образ муносабатининг специфик жиҳатларига ойдинлик киритиш;

лирик қаҳрамоннинг рухий-психологик ҳолати таҳлили воситасида инсоний ҳис-туйғуларидаги ўзгаришлар юзасидан умумлашма хулосалар чиқаришдан иборат.

Тадқиқот объекти. Диссертацион ишга мустақиллик даври шеърини вакиллари Усмон Азим, Матназар Абдулҳаким, Азим Суён, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Рустам Мусурмон, Хол Муҳаммад Ҳасан сингари шоирларнинг ижоди объект қилиб олинди.

Тадқиқот предметини истиқлол даври ўзбек шеъринидаги халқ дардини ифодалаган, халқона пафосга эга шеърини асарлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, психологик, социологик, лингвопоэтик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий ўзбек шеъринида инсон руҳияти ва қалб кечинмаларининг услуб ва ифода имкониятлари, жанрий изланишларнинг халқона моҳияти Усмон Азим, Матназар Абдулҳаким, Азим Суён, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Абдували Қутбиддин каби шоирлар ижоди мисолида очиб берилган;

ҳозирги замон шеъринида ўзбек халқининг бадиий-эстетик тафаккури ривожига қўшган улуши ва уларнинг асосий ғоявий йўналиши, шаклий-услубий хусусиятлари, композицион ранг-баранглиги, рамз ва образлар тизими тамойиллар илмий-назарий асосланган;

мустақиллик даври ўзбек шеъринидаги халқона пафоснинг янгилиниши, поэтик хусусиятлари, эволюциясининг қўлами халқ оғзаки ижоди билан уйғун экани илмий-назарий жиҳатдан исботланган;

истиқлол йиллари шеъринида хос халқона пафос негизини лингвопоэтик нуқтаи назардан талқин қилиш ва унда учрайдиган поэтик тимсолларга, сўз ва образ муносабатининг специфик жиҳатларига ойдинлик киритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бугунги ўзбек шеъриятидаги халқона пафоснинг ўзига хос энг

асосий илмий-назарий тамойиллари аниқланган;

тадқиқотда қўйилган илмий муаммо ўзига хос поэтик тафаккур маҳсули бўлган замонавий ўзбек шоирлари ижодидан олинган мисоллар билан ёритилган;

замонавий ўзбек шоирлари шеърларидаги янгиланган адабий воқелик ўзбек миллий тафаккури негизида юз берган ўзгаришлар билан уйғун равишда очиб берилган;

ўзбек шоирлари ижодининг поэтик тақомилида ўзбек мумтоз адабиёти, жаҳон шеърияти, айниқса, ўзбек фольклор намунасининг таъсири доираси кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Хориж ва республика доирасида ўтказилган илмий-амалий, назарий конференцияларда ўқилган маърузалар, чоп этилган тезис ва мақолалар, илмий журналларда чоп этилган тадқиқотлар ҳамда объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг биографик, психологик, психоаналитик усуллар воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти ҳозирги замон ўзбек шеърияти билан танишиш, бадиий асарни давр руҳи нуқтаи назардан биографик текшириш ва таҳлил қилишни амалга ошириш соҳасидаги илмий ишлар, тадқиқотлар олиб боришда хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу тадқиқот иши материалларидан республикада олий ўқув юртларининг филология факультетларида илмий-монографик ва ўқув адабиётларини шакллантиришда ҳамда ўзбек тили ва адабиёти ўқитиладиган факультетларда

махсус курс ёки семинар машғулоти ўтказишда, шунингдек, умумтаълим мактаблари, лицей, коллежларнинг адабиёт ўқитувчиларига методик қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек шеъриятида халқона пафоснинг янгилиниши муаммосини ўрганиш асосида олинган натижалардан:

истиқлол даври ўзбек шеъриятида юз берган поэтик мазмун, шакл, поэтик қонуниятлар, анъана ва новаторлик масалалари ҳамда мустақиллик даври шеъриятида шоир услуби ва индивидуаллиги муаммосини китобхонга аниқлаш, бунда масаланинг ижтимоий психологик, бадиий-эстетик жиҳатларига урғу бериш, ижодкор руҳий оламини тадқиқ қилиш бўйича мазкур йўналишдаги илмий-назарий хулосалардан Бухоро давлат университетида бажарилган Ф-1-06 “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги 89-03-93 сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа халқона пафоснинг умумназарий асослари ҳақидаги янги материаллар билан бойиган;

фольклоризм – халқона пафоснинг асоси сифатида унинг эстетик моҳиятини ёритишда, шеърятда поэтик тафаккурнинг янгилиниши, миллий ўзлиқни аниқлаш, Истиқлол даври ўзбек шеъриятида лирик қаҳрамон табиати, замонавий ўзбек шеъриятида руҳий-психологик талқин тамойиллари, шеърятда сўз ва образ муносабатини ёритишдаги қарашларга оид хулосалардан Навоий давлат педагогика институтида бажарилган ХТ-Ф2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида чоп этилган монографиялар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги 89-03-93 сонли маълумотномаси).

Тадқиқот хулосаларидан “Маданият ва маърифат” телеканали дастурларининг “Адабий жараён” кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон

Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканали» давлат унитар корхонасининг 19.06.2019 йилдаги 01-15/239 рақамли маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та республика 2 та халқаро анжуманларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ҳамда 1 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти фаслдан иборат учта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқот ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

Ї БОБ. ШЕЪРИЯТДА ХАЛҚОНА ПАФОСНИНГ АДАБИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ МАСАЛАСИ

1.1. Халқона пафоснинг эстетик моҳияти

Инсоният поэтик тафаккури ҳосиласи сифатида бунёд этилган мухташам бадиий адабиёт ўз моҳиятига кўра халқ ҳаёти, халқона поэтик тафаккур ва халқ ижодкорлиги билан чамбарчас боғлиқ ҳодисадир. Истеъдодлар миллионлаб инсонлар орасидан тарихий заруратга кўра майдонга чиқади ва миллатнинг дарду қувончларини ўз ижодида бадиий акс эттиради. Чинакам маънодаги сўз санъаткори ўз халқининг ниҳоятда улкан муаммоларини образли тасвирлайди; халқ дардини ўз шахсий шууридан ўтказиб ҳис қилади. Шу тоифа ижодкор ўз шеърларида “менинг халқим” деган эътиборли таъбирни қўллайди. Гоҳида бу ифода очикдан-очик баён қилинмаса ҳам, маълум давр ижодкорлар тафаккурида бутун бошли бир миллатга хос маданий-маърифий муҳит тасаввур қилинади. Шунга кўра истиқлол йилларида ўз шеърини асарларини тақдим этган шоирларнинг ўз халқининг қувончу сурурларига ҳамоҳанг юрак садоларини тинглаш бугунги илмий жараёнда зарурат саналади. Шеърини халқ тафаккуридан, миллатнинг минг йиллардан бери давом этиб келаётган маънавий-адабий булоқларидан тўйинади. Шеърини дўмбира овозидан, карнай-сурнайлар садосидан дунёга келади. Халқ сайларида, турли тўй-байрамларда халқнинг қалби аксланади. Шеър эса ижодкорининг миллат дардига яқин ёки узоқлигини ана шундай бадиий ифодалари билан англатади.

Жаҳон адабиётига назар ташланадиган бўлса, буюк адабиёт даҳоларининг кўпминг сонли халқ ичидан етишиб чиққанлиги, халқнинг дардини, теварак-атрофидаги одамларнинг орзу-истакларини ўз вужудидан, қалб призмасидан ўтказиб баён қилганлиги аён бўлади. Адиблар ёзган асарлар халқ ҳаётининг кўзгусига айланади. Санъат асарларида ҳар қандай миллат ўзининг ўтмишини, ҳис-туйғулари тарихини, кўнгил розларини аниқ-тиниқ кўриши мумкин. Адабиёт ва халқ ҳаёти бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Бадиий адабиёт маълум бир миллатнинг маданият ва санъатнинг

таркибий қисми сифатида бўй кўрсатар экан, унинг мазмунида ўша миллатга хос қадриятлар, урф-одатлар, ўша миллат тафаккурига тегишли унсурлар бўлиши табиийдир. Рус халқи ўз тарихини, қайсидир маънода А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой асарларига қараб белгилайди. Гўзалликларидан ифтихор этади, жаҳолатга кетган саҳифалардан маҳзун бўлади. Дарвоқе, буюк адиблар ҳамма вақт ўз даражасига мос ижодкорлар билан баҳс-мунозара қилиши мумкин. Аслида дунё адабиётидаги даҳолар бир-бирларини айнан ижод намуналарининг халқ ҳаётидан узилиб қолгани учун ҳам танқид қилади. Кейинги давр адабий-илмий ҳаётида Лев Толстойнинг таланти инглиз трагедиянависи Вильям Шекспирни танқид қилган мақоласи оммалашди. Аслида бир неча асрлардан бери дунё театрлари Шекспир асарларини саҳналаштирди. Унинг томошабинлари ҳам топилди. Негадир XIX аср охирига келиб, бу драматург Л.Толстойга ёқмай қолди. У кўпчилик фикрига кўшилмади, ҳамма мақтайдиган оммавий тарзда таъзим қиладиган Шекспир даҳосини тан олмади. “Эсимда, Шекспирни биринчи марта ўқиб чиққанимда жуда қаттиқ таажжубда қолган эдим, – деб ёзади Л.Н.Толстой, – Мен уни ўқиб, жуда катта эстетик завқ оламан деб ўйлагандим. Аммо унинг энг яхши ҳисобланадиган асарларини – “Қирол Лир”, “Ромео ва Жульетта”, “Ҳамлет”, “Макбет”ларини бирин-кетин ўқиб чиқиб, завқ олиш бир ёқда турсин, кутулиб бўлмайдиган бир ижирғаниш ҳис қилдим; ўқиб чиққунча сиқилиб кетдим ва ҳанг-манг бўлиб қолдим: бутун маърифатли дунё бенуқсон, мукамал деб ҳисобласа-ю, мен бу асарларни тўғридан-тўғри бемаза ва арзимас деб ўтирсам? Нима бало, мен ақлдан озган эмасмиканман? Ёхуд шу маърифатли дунё Шекспир асарларига хос деб ҳисоблайдиган тасниф маъносизмикан? Менинг таажжубим яна шу сабабдан кучайдики, мен шеърият гўзалликларини унинг ҳар қандай шаклларида жуда жонли тарзда ҳис қилар эдим. Нега энди бутун дунё томонидан доҳиёна бадиий асарлар деб тан олинган Шекспир асарлари менга маъқул бўлиш бир ёқда турсин, менинг нафратимни кўзғаб ўтирибди? Узоқ вақт мобайнида мен ўзимга ишонмадим. Эллик йил давомида қайта-қайта ўзимни синовдан ўтказиб, бир

неча марталаб Шекспирни имкони бор ҳамма шаклларда ўқишга тутиндим. Мен уларни рус тилида ҳам, инглиз тилида ҳам ўқидим. Ҳатто менга берган маслаҳатларига амал қилиб, комедияларини ҳам, солномаларини ҳам ўқидим, лекин натижа ҳар гал бехато равишда ўша-ўша бўлди – улар нафратимни кўзгади, уларни ўқиб сиқилдим, таажжубим ошди”³. Лев Толстойнинг узундан-узоқ мақола ёзишига, инглиз даҳо адибининг асарларини танқид қилишининг асосий сабабларидан бири, бу ўша трагедияларнинг халқдан узилганлиги, халқона пафосга эга эмаслиги, кўп сахналарнинг сунъийлиги сабаб бўлган эди. Бироқ Л.Толстой хоҳишига қарши, Шекспир асарлари ўқилади, сахналарга қўйилади.

Агар Лев Толстойнинг ўз асарларига диққат қаратилса, уларда оддий русларнинг турмуш тарзи ҳам, киборлар муҳити ҳам бирдек реалистик тасвирланади. Гарчанд граф бўлса ҳам, Л.Толстой халққа яқин, халқ билан бирга нафас олган адиблар жумласига киради. Хусусан, 1812 йилги Ватан уруши тасвирига бағишланган ҳикоя ва романларида халқ вакилларининг ёрқин образлари акс эттирилган. Адибнинг ўз халқига меҳр-муҳаббати, эъзоз ва эҳтироми, оддий одамлар ҳаётидаги муаммоларга куйинчаклик билан қарагани аниқ сезилади. Гарчанд ёзувчи ўзининг “Иқрорнома” номли тазарру мазмунли асарида ҳамма нарсанинг бемаънилигини ёзса ҳам, “Санъат ҳаётнинг бегагидир” дея таъкидлайди. Чунки санъат, хусусан, сўз санъати бундай улуғлар ҳаёт йўлида улкан мазмун касб этади.

Ўзбек мумтоз адабиётида Алишер Навоий, Бобур ижодида халқ ҳаёти, удумлари, урф-одатлари, қадриятлари моҳиятида халқ билан бирга бўлиш, унинг қалбига қулоқ тутиш мотивлари мавжуд, албатта.

XX асрга келиб янги ўзбек адабиётида бевосита халқ ғами, дарди билан боғлиқ саҳифалар кўпайди. Ўзбек адабиётида халқчиллик кучайди. Бунда ёзувчи ва шоирлар ўз мавзуларини бевосита халқнинг ичидан олиб белгилашди.

³Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. (Озод Шарафиддинов таржимаси), 18-бет.

Масалан, ўз вақтида Абдулҳамид Чўлпон “Халқ” сарлавҳали шеърда ўзига хос оригинал ўхшатишлари билан:

“Халқ денгиздир,
Халқ тўлқиндир,
Халқ кучдир,
Халқ исёндир,
Халқ оловдир, халқ ўчдир...
Халқ кўзғалса, куч йўқдирким, тўхтатсин,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин.
Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,
Халқ истади, тож ва тахтлар йиқилди...”⁴,

деб таъкидлаган эди. Бунда бепоёнлик, куч-қудрат, халқ истаги, унинг қайноқ қони, шиддати, оловлиги – барча-барчаси ўзига хос халқона пафос билан баён қилинади. Шеърни эса бевосита халқнинг куч-қувватига ишонган ҳолда:

“Бутун кучни халқ ичидан олайлик,
Кучоқ очиб халқ ичига борайлик!”

деган мисралар билан тугатган эди. Халқчиллик билан йўғрилган бундай шеърлар шоирнинг эл одами, унинг кўнглини кўзгуга солиб кўраётганидан дарак беради. Шоирлар кўнглининг маънавий кўзгудаги инъикосини Ҳамид Олимжон ёки Ғафур Ғуломнинг халқона пафосли шеърларида ҳам кўриш мумкин. Ўтмиш ижодкорларининг анъаналари кейинги давр шоирлари ижодида янгиланган равишда давом этиши табиий саналади. Бунда шоир шахсиятидаги бадиий идрок ўзигача бўлган адибларнинг энг гўзал поэтик топилмаларини зимдан давом эттиради.

⁴ Абдулҳамид Чўлпон. Тўла асарлар тўплами. Биринчи жилд. Шеърлар. –Т.: “Академнашр”, 2016. - Б.82.

Шу эътибордан истиқлол йилларида Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган, чинакам халқ шоири бўлмиш Эркин Воҳидов:

“Эл устозим мен эсам – толиб!

Сўз дурларин термоқдир ишим.

Одамларнинг ўзидан олиб

Одамларга бермоқдир ишим”,

деб ёзгани бежиз эмас, албатта.

Демак, шоирларнинг ўзи халқдан илҳом олишини, ўзлари ёзаётган ижод намуналарида ўзи мансуб бўлган халқ поэтик тафаккурининг улуши борлигини ўзлари эътироф этганлар. Бу ҳол адабиётшуносликда шеърятдаги халқона пафос хусусида фикр юритишга имкон беради. Халқ қалбининг акс-садоси бўлган шеърларни ўқиш ҳам, ёд олиш ҳам, давраларда айтиб юриш ҳам одамга завқ бағишлайди. Зеро, бундай жиҳатлар шеърятдаги халқона пафоснинг муҳим хусусияти, сифати саналади.

Аслида “пафос” сўзи юнонча (“pathos”) бўлиб, “туйғу, эҳтирос” маъноларини англатади. Пафос илҳом, руҳий кўтаринкиликдаги ўтли кечинма, эҳтиросли ғоялар билан узвий боғлиқ бўлади.

Таниқли адабиётшунос Дилмурод Қуронов таъкидлашича, бадиий асарнинг “асосий эстетик белги”си адабиётшуносликда “пафос” деб юритилади⁵. Ҳақиқатан ҳам пафос бадиий асардаги фикр ва туйғу ягона бутунлигини ташкил этади. Аристотель пафос деганда, асар ёзишга ундовчи иштиёқни тушунган. В.Г.Белинскийда пафос – бу “ғоя-иштиёқ” деган тушунчани англатади.

Пафоснинг барча турларини ижтимоий характерлар ва зиддиятлар юзага келтиради. Атоқли рус адабиётшуноси Г.Н.Поспелов пафосга “Ёзувчининг ўз қаҳрамонларига ғоявий-эмоционал муносабати ва уларга берган баҳоси⁶”, дея изоҳ берган бўлса, яна бир адабиётшунос

⁵ Қуронов Д. “Адабиётшуносликка кириш”. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. -Б.139.

⁶ Поспелов. Г. Н. Проблемы исторического развитие литературы. –М.: Просвещение, 1972. -С. 12-13.

М.Б.Храпченко “Асарнинг умумий концепсияси”⁷”, деган тўхтамга келади. Ўзбек адабиётшуноси Б.Саримсоқов пафосни “Иждокорнинг бутун асарга сингиб кетган эҳтироси”⁸ тарзида талқин қилади. Бу эҳтирос замирида халқнинг тафаккур тарзи, оғзаки ижоди, дарду аламлари билан боғлиқ нуқталар, табиийки, ушбу мавзу юзасидан атрофлича муҳокама юритишга имкон беради.

Виссарион Белинский фикрича, “Фожиа чин муҳаббатнинг ўша курашдан келиб чиқувчи бурч ғояси билан тўқнашуви ва охир-оқибат, ғалабаси ва таназзулидан иборат. Ушбу таърифдан шу нарсани англаш мумкинки, бир томонда – “чин муҳаббат туйғуси”, яъни шахсий майл ва ишқий туйғулар ётади, иккинчи томонда эса, “бурч ғояси”, яъни муҳаббатга халақит берувчи ҳолат туради, яъни севувчи қалб ахлоқий қонунни англаши билан боғланади. Ана шу жараёнда трагик пафос юзага келади.

Пафоснинг барча турларини халқ ҳаётидаги ижтимоий ҳодисалар, характерлар ва зиддиятлар юзага келтиради. Агар шеърый асар руҳиятига ўзбек миллати табиатига хос дунёқараш, эҳтирос, ҳис-туйғу, ғоявий-эмоционал хусусиятлар сингдирилган бўлса, табиийки, улар халқона пафосга эга бўлади.

Адабиётшуносликда пафосга турлича ёндашувлар бор. Таниқли рус адабиётшуноси Г.Н.Поспелов таҳрири остидаги “Адабиётшуносликка кириш” китобида пафоснинг бир қанча турлари тўғрисида маълумот берар экан, дастлаб бу тушунча ижтимоий ҳаётда юз беришига, сўнгра, бадий иждога кўчишига алоҳида урғу беради⁹.

Шоирлар халқ дардини ўз шеърларида баён қилар экан. Унда ҳиссий жўшқинлик бўлиши табиийдир. Зеро, бундаги “санъат асарининг мағзи, жавҳари” – мазмуни адабиётшунос М.Олимов фикрича, “эстетик моҳиятга

⁷ Храпченко М. Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – Москва: Советский писатель, 1970, -С.26.

⁸ Хотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. -Б.228.

⁹ Поспелов Г.Н. Введение в литературоведения. – Москва: «Высшая школа», 1988. -С. 112.

эга бўлган ҳис-туйғулар”дан иборат бўлсагина, ўзига хос пафосни ифода этади¹⁰.

Сатирик пафос – бу энг кучли ва кескин пафос тури бўлиб, ижтимоий ҳаётни маълум жиҳатларни фош этиш ва жамиятда мавжуд бўлган салбий иллатлар, мунофиқлик ва ярамасликлар устидан кулишдир. Ҳажвий пафос – ҳаётнинг маълум кулгили жиҳатларидан пайдо бўлади ва ундаги ҳаётий вазиятлар кимнидир устидан кулиш, масхаралаш орқали фош этиш, нафратланиш билан қўшилиб кетади. Ўз маърифий мазмуни билан ҳажвий кулги оддий ҳазил ёки масхаралашдан фарқ қилади. Бундай кулги алоҳида шахсга ёки воқеага эмас, балки унда инъикосини топган ҳаётий ҳолатларга тегишли бўлади. Бундай турдаги пафос Муқимий ҳажвиялари, Эркин Воҳидов ижодидаги Матмуса образи акс этган қатор шеърлар, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон ижодида яққол кўзга ташланади. Аслида, бадиий асар негизидаги пафосни англаш, унга тўғри ташхис қўйиш осон эмас. Чунки барча асарлар қайсидир даражада халқ ҳаёти билан, ўша халққа мансуб инсонларнинг эҳтироси билан боғлиқ бўлади. Сўз санъаткорлари халқ мулки билан яқиндан муносабатга киришиб, ундан баҳраманд бўлиши доимий эҳтиёж саналади. Ўзбек адабиётшунослигида бир қатор шоир ва ёзувчилар ижодини айнан ана шу баҳрамандлик нуқтаи назаридан жиддий ўрганган олим Гаффор Мўминов шундай ёзади: “Ҳақиқий санъаткорнинг онгига бутун ҳаёти даврида халқ ижоди ҳар хил йўллар билан бевосита ва билвосита таъсир этиб келадикки, буни эътироф этиш керак. Бошқача қилиб айтганда, фольклор ёзувчи онгига ва тушунчаси, хотирасига бевосита ўзлаштириладиган ижодий материалгина бўлиб қолмай, айна чоғда ёзувчи тасаввурини кўзғовчи, унга туртки берувчи бой ҳақиқий ассоциациялар туғдирувчи, тасвирланувчи воқеликни тўла ва ўз бўёғида бера олувчи турли мураккаб таассуротлар яратувчи кучли бадиий хазинадир”¹¹. Бундай хазинадан Ойбек, Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон ўз вақтида унумли

¹⁰ Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. – Тошкент: 1994. - Б. 7.

¹¹ Мўминов Ғ. Изланишларимдан қатрлар. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. -Б.199.

фойдаланди. Улар ёзган асарларда баъзан халқ кулгиси фожеавий ҳолатлар, хазинлик билан уйғунлашади. Аслида кайфиятнинг шеърий асарларда намоён бўлиши ижодкорнинг темпераментига, рухияти ва фитратига боғлиқ ҳодиса саналади. Ўз ижодини халқ ижоди билан омухталаштирган ҳолат ва ундаги турлича кайфият баёнини замонавий ўзбек шоир ва шоиралари поэзиясида ҳам кузатиш мумкин. Анвар Обиджон шеърларида халқ кулгисининг ўзига хос жиҳатлари жамланган бўлиб, унда маҳзун вазиятлар тасвирланмайди. Шу жиҳатдан унинг назми Саид Аҳмаднинг қувноқ насрига ўхшаб кетади. Шавкат Раҳмон шеърларида моҳиятида кенг миқёсда халқ, миллат, Ватан дарди яширин бўлгани учун самимийлик сезилади. Гоҳида замонавий шоирнинг ижодида кайфият ўзгаришлари, сурурли вазиятлари билан бирга маҳзун ҳолатлар ҳам кузатилади. Дейлик, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаева, Салим Ашур, Гулжамол Асқарова каби ижодкорлар шеърларида куйинчаклик, сентиментал пафосга яқин бир руҳият кузатилади.

Аслида ҳар қандай инсон бадиий адабиётда санъат ҳодисасига, тасвирланган шахслар ҳаётининг моҳиятига қизиқади. Одамлар кескин сиёсий кураш олиб бораётган, қатағон қурбонига айланаётган бўлса, одамлар хатти-ҳаракати ва кечинмаларида кучли қарама-қаршилиқлар юзага келади, ёзувчининг қаҳрамонларга ичи ачийди. Бундай драматизм ғоявий жиҳатдан пафос ҳисобланади. Драматик ҳолат юзага келганида, у айбдорлар феъл-атворини қоралаши, масхаралаши, ўрни келганда, аччиқ тил билан танқид қилиши ҳам мумкин. Кўпинча, драматизм одамлар орасидаги шахсий муносабатларда намоён бўлади. Л.Толстойнинг “Анна Каренина” романи бош қаҳрамони ҳаётда бахтли бўлмайди, адолатсизлик ва ҳаётдаги баъзи инсонларнинг иккиюзламачилигига бардош беролмай Анна ўзининг жонига қасд қилади. Жамиятдан адолат излаш бадиий асарнинг ички ҳаракатини таъминлайди. О.Ёқубов романларидан бирини “Адолат манзили” деб номлагани бежиз эмас. Абдулла Орипов шеърларида хусуматчилар қораланади, тўғрилиқ улуғланади. Бундай адабий ҳолатлар халқ ҳаётини ўрганишдан келиб чиқади.

Немис эстетикаси тараққиётига улкан хисса қўшган адиб Ф.Шиллер “Содда ва ғамгин шеърият ҳақида” мақоласида италян шоири Горацийни сентиментал шеърият таъсисчиси деб атайди. Шиллер ёзган эдики, сентименталлик ҳаётда ахлоқий моҳият бутунлигича ўтмишга чекинади ва ижтимоий муносабатлардан кескин ажратиб ташланади. Бунинг учун жамоат мавжуд шароитдан норози бўлиши, тараққийпарвар кучлар мусаффо ҳаёт сари интилишдан лаззат ола билиши керак. Г. Пospelов қайд этганидек, бу хусусият XII-XIII асрларда яратилган асарларда шакллана бошлайди. XVIII аср адабиётида айниқса, ёркинроқ акс этади.

Халқнинг ҳаёти кулги санъатидан узоқ эмас. Айрим шеърий асарлар мазмунида сатирик пафос етакчилик қилади. Бунда завқли воқеа-ҳодисалар тасвирланади ҳамда кулги асос саналади. Юмор гоҳ майин, хайрихоҳ, ғамгин, кулгили, аччиқ, дағал бўлиши ҳам мумкин. Ю.Кузнецов кузатишича, хоҳ нарса ёки шахс бўлсин, воқеа-ҳодисаларни бутунлигича ифода этмайди. Халқ ҳаётининг кулгили қирралари ифодасида зиддият ва қарама-қаршилиқлар билан бирга турли бадий тасвир воситалари муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий ҳолат тасвири, ҳақиқатни юзага чиқариш биринчи ўринга чиқади. Немис файласуфи Г.Гегель бадий ижодда, санъатда халқ куч-қудратига тўхталиб, санъатнинг кучини шу ҳодисага боғлайди. Асардаги образлар табиати билан аниқланадиган пафосни “санъатнинг буюк мотиви” деб атайди. Улар сирасига “оила, ватан, черков, шухрат, дўстлик, табақа, обрў-эътибор, романтик маънода садоқат ва муҳаббат” каби тушунчаларни киритади¹². Дикқат қаратилса, бу тушунчаларнинг бирортасини бадий асардаги мавзулар ва уларда ёритилган халқ ҳаётидан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди. Сатирик асар қайсидир маънода “чақиб олувчи” ва айни чоғда қувноқ бўлиши керак. Бу жанр ўз табиатига кўра ижтимоий ҳаётдаги бўлмағур ҳолатларни нишонга олади. Бир жиҳатдан одам қувнаб кулади. Иккинчи тамондан шеърий йўсинда ёзилган сатираларни ўқиганида ўйга толади. Халқона пафос учун сатира тийнатидаги кулги, аския, масхаралаш,

¹² Гегель Г.В. Эстетика: В 4 т. - Т.3. -С. 228-229.

ҳазил-мутойиба каби унсурлар муҳим саналади ва баъзида булар ўзаро уйғун, аралаш-қуралаш бўлиб кетиши ҳам мумкин.

Пафос аввало, ўзбек халқ оғзаки ижоди – фольклоризм материалларидан тортиб, кейинчалик мумтоз адабиёт тарихидаги адабий сиймолар ижодида, шунингдек, Абдулҳамид Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби замонамизнинг машҳур шоирларидан ҳар бири ижодида ўзига хос тарзда кўринади. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, сўз воқеланиб лирик тизимга кўчган жойда, қайсидир маънода унинг ғоявий моҳияти, мазмуни, шаклий спецификаси бўлади. Бошқа санъат турларидан фарқли равишда, шеъриятда сўзлар маълум ғоя ва қараш, мазмун ва тасвирлар эмоционал асосига қурилади. Пафос ғоя ва қарашнинг умумий ифодасини билдиришга, жонлантиришга, кучайтиришга хизмат қилади. Умуман, шеъриятни маълум бир воқеликка нисбатан ғоявий-ҳиссий муносабатсиз, яъни, пафоссиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо бу ерда бир муаммо борки, бу ҳар бир даврда муайян бир ижтимоий-фалсафий воқелик, сиёсий мафкура ҳукмрон бўлиб, ҳар бир адибнинг ижод намунаси ўз даврининг ижтимоий ҳосиласи, давр фарзанди сифатида бу жараёнга ўз эътиқоди ва дунёқарашидан келиб чиқиб, ўз шахсий муносабатини билдиради. Пафос ижодкорнинг борлиққа нисбатан ҳиссий-эстетик муносабати, кучли ва қайноқ эҳтирослари ҳосиласи, ижодкор ҳис-туйғулари, кўнгил кечинмалари, дардлари ҳамда изтиробларининг энг юқори нуқтаси акс эттирилган жараёндир.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов шеърияти она халқи, миллати ва Ватанига бўлган оташин меҳр-муҳаббатнинг бетакрор кўриниши саналади. Бу ҳол шоир шеъриятида халқона поэтик тафаккур, миллий руҳнинг энг асосий атрибути, яъни бадий-эстетик пафос сифатида намоён бўлади. Аслида, бундай тавсифлар негизида инсонга муҳаббат – инсонпарварлик туйғулари ётади. Абдулла Орипов ижодида, инсоният маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшган барча улуғ шоирлар ижодида бўлгани каби, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашиб, яхлит бир

бутунликни ташкил этади. Абдулла Орипов халқ сўзини қадрлар ва одамлар ичида юриб уларнинг сўзини тинглар эди. Исмоил бахши Анваров (1970 йил 3 март Бойсун туманидаги Ажрим қишлоғида туғилган) билан ЎЗА мухбири Абдуғаффор Одинаев суҳбат – мақоласида муҳим бир фикр бор. У Исмоил бахши Анваровни суҳбатга тортади. Бахши айтади: “Бир воқеани сўзлаб берай. Бир йили Бойсунда республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмасининг ташаббуси билан бахшилар фестивали бўлди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ҳам келганди. Мен ота-она ҳақида бир терма айтдим.

Отанг бўлса, тоғ экан,
Онанг бўлса, боғ экан.
Отаси йўқ, онаси йўқ,
Юрагида доғ экан.

Шоир Абдулла Ориф эшитиб йиғлаб юборди”¹³.

Абдулла Орипов ижодининг бошланишидан то охирига қадар халқ донолигидан, ўзбек халқ кўшиқлари, халқ қаҳрамонлари ва эртаклари сюжетидан унумли фойдаланди. Унинг “Учинчи йўл” деган шеъри бор.

Шоир ёзади:

“ – Қаёққа йўл олдинг?
– Борса келарга.
– Қаёққа йўл олдинг?
– Борса келмасга.
Учинчи йўл элтар лекин қайларга?

Ўзимни оламан билмасга.

¹³ Одинаев А. Абдулла Ориповни қойил қолдирган бахши. <http://www.uza.uz/oz/culture/abdulla-oripovni-qoyil-oldirgan-bakhshi-08-04-2019>

Заҳирага ўхшар учинчи бу йўл,
Ҳар кимса юролмас, берилмас ҳуқуқ.
Бу йўлдан ботирлар қатнайди нуқул,
Хоҳласа қайтади, хоҳламаса йўқ”¹⁴.

Шоир халқ эртакларидаги образлар дуч келадиган уч йўл мотивига мурожаат қилиб, талмеҳ санъатидан фойдаланиб янгича маъно чиқаради. Олдида йўл турган халқ қаҳрамонларини ўқувчилар яхши билади. Болаларга ёшлигида ота-оналари шу мазмундаги эртакларни айтиб беришган.

Аслида чин халқ шоирининг бутун ижодида халқона пафос шеърятдаги барча глобал мавзулар билан уйғунлашиб кетади: “Ўзбекистон, она халқ, Ватан ҳурлиги ва озодлиги мавзуси даъваткор руҳ билан қўшилиб Абдулла Орипов “феномени”ни вужудга келтирган компонентлардан бири бўлди. Шоир халқимиз тарихи, олис мозийда ва яқин ўтмишда яшаб ўтган буюк сиймоларимиз, қатағон қурбонлари бўлган улуғ адибу шоирларимиз ҳақида миллатимизнинг қадрини баланд кўтаришга, ўзликни англаб олишга даъват қилувчи шеърлар битди”¹⁵. Абдулла Орипов халқ дарди, унинг улкан орзулари билан яшаб ижод қилди.

Бадий асарнинг пафоси бевосита унинг мазмуни ва шакли билан боғлиқ бўлади. Бадий асар пафоси ўқувчига асар мазмунини қабул қилиш бўйича йўналиш беради. Масалан, Усмон Азимнинг шеърятдаги биргина “бахшиёна” деган сўзнинг ўзиёқ, ўқувчи хаёлини узун тунлар дostonлар куйлайдиган, термалар тўқийдиган бахшиларнинг ижоди томонга йўналтиради. Шоир бахшилар хусусида кўп ёзди. Ҳис-туйғулари изҳори битилган мисралар сарлавҳасига халқ бисотидан олган қаҳрамонлари номларини ҳам чиқарди. Халқона пафосга эга шу типдаги шеърларига “Алпомиш” хусусида шоир дўстимга махфий хат”, “Гўрўғли”, “Гўрўғли ва Алпомиш”, “Мамарайим бахшининг бир даврада айтгани” каби шеърларини келтириш мумкин. “Гўрўғлисиз эл бўлмас, ахир, Алпомишсиз мамлакат

¹⁴ <http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/abdulla-oripov-sentyabr-shearlari.html>

¹⁵ Бегимқулов Д. Шеърятимиз юлдузи / Абдулла Орипов. Танланган асарлар. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. -Б.399.

йўқдир” – бундай мисралар шоир ўз халқини, унинг қаҳрамонларини қанчалар эъзозлашини кўрсатади. Бевосита Усмон Азим номи билан боғлиқ бўлган “Бахшиёна” туркуми эса ўзбек шеърлятида моҳият-эътибори билан янги ҳодиса саналади. Айнан халқона пафоснинг энг муҳим аломатлари ўзбек шоирларининг ана шу каби туркумлари шакл ва мазмунида намоён бўлади. Тўғри, бундай халқона пафосли шеърлар Миртемир, Тўра Сулаймон ижодий меросида ҳам кўп кузатилади. Улардаги таъкид, ҳаётнинг бадиий таҳлили айнан халқчиллиги, шеърларнинг халқ дилига яқинлиги билан ажралиб туради. Таниқли адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов бу хусусда: “Поэзиядаги бахшиёна руҳ, халқона оҳанг, маромлар матн таҳлили учун ниҳоятда зарур, қимматли эди”¹⁶, деган зарур фикрни билдиради.

Адабиётшуносликдаги пафоснинг барча турлари халқ ҳаёт тарзи ва шу халққа мансуб инсонларнинг кечинмалари билан боғлиқлиги инобатга олинса, замонавий ўзбек шеърлятига хос халқона пафоснинг истиқлол йилларида янгиланган хусусиятлари кузатилади. Бунда ўзбек миллатининг қадим анъаналари, урф-одатлари, халқ сайллари, турли удумлари, ҳикматгўйлиги, шеърлий асарлар матнига ўзбек халқига хос доноликнинг сингдирилиши ва бошқа қатор фазилатлар бугунги шеърлятнинг поэтик қирраларидан бири сифатида бўй кўрсатади.

Ижод аҳли халқнинг бебаҳо адабий дурдоналарига таяниб, бадиий жиҳатдан гўзал асарлар яратди. Улар мазмун-моҳиятидаги халқона пафос ва бадиий теранлик халқона фольклор асарларининг адабий-эстетик қийматидан сира ҳам кам бўлмади. Бундай халқона пафосли шеърларнинг кўпчилигига ибратли ҳикоят ва ривоятлар мазмуни сингдирилади. Шунинг учун халқона руҳ билан суғорилган бундай шеърлар моҳиятида енгил кулги, ним табассум, баъзан ўткир қочирик ва пичинг-киноялар яширинган бўлади. Баъзан маълум бир сюжетга эга халқона руҳдаги бундай шеърлар китобхонга маънавий сабоқ бергани ҳолда улкан ҳаётий-фалсафий хулосалар, яъни “қиссадан ҳисса” чиқариш услубида тугалланади. Бу ўзбек миллий шеърляти

¹⁶ Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: -Б.32.

занжирининг бир халқаси бўлиб, унда ўтган давр шеърлятида шаклланган бир қанча анъана ва тамойилларни ўзига хос тарзда бойитиб, кенгайтириб борди. Ўзбек шеърлятидаги шакл ва мазмун бирлиги Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпондан бошлангани маълум. Бу ҳодиса ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу даврда рухий, фикрий эволюция жараёни фаол равишда кечди, инсон воқелигига нисбатан қарашлар ва муносабатлар ранг-баранг тусга кирди, мавзу ва муаммолар объекти ўзгарди, бу давр шеърлятида ғоявий мазмун, пафос, фалсафий қарашлар эврилиши юз берди.

Рус адабиётшуноси И.Ф.Волков фикрича: “Агар ёзувчининг ҳар қандай маънавий ва илмий қарашлари уларнинг ижодий ҳаёти таркибида аниқ-хиссий мазмун билан реал ҳаётини моҳият ва ўзига хос пафос касб этса, албатта, адабий кадр-қийматга эга бўлади”¹⁷. Муҳими, ўзига хос адабий ҳодиса маълум бир эстетик белгига эга бўлиш лозим. Шунда бадиий асарнинг турли пафоси хусусида фикр юритиш мумкин бўлади. Номаълумлик, мужмаллик, ўта умумийлик – бу типдаги бадиий асарларда фазилят саналмаслиги аниқ. Аммо ўзбек шоирлари шеърларида халқ дарди билан яшаётган, ўз миллий туйғуларини содда ва самимий баён қилаётган ижодкорлар борки, уларнинг асарлари халқимиз қалбига тез етиб бормоқда. Халқона пафосга эга шеърларнинг адабий-эстетик моҳиятида ўзига хос теранлик, халқ дарди билан уйғунлик, турли миллий ўйинлар, байрам ва урф-одатларнинг лирик талқини алоҳида ўрин тутди.

¹⁷ Волков И. Ф. Теория литературы. – Москва: «Просвещение», 1995. - С. 63.

1.2. ШЕЪРИЯТДА ХАЛҚОНА ПАФОС ВА ФОЛЬКЛОРИЗМ МУНОСАБАТИ

Бадиий адабиёт ҳамма вақт бошқа халқлар адабиётидан, айти чоғда, миллий адабиёт анъаналари ҳамда барча дунё халқлари ёзма адабиёти учун замин бўлган халқ донишмандлигидан унумли фойдаланади. Бадиий адабиёт халқ дарди билан, инсонлар кўнглида кечаётган гўзал туйғуларни шеър тилига солиши билан умуминсоний мазмун касб этади.

Халқ дostonлари, афсоналари, эртақ, мақол, матал ёки топишмоқ каби фольклор ижод намуналарининг ёзма адабиётга таъсири, шунингдек, улардан айримларининг шеърий асарлар мазмунига сингдирилгани ёки иқтибос тарзидаги кўринишлари халқона поэтик пафос хусусида мулоҳаза юритишга имкон беради. Ҳамма замонларда – қадимдан то ҳозирги кунга қадар халқнинг эпик кўлами, халқ оғзаки ижоди намуналари барча ижодкорлар учун илҳом манбаи саналган. Бу асоснинг кўлами, қамрови, таъсир доираси жуда ҳам кенг. Шу эътибордан “Адабиёт фольклор орқали мифологияга бориб уланади”, деган фикрни ёзади рус олими Е. М.Мелетинский¹⁸. Бадиий ижоднинг барча қирралари, илмий-назарий элементлари халқ донишмандлигидан қувват олади. “Зеро ёзма адабиёт пайдо бўлгандан буён ҳозиргача фольклор шоирлар, ёзувчилар, драматурглар ижодига таъсир қилиб келмоқда. Ҳозирда унинг кино, рассомчилик, кўшиқчилик ва бошқа санъатларга таъсири янада кучайган”¹⁹. Санъатнинг бошқа турлари устида тадқиқотлар олиб бориш алоҳида масала. Аммо бадиий адабиёт халқ оғзаки ижоди воситасида халқнинг яратувчанлик фазилатига, тарихи ва бугунги ҳаётига дахл қилиши инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Халқ оғзаки ижодига хос унсурларнинг ёзма адабиётга кўчиб ўтиши, ижод аҳлининг ундан фойдаланиши натижасида халқнинг маданий-маърифий, ижтимоий-эстетик ҳаётига хос жиҳатлар бадиий адабиётда ўз аксини топади. Шунга кўра халқона пафоснинг бир қиррасини ёритишда фольклоризм ҳодисасига

¹⁸ Мелетинский. Е. М. Поэтика мифа. –М.: Наука, 1976. -С. 277.

¹⁹ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. –Тошкент: Фан, 2010. – Б. 277.

урғу бериш ўринлидир. Адабиётшунос олима Лайло Шарипова таъкидлайдики: “Фольклоризм даврлар ўтиши билан хилма-хил ҳолатга кириб туради, тур ва жанрлар муносабати билан боғлиқ ҳолда ранг-баранглашиб боради. Бу фольклоризм типологияси ҳар доим ҳам бир хиллигича қолавермаслигини кўрсатади. Фақат унинг моҳиятидаги бир жиҳат ўзгармасдир: ёзма адабиётда фольклор материалларидан фойдаланиш оқибатида юзага келган ҳодиса фольклоризмдир”²⁰. Бошқа тадқиқотларда ҳам шу фикрга яқин мулоҳазалар баён қилинади²¹.

Фольклор ҳар қандай лирик ё эпик тур учун манба вазифасини ўтаган. “Халқ ижодиёти санъаткорларга илҳом, куч-қувват ва маҳорат бағишлайди. Халқ ижодидан баҳраманд бўлмаган бирорта буюк санъаткорни тасаввур этиб бўлмайди. Сўз санъаткорларининг фольклор асарларидан ижодий фойдаланиши ёзма адабиётнинг тараққийсига, шу билан бирга, халқ асарларининг сақланиб қолиши ва янгича умр кўришига хизмат қилади”²². Бу ҳодиса, айниқса, бошқа жанрлардан кўра лирикада кўпроқ кўзга ташланади.

Шоирларнинг шеърларида учрайдиган халқ мақоллари, ривоят ва ҳикоятларга ишоралар, эртаклардаги “Бир бор экан, бир йўқ экан” тарзидаги эпик формулаларнинг шеъррий мисралар таркибида келиши, табиийки, шоирлар ижодини халқ маънавий мулки эвазига бойитади. Халқона пафосга эга шеърлар ўқувчи хаёлини, тафаккур кенглиklarини халқнинг ўтмиш ҳаёти, урф-одатлари, турли удумлари, кўпқари ёки Наврўз байрами кунларидаги шодиёналарини халқ сайларидаги улуғвор кайфият билан боғлайди.

Халқ ривоятлари, афсона ва дostonлари мазмуни ва сюжети шоир онгида, унинг бадиий фантазияси асосида қайта ишланиб, муайян бир ғояни ташувчи образга айланади. Халқ оғзаки ижоди таркибидан ёзма адабиётга ўтган поэтик унсурлар ҳамма замонларда ёзма адабиётни бойитгани ҳақиқат.

²⁰ Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризм. – Тошкент: Фан, 2011. -Б.34-35.

²¹ Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: филол. фан. д-ри дисс. – Тошкент: 1994. Амонов У.С. XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаоляти мисолида). – Тошкент: 2018.

²² Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. - Б. 6.

Зеро, ўзбек мумтоз адабиёти, XX аср ўзбек адабиёти тарихи, шу билан бирга замонавий ўзбек адабиётида ҳам шу хусусиятга доир мисоллар кўплаб топилади. Аслида барча халқларнинг миллий адабиётларда бўлганидек, ҳозирги замонавий ўзбек шеърлятида ҳам кўп мингйиллик ижод тажрибаларидан фаол фойдаланган ҳолда, бадий ғоя ифодаси учун янгиланган шаклга мазмун бахш этиш йўлидаги изланишлар кузатилади. Бу жараёнда ижодкор, аввало, халқ оғзаки ижодига, жаҳон фалсафаси ва адабиётидаги тажрибаларга мурожаат қилиши ва таяниши одатий ҳол саналади. Шундай шоирлар борки, улар ижодининг негизи, асоси халқ оғзаки ижоди булоғидан тўла баҳраманд бўлади. Бу шоир туғилиб ўсган маънавий муҳитига, халқ бахшиларининг куй-қўшиқлари, узун дostonларини эшитиб тарбияланганига дахлдордир. Шу жиҳатга эътибор қаратган профессор Қ.Йўлдошев Тўра Сулаймон ижодини халқона пафос нуқтаи назардан баҳолаётган экан, қўйидаги фикрларни ёзади: “Шоир ижодининг бош белгиси унинг тўлиғича халқ оғзаки ижоди намуналари таъсирида эканидир. Унинг ўйи, туйғулари, ҳайрату ҳаяжонлари ҳамда уларнинг ифодаси халқона. Шоирнинг қайғуси, қувончи, ҳатто юморида ҳам халқчиллик яққол кўриниб туради.

Ўзи-ку бизда фольклордан таъсирланмаган ижодкор камдан кам. Лекин оғзаки ижоднинг таъсири бутун ёзганларида бўй кўрсатиб турадиган Тўра Сулаймондай адиб адабиётимизда бошқа йўқ. Бу ҳолнинг муайян асослари бор. Аввало, Тўра Сулаймон фольклор асарлари яратилиши ҳали давом этаётган даврда ва шундай муҳитда дунёга келиб улғайди. Бундан ташқари, унинг табиатида бахшилик унсурлари бор эди: у давраларни ёқтирмасди, лекин уларсиз туролмасди”²³. Олим тарафидан илгари сурилган фольклордан, халқ адабиётининг оғзаки хазинасидан унумли фойдаланиш тамойили жуда муҳим саналади. “Ўзи-ку бизда фольклордан таъсирланмаган ижодкор камдан кам” – ҳақиқатан ҳам шундай. Чунки ижодкор инсон қанчалик халққа

²³ Йўлдошев Қ. Иккинчи умр манзиллари. / “Сўз ёлқини” китоби. –Тошкент: Фафур Ғулом НМИУ, 2018. - Б.62.

яқин бўлса, одамлар дарди билан яшаса, унинг ёзганлари шу даражада бошқалар юрагини ўртайди, бошқалар қалбидан ўрин олади.

Равшанбек Махмудов Тўра Сулаймонни истеъдодли халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбулнинг “кенжа шогирди” деб таъкидлайди. Шеърларида буюк бахшининг руҳи сезилишига, соддалиги ва самимиятига урғу беради: “Тўра Сулаймон халқ термаларини, дostonларини, халқ оғзаки ижодини яхши биладиган ва уларни давом эттирган бахши шоир”²⁴,—деб таъкидлар экан, “Асрагай” шеърига мурожаат қилади:

Тақа туёқни асрагай,
Туёқ тулпорни асрагай,
Тулпор Темурни асрагай,
Темур Туронни асрагай,
Турон Қуръонни асрагай,
Қуръон имонни асрагай,
Имон инсонни асрагай,
Инсон оламни асрагай,
Оламни Оллоҳ асрагай.

Олим кейин: “Кўриниб турибдики, халқни, она заминни эҳтиётлаш, кўз қорачиғидай сақлаш инсониятнинг бурчи эканлигини шоир яхши билади”,—деб бу шеърнинг фалсафасига урғу беради²⁵.

Эътиборлиси шундаки, замонавий ўзбек шоирлари орасида халқ оғзаки ижодига мурожаат қилганлар кўпчиликини ташкил этади. Зеро, ҳозирги ўзбек шоирлари ижодида халқ дostonлари йўлида ижод қилиш ёки дoston қаҳрамонларига мурожаат қилиш ёки дoston қаҳрамонлари тилидан шеър айтиш ҳолатлари деярли анъана тусига кирган. Айниқса, Усмон Азим, Азим Суюн, Эшқобил Шукур, Рустам Мусурмон, Нодир Жонузоқ каби шоирлар

²⁴ Махмудов Р. Тўра Сулаймон. –Тошкент: Фафур Фулом НМИУ, 2008. -Б. 14.

²⁵ Махмудов Р. Тўра Сулаймон. –Тошкент: Фафур Фулом НМИУ, 2008. - Б. 17.

ижодида бу жараён алоҳида ажралиб туради. Масалан, ўзига хос ижодий йўлга эга Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг ижодида, хусусан, “Бахшиёна” туркумидаги шеърлари “Алпомиш” достонига ўзига хос татаббу сифатида яратилган. Бу борада Д.Қувватованинг “Ёзма адабиётда халқ достонлари услубини қўллаш ижодкорга воқеликни миллийлик либосида, халқчил руҳда ифодалаш имконини беради. Чунки шоирларимиз халқ достонлари услубини шунчаки асарларига кўчириб қўя қолмайдилар, балки ундан тасвир усули сифатида фойдаланиб, бадиийликнинг янги қирраларини кашф этадилар. Айни пайтда, воқеликка ўз шахсий муносабатларини билдирадилар, ҳис-кечинмаларини акс эттирадилар. Бу хусусият достонларни ўқимишли қилади ва халққа янада яқинлаштиради”²⁶,- деган фикрлари диққатга молик. Бинобарин, Усмон Азимнинг “Бахшиёна” китобига кирган “Элбек бахши” ҳақидаги туркум шеърлари халқ достонлари руҳида бўлиб, “Алпомиш” достони қаҳрамонларидан ижодий фойдаланишга мисол бўла олади, дея баҳолаш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам бахшиёна услуб XX аср ўзбек шеърлятида ўзига хос ижодий эволюция ва анъанавий тарихига эга. Чунки замонавий ўзбек шеърляти ривожига бахшиёна услуб анъаналари, тадқиқотчи Ж. Сувонова таъкидлаганидек, Миртемир, Ҳамид Олимжон, Тўра Сулаймон, Усмон Азим, Азим Суюн шеърлятида изчил давом эттирилди. Айниқса, бахшиёна услуб ва достон мотивларининг янги талқини Усмон Азим шеърлятида фавқулодда кутилмаган янги сифат ўзгаришлари ва оригиналликни вужудга келтирди.

Ж.Сувонова “Бахшиёна” шеърлар ҳақида шундай мулоҳаза юритади: “Бахшиёна шеърлар гарчи бир неча кичик асарлардан ташкил топган бўлса-да, уларда тасвирланган ҳаёт лавҳаларининг бир-бирига мантиқан боғланиши, қаҳрамон тақдирининг узвийлиги нуқтаи назаридан яхлит асарга ўхшайди... Агар Элбек бахши Алпомиш ва Қоработир ҳам Оқботир ҳақидаги

²⁶ Қувватова Д. Кейинги йиллар ўзбек поэмачилигининг тараққиёт хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2009 . № 6. - Б. 64.

шеърлар айтувчиси сифатида қабул қилинса, у ҳолда “Бахшиёна” туркумини Элбек бахши ҳақидаги кичик бир достон сифатида идрок этиш мумкин”²⁷.

Фольклор оҳанглари, мусиқаси шаклида яратилган бу шеърларда шоир туғилиб ўсган муҳит табиати ва Алпомиш ботирнинг ватани ҳисобланган Бойсун тоғларининг ҳавоси билиниб туради. Шоир бу образга мурожаати орқали ўз ички кечинмалари, армонлари ҳамда изтиробларини ифодалайди, Ватан ва халқни бир маслак атрофида бирлаштириш, эл-юрт манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш, ўғрилиқ, шухратпарастлик, ёлғончилик ва риёкорлик каби қатор иллатлардан ҳазар қилиш халқни, миллатни бор қилади, унинг қаддини кўтаради, деган ғояни Элбек бахши тилидан баён этади:

Устозим деганинг шеърфуруш чиқса,
Суйганим деганинг эрфуруш чиқса,
Подшоҳим деганинг элфуруш чиқса,
Чидагин, болам-а, чидагин,
Дардларинг танингга жойлансин.
Чидагин, болам-а, чидагин,
Оҳларинг қўшиққа айлансин²⁸.

Шоир миллатни ёлғон, риё, манфаатпарастлик маънавий инқирозга олиб боришини, бу иллатлардан халос бўлмаган халқнинг тақдири, келажагига умид қилиб бўлмаслигидан куюнади. Тадқиқотчи Ж.Сувонова Усмон Азим ижоди мисолида ҳозирги ўзбек шеърлятидаги бадий изланишларни тадқиқ этар экан, шундай ёзади: “70-йилларга келиб, бахшиёна оҳанглар Усмон Азим шеърлятида янги бир кўринишда зухур топди. Бахшиёналик шоир ижодидаги услубий фаслни белгиловчи хусусиятгина бўлиб қолмай, шу билан бирга ўзбек адабиётида халқона

²⁷Кўрсатилган манба. -Б. 49.

²⁸ Азим У. Сайланма .Шарқ НМАК, 1995 йил. Б – 196.

оҳангларга асосланган янги бир жанрнинг пайдо бўлганини ҳам намоёиш этди. Шунини айтиш лозимки, бахшиёна шеърни ўзбек ёзма шеърятига биринчи марта Миртемир олиб кирди. Тўғри, унеча ҳам миллий шеърятимизда халқона оҳанглар бўлган. Бу оҳанглар Муқимий ижодида қанчалик етакчилик қилган бўлса, Ҳамид Олимжоннинг уруш йилларидаги шеърларида ҳам уларнинг мавқеи оз бўлмаган. Аммо Миртемир бахшиёна оҳангга ўзгача бир сифат берди. Усмон Азимнинг бахшиёна шеърлари эса Миртемир келиб тўхтаган нуқтадан бошланади”²⁹.

Амир ўғри бўлса, қози риёкор,
Вазир шуҳратпараст, ўғри зиёкор,
Ва улар халқингдан кулсалар беор,
Чидагин, болам-а, чидагин,
Дардларинг танингга жойлансин.
Чидагин, болам-а, чидагин,
Оҳларинг қўшиққа айлансин.

Бундай жамиятда яшаш халққа фақат кулфат келтиради. Элниг ночорлиги ортишига олиб келади. Халқ чидайди. Аммо дардли оҳлари оҳангларда акс этади. Усмон Азимнинг “Бахшиёна” туркуми ўзбек шеърятини алоҳида ҳодиса бўлди. Туркумнинг “Қадимги эртақ” фаслида бир-бирини аяган дўстнинг-дўстга садоқатини ифодалаган Оқботир билан Қоработирнинг айтишуви ҳам халқона пафос билан йўғрилган:

“Оқботир:
Ўлсам куяр фақат волидам,
Қариликда ёлғизлик ёмон.
Дўст, қўлимни боғлагин маҳкам,

²⁹ Сувонова Ж. Ҳозирги ўзбек шеърятини бадиий изланишлар (У.Азим ижоди мисолида). Филол. фан. номз ... дисс. – Тошкент: 2000. - Б. 48-49.

Мен ўлайин, сен қолгин омон.

Қоработир:

Аза очар мен ўлсам бир халқ,

Кўк кияди не-не боёнлар.

Йўқ, сен ҳаёт қучоғида балқ,

Майли, мени чақсин чаёнлар”³⁰.

Бахшиёна таркибида Қалмоқ элининг номи келиши, Алпомиш, Барчин, Қоражон каби образларнинг тилга олиниши шоир бадий тафаккури сарчашмаларидан дарак беради; шоир Бойсун элининг фарзанди сифатида “Алпомиш” достонини қанчалар ўз ижоди мазмунига сингдирганини намоён қилади. Оғзаки ижод намуналаридаги машҳур образларнинг ёзма адабиёт такрибида пайдо бўлиши образ стилизацияси ҳисобланади³¹.

Усмон Азимнинг бу типдаги шеърий туркумига эҳтиром билан қараган Ўзбекситон халқ шоири Абдулла Орипов “Бахшиёна” деган махсус шеър ёзиб уни Усмон Азимга бағишлайди. Шеърнинг бошланишидаёқ бу эҳтиром сабабларини тушиниш қийин эмас:

“Бахшиёна”

Шоир Усмон Азимга

Усмон шоир, ёш бўлсанг ҳам

Қўллаб юбор,

Бахшиёна шеърга мени

Йўллаб юбор.

Бу дунёда нима кўпдир –

Ташбеҳ кўпдир,

Ажабтовур образларни

Мўллаб юбор.

³⁰ Азимов У. Дарс. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 1986. - Б. 79.

³¹ Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллар ўзбек шеърлятида фольклоризмлар: Филол.фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 2008. - Б. 80.

Халқ шоири мурожаат йўли билан ўз қалбидаги безовталиқни ифодалар экан. Охири бандида:

“Усмон шоир, умрим ўтди,
Энди нетай,
Пайти келди, пушаймоним
Баён этай.
Энг яхшиси, Бойсун тоғдан
Бирор ғор топ,
Чориғимни судраб унга
Кириб кетай”³².

деб ёзади. Бундай ёлғизликни қўмсаш ходисалари, бош олиб тоғу тошларга кетиш ҳолатлари, албатта, халқ оғзаки ижодидаги эртак, дoston қаби жанрлар таркибида учрайди.

Фольклорга хос ҳар бир образнинг ўзига хос муҳим белги ва хусусиятлари мавжуд. Шу билан бирга шеърятда майдонга келаётган айрим жанрлар ҳам халқнинг поэтик меросидан баҳраманд бўлади. Одатда мумтоз адабиётдаги рубоий жанрининг тўртлик кўриниши ўз ҳикматлари билан замонавий адабиёт негизига сингиб кетди. Мумтоз адабиётда ўз қонуниятларига эга бўлган тўртлик – рубоийнинг асли эса, халқ оғзаки ижодига бориб тақалиши хусусида адабиётшунослар Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовлар шундай фикр билдиради: “Тўртликнинг тарихи жуда қадимий бўлиб, у дастлаб фольклорда пайдо бўлган. Ўзбек халқ кўшиқларининг мустақил тўртликлар сифатида яратилиши бунга яққол мисол бўла олади. Тўртликлар рубоийдан ўзининг шаклий ҳамда мазмуний

³² Абдулла Орипов. Бахшиёна.

жихатлари билан фарқланади”.³³ Бу масала юзасидан олима Нодира Афоқова кўйидагиларни баён қилади: “Замонавий адабиётшуносликда энг кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган жанрлардан бири рубоийдир. Мунозараларнинг асосида “рубоий фақат арузда ёзиладими, ё бармоқдаги тўртликларни ҳам рубоий ҳисоблаш мумкинми?”, “рубоий фақат ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараларида ёзиладими ёки арузнинг бошқа вазнларида ёзилган тўртликларни ҳам рубоий ҳисоблаш мумкинми?” кабилидаги икки савол ётади”³⁴. Адабий ҳаётдаги бу муаммолар ўзи-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Замонавий шоирлар ўзлари ёзган тўрт мисрадан иборат бўлган шеърий шаклга “рубоий” номини беришади. Баъзан бу “рубоий” мумтоз жанрга мослигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Шунинг оқибатида илмий-назарий жиҳатдан муаммоли саволлар пайдо бўлади. Аслида бугунги барча шоирлар ўзларининг тўрт қатордан иборат шеърини “тўртлик” тарзида номлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Аслида тўртлик халқ ижодида кенг қўлланади. Халқ кўшиқларидан намуналар Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” асари таркибида ҳам келади³⁵. Халқ кўшиқларининг тўртликлар асосига қурилиши, фикрнинг ихчам ва ҳикматларга йўғрилган асосда тақдим этилиши халқ донишмандлигининг халқона пафосини ўзида мужассам қилади. Ҳикматларга тўла тўртликларнинг ўзбек фольклоридан ёзма адабиётга, замонавий ўзбек шоирлари ижодига кўчиб ўтиш ҳодисаси муҳим саналади. Бу адабий ҳодисага мисол сифатида Азим Суюн ижодида ҳажман кичик бўлган “қайирма”ларни олиш мумкин. Профессор Қозоқбой Йўлдошев ёзади: “Устоз А.Орипов, Э.Воҳидовлар эътироф этганларидек, А.Суюн адабиётда янги “Қайирма” жанрига асос солди”. Олим яна шоирнинг “Эй, дўст” туркуми муносабати билан яна таъкидлайдики: “Азим Суюн – поэтик фикрлашида халқоналик, ифода йўсинида халқчиллик бўртиб турадиган

³³ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. - Б. 356-387.

³⁴ Афоқова Н. XX аср ўзбек адабиётида рубоий ва қитъа. – Тошкент: “Фан”, 2005. - Б.4.

³⁵ Бу ҳақда қаранг. Хўжанова Г. “Ҳибатул ҳақойик” ҳақиқатлари. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001; Маматқулов М. Қадимги туркий адабиётда тўртлик ва марсия. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006.

шоир”³⁶. “Қайирма” хусусидаги фикрларни жамлаган ҳолда ушбу янгича ҳодиса жанр стилизациясига мисол бўлишини таъкидлаш ўринли бўлади³⁷.

Замонавий ўзбек шеърлятида ўзига хос ўринга эга бўлган Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Азим Суён, Сирожиддин Саййид шеърлятидаги ранг-баранг образлар таркибида мифологик ва хаёлий образлар кўзга ташланади. Маълумки, мифологик образлар нафақат халқ оғзаки ижодида, балки ёзма адабиётда ҳам қадим даврлардан бери кенг қўлланиб келинади. Адабиётшунос К.Имомов бу образ ҳақида шундай ёзади: “Пари образи олов стихиясининг тимсоли, оташкадаларда олов билан шуғулланиб шуҳрат топган аёллар руҳининг тимсолларидир. Қадимий ананимик тасаввурда юзага келган пари ва паризод образлари миф замирида пайдо бўлган. У гўзаллик рамзи сифатида фаолият кўрсатади. Олов пари ғоят гўзал, нафис, марҳаматли, фусункор қиз қиёфасида тасвирланган. Унинг пари аталиши оловдан чиқиб, оташга сингиб кетишида амал қилади”³⁸. Пари нафақат, ўзбек халқи орасида, балки қардош халқлар, қолаверса, европалликлар орасида ҳам маълум ва машҳур образ саналади. Мумтоз шоирлар ижодида пари масаласида яна бир фикрга диққат қаратиш фойдали бўлади: “Пари халқ оғзаки ижодида, унинг дoston, эртак, қўшиқ каби жанрлярида асосий образлардан бири ҳисобланади. Аммо пари образи учун етакчи белги, “пари” сўзи тилга олинганда хаёлимизда зуҳур бўладиган илк тасаввур ҳусн билан, беқиёс гўзаллик билан боғлиқ. Демак, пари учун бош сифат унга тегишли дастлабки ёрлик бу ноёб гўзаллик, тенгсиз латофат. Пари инсон тасаввурининг энг нозик, ғоят мўъжаз нуқталарининг маҳсулидир. У халқ идеалидаги гўзаллик олами, ташқи қиёфанинг мукамаллиги тимсоли. Пари кўзга жуда кам кўринадиган, намоён бўлганда эса, ўзининг ҳусн ва

³⁶ Ёўлдошев Қ. Сўзга жойланган ўзлик / Сўз ёлкини. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. –Б.9.

³⁷ Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърлятида фолклоризм. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2011.

³⁸ Имомов К. Зардуштийлик ва эпик мотивлар генезисига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2009. № 6. - Б. 57.

латофати билан инсонни ақлу хушидан Мосуво этувчи соҳира”³⁹. Аммо мифологияда пари – диний тимсол. У оғир пайтларда инсонга ёрдам беради, ёки балолар ёғдиради. Унинг шаффоф, нафис гўзаллиги эса ёзма адабиётда рамзий маънода гўзаллик тимсолидир. Шу маънода “пари” номи тилга олиниши билан тенгсиз гўзаллик тимсоли кўз олдимизда намоён бўлади.

Бу образнинг хусусиятларини мукаммал тасаввур этиш учун “тенгсиз” сўзини уч хил талқин қилиш мумкин. Биринчиси, ҳақиқатан кўплаб фольклоршунос, адабиётшунослар қайд этганларидек, “пари” образи, аввало, хуснда тенгсиз, ташқи гўзал қиёфа тимсоли бўлса, иккинчидан, дунёнинг барча сир-синаотларини ўзлаштирган билимдон, оламдаги барча хоҳ дунёвий бўлсин, хоҳ ғайб илмини эгаллаган образ ҳисобланади. Учинчидан, пари оддий инсонлардан (чунки пари инсон қиёфасида тасаввур қилинади) фарқли равишда сеҳр-жодуловчи характерга эгаллиги билан халқ оғзаки ижодида, қолаверса, ёзма адабиётда алоҳида ажралиб туради. Демак, ўз-ўзидан парининг икки хил қиёфаси яққол кўзга ташланади: бирда ботирларга раҳнамо бўлса, бирда рашкчи рақиб, гоҳида болаларни ўғирлаб инсонга азоб беради. Хусусан, фольклоршунос олимлар аниқлаган “Пари образи, бир томондан ёвуз куч, хиёнаткор, жодугарликка эга бўлган салбий персонаж, иккинчи томондан, донишманд ва гўзалликка эга бўлган ижобий персонаж сифатида ифодаланади”⁴⁰.

Мисол учун ўзбек халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган “Кўрдим” халқ кўшиғида шундай сатрлар бор:

“Кўрдим, неки пари келар,
Келар соллона-соллона.
Ошиқ элин кўнглин олиб,
Келар нозлана-нозлана...”.

³⁹ Хўжаев Т. XV аср биринчи яри ўзбек адабиёти ва фольклор: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: 1996. - Б. 37.

⁴⁰ Раззоков Х., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. - Б. 143.

Бундаги “пари”дан мурод, албатта, хаёлий бир гўзалликка эга “ижобий персонаж”дир.

“Маълумки, парилар сеҳр-жоду хусусиятига эга бўлганлиги сабабли, улар одамни сеҳрлаши, мислсиз гўзаллиги билан ҳалок этиши ҳам мумкин деб қаралган. Афсона ва эртакларда пари юзидаги ниқобини олганда, унинг хусну жамолини кўрган қаҳрамон ҳушидан кетиши ёки девона бўлиши мотивлари кўп учрайди”⁴¹. Шу боис, халқда ақлдан озган кишиларни “пари теккан” деб ҳам аташади. Шу ўринда Ҳазрат Навоидан бир мисол келтиришни лозим топдик:

Қай пари-пайкарга дерсан телба бўлдинг бу сифат,

Эй пари-пайкар, не қилсанг қил манга, бўлдим санга.

Пари образи ҳақида халқ қарашлари ва унинг тарихий асосларига диққат қилинса, унга турли сифатлар, хусусиятлар баъзан гўзал қиз ёки йигит қиёфасида намоён бўлади. Масалан, замонавий ўзбек шоирлари “пари”га ҳам бот-бот мурожаат қилади. Азим Суюн ўз қайирмаларидан бирида ёзади:

“Эй дўст!

Қўл силтадим бу дунё ғурбатига,

Қалби кесак рақиблар ғийбатига.

Кетдим-кетдим бир қадаҳ май симириб,

Пари-пайкар, жононлар суҳбатига”.

Одатда, “пари” сўзи “пари-пайкар” тарзида ҳам қўлланади. Аслида эса, дунё ғурбатларидан безиб, унга қўл силтаган Азим Суюн ўзининг ороми ва ҳаловатини “пари-пайкар” – кўнглига яқин ёрининг суҳбатида деб билади. Инсоннинг кўпчиликдан ўзини тортиб ёлғизланиш ҳолати ҳам, баъзан кўнглига хуш ёқмайдиган одамлар ёнидан бошқа бир гуруҳ, дейлик, кўнглига яқин жонона қизлар даврасига ўзини уриши ҳам жамият ҳаётида мавжуд

⁴¹ Ҳамдамова С. Халқ ижоди – илҳом чашмаси. – Тошкент: Фан, 2009. - Б. 49.

ходисалар жумласига киради. Азим Суюн шеъриятининг умумпафосига хос белгиловчи жиҳатларини бемалол халқона пафос доирасида муҳокама қилиш мумкин. Зеро, “қайирма”лари аввалида келаётган “Эй дўст” ундалмасининг ўзиёқ шу тўртликларга хос дард ва сурурни ифода қилади.

Замонавий ўзбек шеъриятида ёзганлари халқона пафос талабларига жавоб берадиган шоирлардан бири Хол Муҳаммад Ҳасандир. Бу шоир ижоди тўғрисида филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов шоирнинг:

“Тоғдай тилак тиламай

Қирдан умид қилмагин.

Хизр назар йўламай

Тўрдан умид қилмагин”,

деган шеърини таҳлил қила туриб, унга: “Халқона ҳикматнинг назмдаги ифодаси бу мисралар”, - деб урғу беради⁴². Тўғриси, Қашқадарё заминида туғилиб ижод қилаётган бу шоир ўзининг “Бахшиёна” деган шеърида “Қўшиғим – элники, эл – давронники” деб урғулар экан, бевосита халқ яратган қаҳрамонлар образларига мурожаат қилган ҳолда:

“Чамбилбел қалъаси – қирқ чилтонники,

Юнус, Мисқол пари – ҳур, ғилмонники.

Қирқ йигит, Соқибулбул, Сардор... қани

Битта Ғирот Гўрўғли султонники”,

деб ёзган бўлса, айнан “Ўлан” деб сарлавҳа қўйилган бошқа бир шеърида яна “пари” образини тилга олади:

“Туялар боқсам «ҳала»лаб,

Олдимга солсам галалаб.

⁴² Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбба ижодий уйи, 2015. -Б.24.

Урсам норининг бўйнига,
Ўлсам парининг қўйнида”⁴³.

Шеърдаги лирик қаҳрамоннинг кайфиятида кўнгли “пари”ни кўмсаш ҳолати кўриниб турибди. Унинг қаерда экани эса анча мавҳум-абстрактдир. Парилар гўё хаёлий бир мамлакатларда – дostonлар, эртаклар мамлакатада истиқомат қилади. Шу эътибордан фольклоршунос Баҳодир Саримсоқов “Парилар оддий одамлар орасида яшамайдилар. Ўзбек халқининг мифологик карашларича, парилар инсон қадами ета олмайдиган узoқ бир юртда яшайдилар”⁴⁴,– деган мулоҳазани ёзади. Ҳақиқатан ҳам, халқ эртак ва дostonларида парилар маскани Кўҳи Қоф тоғи атрофидаги Боғи Эрамда деб таърифланади.

Пари образига киритадиган кейинги ойдинлигимиз унинг ташқи кийёфасида намоён бўлади. Одатда, сувпариларининг сувда, сув бўйида яшашлари билан биргаликда сочларининг ранги қора, узун ва ёйилган ҳолатда бўлиши ҳақидаги турлича тасаввурлар юради.

Бизнинг назаримизда, парилар менталитет жиҳатдан ҳам фарқланади. Жумладан, ўзбек халқи тасавбурида пари узун ва қоп-қора сочли, нозик қад-қоматга эга, оппоқ ҳарир либосли хушсурат аёл сифатида тасвирланса, европаликлар уни узун сариқ соч, мовий кўзли деб тасаввур қилади. Бундай тасаввур ва талқинларни ҳар бир халқнинг ўз психологияси, диди ва менталитет, этногенезиси характеридан келиб чиқиб баҳолаш мумкин.

Хўш, ҳозирги ўзбек шоирлари парини ўз ижодида қай суратда, қай бадий-ғоявий мақсадларга мувофиқ ҳолда акс эттирмоқда? Бу саволга ойдинлик киритиш лозим.

Муҳаммад Юсуф “Сувпари” шеърда мифологик образнинг икки хил турини, яъни кўкда яшовчи ҳур-пари ва сув остида яшовчи сувпари образини яратганлигига гувоҳ бўламиз:

⁴³ Ҳол Муҳаммад Ҳасан. Ой ўтов – оппоқ ўтов. – Тошкент: Paradigma, 2017. - Б. 104.

⁴⁴ Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг эпик жанри. – Тошкент: Фан, 1981. -Б. 131.

“Сен кўкдаги ҳарир кўйлак, ҳур-пари,
Кўк кўлдаги тиниб қолган сувпари.
Муҳаммаднинг кўнглидаги дилбари,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек”⁴⁵.

Бу шеърда лирик қаҳрамон севгилисига муҳаббатини изҳор қилар экан, ҳеч ким унингдек сева олмаслигини ҳар банд охирида “сени ҳеч ким севолмайди менингдек” такрорий рефрен мисралар билан таъкидлайди. Охирги бандда севгилисини осмону фалакда яшовчи ҳарир кўйлак кийган ҳур-парига ва иккинчи мисрада эса кўк кўлдаги сув остида яшовчи сувпарига қиёс қилади. Нима сабабдан шоир ўз севгилисини айнан пари образига қиёс қилди экан? Чунки юқорида айтиб ўтилганидек, лирик қаҳрамоннинг “кўнглидаги дилбари” кўл етмас фалакда ҳур-пари, инсон қадами етмас кўл тубида сувпари мисоли ҳаёт кечиради. Лирик қаҳрамон, гарчанд унинг васлига ета олмаслигини билса-да, уни севаверади, унга талпинаверади. Демак, Муҳаммад Юсуф халқ оғзаки ижодидаги ва ёзма адабиётга кўчган “пари” образининг икки хил ҳаёт тарзидан фойдаланиб ушбу образни яратган.

Рус мумтоз адабиётидаги А.С.Пушкиннинг “Русалка” номли шеъри мазмунан мавзуимизга дахлдор бўлганлиги боис қиёсий таҳлилга тортамыз. “Русалка” воқеабанд шеър ҳисобланади. Пушкин шеъридаги сувпари ҳам худди Муҳаммад Юсуф яратган пари сингари қалин эманзор ичидаги кўлда яшайди. Пушкин шеърда истеъдодини ниҳоятда чиройли тарзда намоён этган. Биринчидан, сувпари образини маҳорат билан яратишга муваффақ бўлган. Иккинчидан, халқ мифологиясига кўра парилар билан оддий кишиларнинг интим муносабатига доир гўзал санъат асарини яратган. Эътибор берилса, Муҳаммад Юсуф яратган ҳур-пари ҳарир кўйлакда тасвирланса, Пушкин қаламига мансуб сувпари яланғоч, сочлари ёйилган,

⁴⁵Юсуф М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2002. -Б. 28 (Кейинги мисолларнинг саҳифаси қавсда кўрсатилади).

оқбадан жувон қиёфасида тасвирланади. Ҳар иккала шоир ҳам пари образини аёл қиёфасида, гўзалликнинг идеал тимсоли сифатида бадиий акс эттирар экан, Пушкин бу образга хос сеҳргарлик хислатини ҳам тавсифлайди. Яъни Пушкин сувпари образига тўсатдан “учган юлдуздек”, “тўлкинлар аро” ғойиб бўлиш сифатларини беради. Қолаверса, рус адабиёти тарихида барча адабий сиймоларга нисбатан А.С.Пушкин ижоди халқона пафоси билан халқнинг калбидан ўрин олганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Халқона пафос табиатини белгилашда фақатгина фольклорга хос адабий жанрлардан фойдаланиш эмас, балки маълум бир миллатнинг умуммаданий дунёқарашини ўзида акс эттиргани ҳам муҳим саналади.

Ўзбек мумтоз адабиётида “сувпари” образининг энг гўзал намунаси Атойи ғазалида XV асрнинг биринчи ярмида яратилган эди:

“Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклугиндин сув била ютса бўлур”⁴⁶.

Демак, ҳар учала шоир: Атойи, Пушкин, Муҳаммад Юсуф яратган парилар, аввало, сувда яшаши билан характерланса, иккинчидан, тенгсиз гўзаллик тимсоли сифатида тасвирланган. Бу ҳол халқона тафаккурнинг адиблар ижодига кўчиб ўтганидан далолат беради.

Муҳаммад Юсуф ҳам мумтоз шоирлар яратган анъаналари ва донишманд халқимиз ижодининг туганмас хазинасидан оқилона фойдаланиб, ўз шеъриятида пари образининг турли қирраларини, характерини, қисқаси гўзаллик ва доноликнинг тенгсиз тимсолини, яъни пари образини яратади. Унинг шеъриятида “пари” образи ниҳоятда изчил ишланганини кузатиш мумкин. Хусусан, “Ўтинч”, “Келинчак” номли шеърларида ҳам пари образига нисбат берилувчи сатрлар учрайди. Жумладан:

Мулкингизга не парилар ҳавас этмас,

⁴⁶ Атойи. Девон. – Тошкент: Фан, 2008. - Б.96.

Ёрим айтинг, сизга яна нима етмас,
Нечун ойдек юзингиздан қайғу кетмас,
Ҳажр азобин сиз ҳам энди тотдингизми? («Сайланма», 58)

“Келинчак” шеъри, аввало, халқ қўшиқлари услубида ёзилгани билан характерланса, иккинчидан, лирик қаҳрамон тез-тез мурожаат қилган, яъни қиз боланинг ўзга хонадонга узатилиши мавзусига яна бир бор қайтади. Лирик қаҳрамон келинчакка қараб, унга ҳатто парилар ҳам ҳавас қилаётган бир маҳалда, унинг ойдек гўзал юзида нечун қайғунинг изтиробли кўланкаси сабабини суриштиради; айрилиқ азобининг даҳшатини “ёр” ҳам тотаётганини айтиб кўнглини ёзади.

Муҳаммад Юсуф “Яхши” номли шеърида аёлни парига менгзайди. Аммо энди бу ерда пари – гўзал, ўзига ром этувчи, аммо бевафо аёллар тимсолида гавдаланади:

Ўпич кўрган паридан
Сепкил тошган юз яхши,
Ичмасанг ҳам қимиз зўр,
Қучмасанг ҳам қиз яхши («Сайланма», 64).

Кўринадики, Муҳаммад Юсуф халқ қўшиқларига хос соддалик, теран мазмун, самимийлик, жозибаторликдан унумли фойдаланган ҳолда ўз шеърларида пари образига жуда кўп мурожаат қилади.

Муҳаммад Юсуфнинг “Яхши” радифли шеъри халқ қўшиқларидан ушбу сатрларни ёдга солади:

Шамчироқни ёнганидан,
Ёнмагани яхшироқ.
Бевафо ёр бўлганидан,
Бўлмагани яхшироқ (“Шода-шода марварид”, 158).

Муҳаммад Юсуфнинг “Ўпич кўрган паридан” хунук қизнинг яхшилигини таъкидлаши шоирнинг халқ руҳини, маданиятини, эстетик дидини яхши билишининг натижасидир. Бу шеърда шакл ҳам ўзига хос халқона пафосга эга, шеърда халқ қўшиқларига хос услуб оҳанг, туроқ, ритм ва мазмун айнан миллий ўзига хослиги билан ажралиб туради.

“Оқ рўмол қизлар” шеърда эса шоир қизларнинг юрган йўлларига, қадамига парилар ҳам ҳавас қилишини таъкидлаш орқали тасвирда эмоционал таъсирчанликка эришади.

“Юрса йўлга ёғдулар изи,
Париларга орзулар изи.
Сиз – онамнинг ёришган юзи,
Сиз – отамнинг йўқотган қизи...
Ойдин қизлар, ойжамол қизлар,
Ойдан тушган оқ рўмол қизлар”.

Шеърда майин бир оҳанг, латиф қизларнинг табиатига хос бўлган нафосат сезилади. Зеро, парилар нурдан яратилган бўлса-да, қизларнинг нур каби софлигига улар ҳам ошиқ бўлар экан.

I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Замонавий ўзбек шоирларининг шеърларидаги халқона пафос ҳар бир инсон қалбига миллий руҳини олиб киради; халқ ичидаги сўзлар билан ифода қилиш эса, шоирлар ўз атрофидаги одамлар кўнглини қанчалар теран англашини англатади. Шу ўринда халқона пафос билан шеърятдаги фольклор унсурларининг айнан бир хил тушунча эмаслиги ҳам аёнлашади. Пафос бевосита шоирнинг кўнгли дардлари ва шу дардларнинг халқнинг дардларига уйғунлиги билан ифодаланади. Бундай шеърый ифода жараёнида фольклор унсурлари қўлланилмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун халқона пафос тушунчаси билан шеърый асарлар таркибида келадиган халқ оғзаки ижодига доир унсурларни аралаштириб юбормаслик лозим.

2. Халқона пафос тушунчаси илмий-назарий нуқтаи назардан ҳис-туйғуларнинг халқона услубда баён қилинишида бир томондан мумтоз анъаналарнинг давоми бўлса, иккинчи тарафдан, халқ оғзаки ижодига ҳос оҳангларнинг ҳам замонга мослангани билан изоҳланади.

3. Мустақиллик йилларида халқимизнинг поэтик тафаккур тарзидан қувват олган шоирлар ўз изланишлари натижасида янгича образлар, хусусан, “қайирма” типидagi янгича халқона жанрлар бўйича тажрибалар қилиб кўришаётгани қувонарли ҳолат ҳисобланади.

4. Замонавий ўзбек шеърятдаги халқона пафос генезисини ўзбек миллатининг кўп мингйиллик маданий тарихи, бадий тафаккури тадрижи, халқ ўйинлари, байрамлари, урф-одатларининг лирик талқини билан уйғунликда тадқиқ этиш илмий-назарий нуқтаи назардан асослидир.

II БОБ. ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА РУҲИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИН ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1. Шеърятда миллий ўзликни англаш

Шеърый асарни англаш ва ҳис этиш учун муайян тарзда шаклланган адабий билим, шу асарларга мос келадиган рухий кайфият лозим бўлади. Чунки шоирлар ўз қалб кечинмаларини шеърый йўл билан баён қилар экан, кайсидир жиҳатдан рухий-психологик вазиятни, безовталиқ, ҳаловатсизлик, қувонч ёки аламли дамларни бошидан кечиради. Бундай тарзда майдонга келган ва ўз дардини халқ дарди билан омухта тасаввур қилган шоирлар шеърларининг пайдо бўлиши мустақиллик йиллари учун ҳам бегона эмас. Зеро, мустақиллик даври ўзбек адабиётида миллий ўзликни англаш, миллий урф-одатлар ва қадриятларга эътибор кучайди. Шоирлар учун ўз ички дунёсини намоён қилиш билан биргаликда ўз халқининг бошқа бирор миллатдан кам эмаслигини таъкидлаш мавзуси санъат ва адабиётнинг барча соҳалари учун муҳим аҳамият касб этди. Шеърятда ўзига хос шаклий изланишлар, бир томондан, дунё адабиётига мурожаат ва уларнинг тажрибаларидан баҳраманд бўлган ҳолда намоён бўлган бўлса, иккинчи томондан, халқнинг маънавий бисотидаги дурдоналардан, халқ оғзаки ижодида мавжуд адабий манбалардан унумли фойдаланиш жараёнлари жиддий тус олди. Халқ ҳамиша ўзлигига қайта-қайта назар солиши, ўз қалбини қўшиқ ва куйларда, достон ва эртакларда акс эттириши мавжуд ҳақиқатдир.

Адабий жараённи теран биладиган академик Наим Каримов истиқлол даври ўзбек шеърятда асосан уч хил йўналишда асарлар ёзаётган шоирлар ижодининг ўзига хос жиҳатларини урғу бериб кўрсатади: “Буларнинг биринчисини, шартли равишда, интеллектуал шеърят намояндалари деб аташ мумкин. Бу гуруҳнинг тепасида Усмон Азим турибди. Унинг ва даврадошларининг шеърятда истиоравийлик, фалсафийлик, агар лўнда қилиб айтсак, тафаккур ёлқинлари порлаб туради. Иккинчи йўналиш вакиллари учун халқона оҳанглар, миллийлик, соддалиқ, айниқса, муҳимдир.

Вақти-вақти билан бу ҳар иккала йўналишда ижод қилувчи шоирлар ҳам борки, улар учинчи йўналишни ташкил этадилар”⁴⁷.

Демак, олим ҳозирги ўзбек шеърятини интеллектуал, халқона, коришиқ, дея учта йўналишга ажратган. Бундаги тасниф ўзини оқлаши аниқ. Филология фанлари доктори Улуғбек Ҳамдамов эса: “1990 йиллар шеърятини моҳиятини ифода қилиш усулига кўра, асосан уч хил: биринчиси, халқона оҳанг бўлиб, ушбу усулнинг вакиллари М. Юсуф, С.Сайид, Р.Мусурмон, И. Мирзо, М.Мирзо каби шоирлардир. Уларнинг шеърлари ўқувчига тез етиб боради, тез сингади, шу билан бирга тез унутилади ҳам.

Навбатдагиси – анъанавий йўналиш. Бу йўналишдаги шоир – янги ифода усулини қидириб ўзини уринтирмайди. Балки туйғуларини мавжуд ва кенг истеъмолдаги шаклга солади. Ҳ.Аҳмедова, Э.Шукур, З.Мирзаева, С.Ашур, С.Рауф каби шоирлар.

Анъанавий йўналиш халқона ва учинчи – модерн руҳдаги шеърят ўртасида гўё бир кўприк. Модерн шеърят шоирнинг ўз кайфияти учун янги ифода қидириш билан боғлиқ бўлиб, унинг бир ирмоғи шеърятнинг ўз ички моҳиятидан бошланса, бошқаси жамиятдаги ижтимоий жараёнлар бағридан сизиб чиқади. А.Қутбиддин, Б. Рўзимухаммад, А.Саид, Фаҳриёр каби шоирлар...”⁴⁸.

Демак, олим халқона, анъанавий, модерн йўналиш деб учта гуруҳга ажратиб, гуруҳ вакиллари номларини бирма-бир санайди. Ҳатто Улуғбек Ҳамдамов шу учта йўналишда ижод қилувчи шоирлар бир йўналишдан бошқасига ўтиб туришига ҳам урғу беради. Лекин шоирнинг темпераменти, дунёқараши ва индивидуал тушунчаларига кўра битта услуб барибир устуворлик қилишини, белгиловчи моҳиятга эга эканини эътироф этади. Олим: “Уларнинг шеърлари ўқувчига тез етиб боради, тез сингади, шу билан бирга тез унутилади ҳам”, деган қараши бироз мунозарали ҳам кўринади. Тасаввуримизча, қайси йўналишда ёзилган бўлишидан қатъий назар, яхши

⁴⁷ Каримов Н. Муҳаммад Юсуф ва ҳозирги ўзбек шеърятини // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2004. 5-сон. - Б.16-19.

⁴⁸ Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. - Б. 170-171.

шеър, образлар, рамзлар билан тўйинган беназир шеър унутилиши қийин кечади. Катта-кичик авлодга мансуб ҳар бир олимнинг мустақиллик даври шеърлятига нисбатан ўз қарашлари борлиги қувонарлидир. Зеро, шеърлят шундай турфа рангларнинг жилосидан майдонга келди. Дейлик, яна бир ёш тадқиқотчи Алимардон Ҳайитов ҳам кўп жиҳатдан У.Ҳамдамов таснифига яқин фикрни ўртага ташлайди: “1990 йиллар шеърлятидаги услубий изланишларни шартли тарзда қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Халқона руҳдаги услубий изланишлар.
2. Мумтоз лирик йўналишдаги услубий изланишлар.
3. Модерн йўналишдаги услубий изланишлар”⁴⁹.

У.Ҳамдамов билан А.Ҳайитов 90-йиллар шеърлятидаги услубий йўналишни таснифлаш жиҳатдан деярли яқин фикр билдирганлигини кузатиш мумкин. Шу эътибордан ҳозирги замон ўзбек шеърлятини асосан уч хил йўналишга таснифлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Халқона ижодий услуб.
2. Анъанавий услуб.
3. Модерн услуб.

Янги замон шеърлятини тадқиқ қилар эканмиз, халқона услубда, анъанавий шаклларни янгича шакл-шамойилда тасвирлаган, яъни юқорида келтирган уч услубни омукталаштирган ҳолда янги бадий манзара-панорама яратган кўплаб ижодкорларни учратиш мумкин.

Бу даврда майдонга чиққан Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Азим Суюн ва Усмон Кўчқорлар ижодида инсоннинг ички изтироблари, туйғулари ва кечинмалари бир қадар моддийлашади, шеър инсонни ҳаёти ва аъмолини таҳрир этувчи, эътиқодга элтувчи кўзгу вазифасини бажаради. Шу билан бирга, инсонни соф, бориша тасвирлаш, қалбига чуқур кириб бориш, уни ўзи яшаётган ҳаёт ичида кўрсатиш анъаналари юзага келди. Социалистик реализм ва ҳукмрон мафкура

⁴⁹ Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: 2004. - Б.16.

сиёсатини мадҳ этиш, турли мафкуравий жараённинг толмас жарчиси бўлиб асар яратиш бу авлод шеърлятига ёт хусусият бўлди. Зотан, ўз вақтида шундай типдаги шеърларга ҳам халқнинг дардини куйлаган, халқ орзу-истакларини баён қилган шеърят намуналари сифатида қаралгани ҳам шеърят тарихида бор гап. Бироқ халқ ҳамма вақт ҳам ҳукмрон мафкура, ижтимоий-сиёсий ҳаётга тегишли мафкуравийлашган дастурлар билан умр кечирмайди. Халқнинг ўз зийнати, ўз табиати, ўз фитратига хос табиий ва гўзал ҳаёт тарзи бор. Бу ҳаёт тарзи расмийлашган қоғозларда, қарор ва фармойишларда ифода этилган ҳодисаларда анча фарқ қилади. Халқ орасида юрган зиёлилар буларни яхши билади. Шу билан бирга ўша халқнинг маданиятини, маънавияти ва маърифатини ифодалайдиган турли маросимлар авлодлардан-авлодларга, асрлардан-асрларга ўтиб келади. Улар ҳар қандай инсоннинг тарбиясига, ахлоқига таъсир кўрсатади. Битта мисол. Ҳукмрон мафкура ўз вақтида халқимиз шууридан Наврўз байрамини ўчиришни истади. Унинг номланишини “Навбаҳор” билан алмаштиришга уринилган замонлар ҳам бўлди. Бироқ минг йиллар давомида халқнинг ботиний шуурида яшаб келган янги кун шавқи барибир ҳамisha “Наврўз” байрами сифатида муҳрланиб қолаверди.

Бошқа бир тарафдан халқ ичида ҳамма вақт ўз устида турган босқинчига нисбатан нафрат руҳи кезиб юрди. Шоирлар бундай руҳни сезиб юрди. Халқ руҳи, ҳали истиқлолгача бўлган шоирлар шеърларида метафорик равишда шеърый мисраларга кўчди. Бу типдаги шеърлар халқ шуурида яширинган бўҳронни намоён қилиб, Ватан, Озодлик, Кураш каби тушунчаларни жонлантирди.

Айниқса, Шавкат Раҳмон ижодининг асосий пафоси – мустамлака исканжасидан қутулиш, барча туркий халқларнинг ўзаро яқинлашиши ва қудратли туркий маданиятнинг барпо бўлиши руҳидир. Шоир бир умр ватанининг озод бўлишини орзу қилди, шунга интилди. Шеърларида ўзгаларга бўйсунмаслик, миллатининг хурлиги, эркин яшаш, ўз мустақил фикрига эга бўлиш ғоялари бўй кўрсатиб туради.

“ Бахтиёрман деган биргина сўзни
айтиш учун керак қанча куч-чидам,
гарчи бахт сўзларнинг энг ёқимлиги,
гарчи турса ҳамки тилнинг учида.
Оғир ботмасмикин
бу сўз кимгадир,
тегиб кетмасмикин оҳ-воҳларига,
қандоқ бардош бериб яшайман кейин
бахтсиз кимсаларнинг нигоҳларига.
Авалло бу сўзни ўзгалар айтсин,
айтсинлар кўзлари севинчга тўлиб,
элнинг бахти учун умрини тиккан
шоирлар айтмасин биринчи бўлиб.
Бу сўзни бир умр айтмай яшадим,
ҳар шодлик келганда юрдим секинроқ.
Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,
бахт сўзин айтаман,
элдан кейинроқ”⁵⁰.

1984 йилда ёзилган бу шеърда шоирнинг қанчалик ўз халқи, эл-юртини ардоқлаши сезилиб турибди. Халқнинг бахт-саодатли бўлиши чин маънодаги ижод аҳли қалбига сурур, кўзларига нур бериши мумкинлигини шу шеърдан ҳам англаб олиш мумкин. Шавкат Раҳмоннинг шундай шеърлари борки, уларда ўз қалбидан кечган туйғулар халқ дарди билан уйғун келади. Бундай шеърлар таркибида халқ оғзаки ижодига хос унсурларнинг қатнашмаслиги ҳам мумкин. Аммо Ш.Раҳмон ўз шеърларига халқ оғзида юрган ривоятларни

⁵⁰ Шавкат Раҳмон. Сайланма. Тошкент. Шарқ НМАК. 1996.

ҳам асос қилиб оладики, бунда шоир дарди ифодаси учун оғзаки ижод намуналарига мурожаат қилгани кузатилади.

Ўтган асрнинг охирларига келиб, ўзбек адабиётида ҳукм сурган социалистик реализм ижодий методи аста-аста барҳам топиб, турли шеъриятда “изм”лардан кўра инсоннинг чинакам юксак мартабасига, комиллик мақомига ва фақат инсон ҳамда унинг қалбига доир ҳақиқату фожиалар ҳақида мушоҳада юритиш муҳимлиги сезилиб қолди. Бадиий адабиёт устида юритиладиган сиёсат воситасида яратиладиган шеъриятда халқ дарди айтилмайди; давр талаблари, мафкура тавсияларига кўра асарлар ёзилади. Бундай вазиятда шеърият сунъийлашади, халқдан, унинг дардидан узоқлашади. Аммо элак сувдан кўтарилганда XX асрнинг энг машҳур шоирлари ижодида ҳам замонасозликдан холи лириканинг айрим гўзал намуналари кузатилади. Бошқалари замонанинг кун тартибида турган масалалари билан йўқлик сари юз тутди, улар муваффақиятсизликка учради. Айрим асарлардаги ижобий қаҳрамонлар ноҳаётий, сунъий, юракдан чиқиб айтилмаган шеърлар эса схематик тарғибот-ташвиқотни ифодаловчи мафкуравий асарларга айланди. Бугунга келиб инсон, ҳаёт, ватан, эътиқод, истиқлол, миллий ўзликни англаш каби тушунчалар замирида ҳақиқий инсоний туйғуларни ифодаладиган муносиб шеърият пайдо бўлди, шунга мос бўлган бадиий баён шаклларида ўзгаришлар сезилди.

Ҳамма даврларда ҳам шеърият – муносабат шакли сифатида хизмат қилган. Бу ижтимоий борлиққа нисбатанми, табиат ёки аёл ҳақидами, бирор сиёсий жараёнларга ижобий-салбий муносабатми, қандайдир мавжудликка исён ёки мутеълик тарзида намоён бўлади. Биз олам ва одамнинг дунёга бўлган ғоявий-ҳиссий муносабатини истиқлол даври шеърияти мисолида кузатишга ҳаракат қиламиз. XX асрнинг 90-йилларига келиб халқимиз азалий орзуси амалга ошгач, бадиий тафаккурда янгиланиш суръати тезлашиб, теранроқ маъно ва мазмун кашф этди. Ҳозирги ўзбек шеъриятида ҳаётни теран идрок этиш ва идрок этилган ҳаётни янгича шакл ва оҳангларда бадиий акс эттиришга интилиш тамойили кўзга яққолроқ ташланади.

Ўзбек шеърятининг забардаст шоири Шавкат Раҳмон шеърятини ўрганган Улуғбек Ҳамдамов фикрича: “70-йиллар авлоди ўзининг ижтимоий-маънавий мавқеи билан XX аср ўзбек шеърятида алоҳида эътиборга моликдир. Шавкат Раҳмон ана шу истеъдодли авлоднинг битта забардаст вакилигина эмас, балки бутун бошли ўзбек шеъряти осмонининг доимий ўчмас юлдузларидан бири ўлароқ порлаб туришга муваффақ бўлган шоирларимиздандир”⁵¹.

Дарҳақиқат, бу порлоқ юлдуз бўлган Шавкат Раҳмон шеърятининг баъзи жиҳатларини тушунтиришда дунё шеърятига мурожаат қилиш ўринли, аммо айтиш керакки бу забардаст шоир шеърларининг халқона пафосига алоҳида урғу бериш ўринлидир. Халқ ичида юрган, ўзбек миллий тафаккури негизида узоқ йиллардан бери яшаб келаётган поэтик образлар ёрқин акс этганини таъкидлаб ўтиш лозим. Шоирнинг “Уч ажойиб ўғли бўларди”, “Ривоят”, “Халқ дostonларида”, “Офтоб ва офтоб нурлари ҳақида афсона” каби шеърлари шаклан ва услубан халқ дostonлари, эртаклари ва афсоналари услубида ёзилган. Булар шоир руҳий дунёси халқ руҳига ҳамоҳанг эканини намоён қилади. Бинобарин, “Халқ дostonларида” шеърисида энгилмас, илоҳий куч-қудратга эга қаҳрамон, паҳлавон образи яратилади.

Мўъжизавий баҳодир халқ эртак ва дostonларида тасвирланган аждарҳоларнинг, сеҳр-жодунинг пири саналган ёвуз ялмоғиз, битмас-туганмас куч-қудрат ва ёвузликнинг тимсоли бўлган девларни ҳам энгиб ўтувчи образ сифатида тасвирланади.

“Бирор асотирда

Баҳодирларни

ҳаттоки юз бошли аждар емаган,

минг бир синоатли ялмоғизлар ҳам,

тоғларни ўйнаган девлар энгмаган.

Бари ҳалок бўлган хиёнатлардан,

⁵¹ Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. - Б. 118.

барига орқадан санчилган ханжар,
шундай бўлиб келган
хар тош тагида
минглаб паҳлавонлар ётган ватанда”⁵².

Ҳамма замонларда кўнгли тоза, одамларга эзгулик улашадиган инсонлар “хиёнат”дан азоб чекишган. Бу мотив ўзбек адабиёти тарихида ҳам, халқ донишманлиги бўлган дostonларда ҳам кўп муҳокама қилинади. Шоир халқ дostonларидаги Алпомиш, Рустам, Гўрўғли, Авазхон каби қаҳрамонларнинг энгилмаслигини ботинан англаган ҳолда халқ оғзаки ижодида куйланган ғояни ўз даври кишилари тақдири билан боғлайди. Эртақ ва дostonлардаги сингари хиёнат туфайли ҳалок бўлган афсонавий қаҳрамонларнинг ҳаёти барча даврнинг довжорак кишилари учун ҳам ҳослигини таъкидлайди. Шоир халқ дostonлари ва афсоналарида куйланганидек, ҳақиқий жасур кишилар ҳар қандай қонли жангу жадаллардан эсон-омон ўтишини, бироқ хиёнаткор кўрқоқлар паҳлавонлар ҳаётига зомин бўлиб қолишини халқона пафос билан талқин қилади. Шоир айнан хиёнат, хоинлик халқнинг ўз ичидангина эмас, ҳар бир инсоннинг ўз ичида яшашига ҳам урғу беради: “Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир”, деб таъкидлайди у.

“Вақт ўтган сари Шавкат Раҳмон сиймосининг адабиёт тарихида ҳайбатли тоғдек намоён бўла боришининг асосий сабабларидан бири унинг эстетик идеалига дахлдор. Эстетик идеал – ижодкор бутунлиги, эстетик идеал – ижодкор маънавий-руҳий, амалий-эстетик ҳаётининг давоми. Юксак эстетик идеал – шоир ҳаётининг давоми. Агар шу назарий тамойил майда маишийлик ё ўткинчи мафкуравийлик билан чекланиб қолса ёки турли ғийбату ғурбатлар домига тушса, ижодкорнинг “мен”и, шахс сифатидаги қиёфаси, ўзлиги, мартабаси, бадий олами кўзга кўринмай қолади. Бундай қаламкаш ҳеч кимга ёки “кимдир”га айланади. Шавкат Раҳмон шеъриятида

⁵² Раҳмон Ш. Уйғоқ тоғлар. – Тошкент: 1986. - Б. 164 (Кейинги мисолларнинг саҳифаси кавсда кўрсатилади).

ҳис-туйғу, руҳият, фикр, рамз шоирнинг улкан умуминсоний дарди воситасида, улкан бир эстетик идеал доирасида оригинал адабий воқеликка айланади⁵³.

Шавкат Раҳмон сўзларни жуда авайлаб, эҳтиёт бўлиб қўллайди, ҳар бир калимага муқаддас нарсдай ёндашади. Эътибор берилса, шоир бахт сўзини ишлатмасликка қандай ҳаракат қилса, “ватан” каломини ҳам шундай кам қўллайди. Шоирнинг “бахт” сўзига махсус эътибор бериши ва бу сўзни элнинг аввал айтишини кутиб туришига сабаб бор. Ўзидан аввалги шоирлардан бири шўро даври адабиётшунослари назарида “бахт ва шодлик” куйчиси деган сифат билан тавсифланар эди. Шоир қайсидир маънода ўз шеърида шунга ишора қилаётгани ҳам сезилади.

Шавкат Раҳмон ижоди авж палласига чиққан пайтда Ватан мустамлакачилар қўли остида азобланаётган эди. Ватанни ҳур, озод кўриш унинг бош идеясига айланди, бошқа мавзулар унинг учун ўз аҳамиятини йўқота борди. Шавкат Раҳмон шеърияти олдида Ватанни севишини байроқ қилиб кўрсатадиган, “Ватан” сўзини бош ҳарфлар билан ёзиб, сунъий пафос билан йўғрилган ёлғон қасамлар ичадиган айрим ижодкорларнинг маънавий қиёфаси очиқ-ойдин ошкор бўлади.

Яшил шажар эдим...

Қандоқ соғиндим...

кўзимни яшнатса рубобий ранглар.

Қайси бир дунёга бунча оғриндим,

дилимни қаритди бесамар жанглар.

Мен жангчи эмасдим,

мен шоир эдим,

ниҳоят, шоирдан кўра зобитман,

ҳар нафас Мусурмон миллатим дедим,

нафсига куйганлар келди оқибат.

⁵³ Карим Б. Руҳият алифбоси. –Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2018. - Б. 118.

Ҳаромни хуш кўрган маслакфурушлар
зиғирдай ҳимматин қилганда миннат,
япроқдай сарғардим буюк урушда
Мусурмон йўқ эди,
йўқ эди миллат.

“Туркийлар” шеъри Шавкат Раҳмон шеъриятининг гултожи сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Бунда шоирнинг ижодий кредоси – туркий бирлик, туркий дунёнинг муштарак ривожланиши ғояси акс этган:

Туркда бош қолмади... қолмади довлар.
хотин-халаж қолди мотам кўтариб,
“Бизга тик қарама!”, буюрди ёвлар,
ёвларга терс қараб яшади бари.
Таланди самовий тулпор уюри,
таланди зарлари,
зеру забари,
“терс қараб ўлинг”, деб ёвлар буюрди,
ёвларга терс қараб жон берди бари.
Лаҳадга кирдилар ўзларин қарғаб,
қолмади арабий,
туркий хатлари,
“туғингиз”, деди ёв, “тескари қараб”,
ёвларга терс қараб туғилди бари.
Туғилди,
туғилди,
туғилди қуллар,
қирқида қирилган – имдодга муҳтож,
ёвларга терс қараб итлардай хурар,
бир-бирига душман,

бир-биридан кож...

Борми эр йигитлар, борми эр қизлар,
борми гул бағрингда жўмард нолалар?

Борми бул туфроқда ўзлигин излаб

Осмону фалакка етган болалар?

Бор бўлса,

Аларга етқариб қўйинг,

бир бошга бир ўлим, демаган – эрмас,

шаҳидлар ўлмайди,

бир қараб тўйинг:

Ёвга терс қараган – Мусурмон эмас!

Ёвга терс қараган – Мусурмон эмас!

Ёвга терс қараган – Мусурмон эмас!

Ёвга терс қараган – Мусурмон эмас!

Ёвга терс қараган – Мусурмон эмас!

Сўнги сатр шеър ниҳоясида беш бор қайтарилиши беш арконга, инсоннинг умри беш кунлиги, иймон тимсоли сифатида талқин қилиш мумкин. Асардаги қайтариқлар шоир юрагидаги мавжни, ботиний ҳаракатни ифодалайди. Шоир наздида ёвга терс қараш – кўрқиш, таслим бўлиш ифодасидир. Ёвдан қочмаслик, унинг қаршисида ортга бурилгандан кўра ўлиш, шаҳид кетиш афзаллигини ибодат калималаридай такрор-такрор уқтиради. Ёв юзига тик боқа олмай, терс қараш, кўрқоқлик эканини таъкидлайди.

Шавкат Раҳмон сўзларининг ҳар бири халқнинг юрагидан ўрин олди:

“Ҳар бир сўз юз сўзнинг ўрнини босар –

Ватан, Халқ, Жасорат, Кураш, Озодлик.

Ҳар бир сўз етажак юзта умримга,

Ҳар бири бахш этар руҳимга шодлик”,

деб ёзар экан, биринчи ўринга “Ватан”, “Халқ” сўзларини қўйди, катта харфлар билан ёзди; шу билан бирга шоир ўз сўзларининг умрига ҳам гўё башорат қилгандек баҳолар берди: “Ҳар бир сўз етажак юзта умримга” – бу шоирнинг ўзига ишончидан далолатдир. Ўзининг ҳар битта сўзи фоний дунёга кетгандан сўнг ҳам умр йўлларида ўзига ҳамроҳ бўлишини фақатгина Шавкат Раҳмондек талантли ижодкорларгина айта олиши мумкин.

Шу адабий авлоднинг яна бир истеъдодли намояндаси Азим Суюннинг “Кўпкари” деган шеъри бор. Халқ орасида қадимдан давом этиб келадиган бу мардлар баҳси кўпгина шоирларга илҳом беради. “Кўнгилга яқин шеърият” номли мақоласида профессор Қозоқбой Йўлдошев шу шеърга диққат қаратиб ёзади: “Азим Суюн – қисмда бутунни, томчида дарёни, қатим нурда қуёшни акс эттирадиган назаркарда шоир. Унинг ижодидаги шу жиҳат “Кўпкари” шеъридаги: *“Чарсиллар чавандозлар, Чарсиллайди халойиқ”* сатрларида яққол кўринади. Бу тасвирлар ўзбекнинг руҳиятини акс эттириши, ватаннинг белгиларини кўрсатиши жиҳатидан бетакрордир. Уларда бедовлар танаси ва ҳавода чарсиллаётган қамчиларнинг, қамчилардан-да қаттиқроқ чарсиллаб бораётган асабларнинг кардиограммаси акс этган”⁵⁴. Азим Суюн “Куз” шеърида яна кўпкари мавзусига қайтиб ёзади:

“Мен шу халқ фарзанди, базми, тўйида,
Қамишдан бел боғлаб хизмат қилгум соз,
О, халқим тўйлари, жоним кўйингда...
Кўпкари урроси ёдга тушди боз —
Боболарнинг ўтли юраги, қони,
Шу шонли майдонда бўлур намоён.
Ҳей, бўм-бўш қолмасин бу қадим майдон,

⁵⁴ Йўлдошев Қ. Кўнгилга яқин шеърият // Ёшлик, 2018. 1-сон.

Танти чавандозлар, гуркиранг, қани!”⁵⁵

Шоир ўзини “халқ фарзанди” санайди, мақсади ҳам эл-юртига “қамишдан бел боғлаб хизмат” қилишдир. Кўпкарига бағишланган, полвонларнинг олишувларига, Наврўз байрамининг шукуҳига доир шеърлар моҳиятида халқона пафоснинг поэтик мазмуни мужассамдир.

Халқ тили ва дилини яхши биладиган шоир Ҳол Муҳаммад Ҳасан “Кўпкари” деган тўртлигида шундай ёзади:

“Кекса тулпор кўпкарида кўп югурар, кўп елар,
Чавандозин қаҳрини ҳам, қамчи зарбин хўб билар.
Зот айирар, соврин олар, бироқ ҳамон топганин
Ҳанграшидан дунё безор яғир эшак еб кетар”.⁵⁶

Халқ одатда рамзий йўсинда фикр айтишни, ижод қилишни севади. Узундан-узун ривоятлар, семантик тарафдан узун бўлган жумлалар халқ тилида қайралиб мухтасар ҳолга келади. Шунинг учун тўртликларда халқ донишмандлиги ўз ифодасини топади. Юқоридаги Ҳол Муҳаммад Ҳасан ёзган тўртликда ҳам адолатсизлик рамзий равишда, образли тарзда баён қилинади. Бундаги ҳикмат Эркин Воҳидовнинг “Донишқишлоқ хангомалари” асаридаги Матмусанинг ҳажвий қилмишларига хулоса ўлароқ битилган “бирова қилиб хизматни, бирова обрў олади” деган таъбирга мос келади. Чунки бутун меҳнатни учқур, меҳнаткаш тулпор бажаради. Елиш, югуриш, мақсад сари интилиш кекса тулпорнинг иши. Шу ўринда тулпор билан яғир эшак ўртасида зидланиш ҳам бор. Тазод шеърятда жуда кўп қўлланадиган бадий санъатлардан бири саналади. Халқ ҳам, шоирлар ҳам ўз ижодида бу санъатдан унумли фойдаланади. Тазод қўлланган асарларда фикр чақмоқдек ярқ этиб хаёлга муҳрланади. Кекса тулпор хокисор, меҳнаткаш

⁵⁵ Суёнов А. Сайланма. Шеърлар, дostonлар. – Тошкент: Шарқ, 1997. - Б. 149.

⁵⁶ Ҳол Муҳаммад Ҳасан. Ул кун устоз дедилар. – Тошкент: Akadernashr, 2011. - Б. 54.

инсон образини эслатади, “эшак”ка “яғир” сифатининг берилишининг ўзиёк унга нисбатан ўқувчи ичкарасида бирдан зид кайфиятни уйғотади. Бундай мухтасар ифодани шоирнинг “Жим, жўра” тўртлигида ҳам кузатиш мумкин:

“Дунёи кўтирга қара, нор ҳаммомни ҳавас қилди,
Тегмай қолиб текин тароқ, кал Ҳотамдан араз қилди.
Ҳолин билгандан ҳол сўра, баъзан ҳимматингдан кўра
Жим юрганинг маъқул, жўра, “Бой берди – гадой ноз қилди”⁵⁷.

Маълумки, халқ орасида кўлидан келмайдиган ишни ҳавас қиладиганларга нисбатан “туя ҳаммомни ҳавас этибди” деган таъбир юради. Тўртликнинг биринчи мисрасида шу маънога ишора қилингани кўриниб турибди. Кейинги мисра: аслида ҳалиги бир кимсанинг боши кал одам, лекин тароқ текин бўлгандан кейин уни ҳам қайси бир ҳимматли кимсадан ундиришни истади. Иккинчи мисранинг маъноси шундай. Аслида бу “дунёи кўтир”даги ҳар кимнинг ўз ҳолини билиб юргани маъқулдир. Аммо шундай вазиятлар ҳам бўладики, ўзи камбағал унга нимадир зарур. Бундай вазиятларда такаббурлик кетмайди. Шундай кимсаларга нисбатан халқ ичида “Бой берди – гадой ноз қилди” таъбири ишлатилади. Албатта, бундай мисоллар шоирнинг халқ кўнглини теран билишини англатади.

Халқ ичида яралиб шу кунларгача инсониятни мукамал қилиш, унинг онги ва қалбини тарбиялаш учун хизмат қилиб келаётган халқ оғзаки ижоди намуналарида, хоҳ у эртақ, хоҳ дoston, хоҳ мақолу кўшиқ шаклида бўладими, қатъий назар, улар халқ ва миллат умумтафаккури, неча минг йиллик ҳаётий тажрибалари асносида вужудга келади. Халқ руҳининг ифодачиси саналган бу маънавий борлиқ инсоният даҳосининг азалий ҳақиқати сифатида асрларга хизмат қилади. Мазкур ҳақиқатлар эса бадий тафаккурнинг турфа шакллари, жанрлари орқали воқе бўлади ва шеъриятда ўз мазмун ва ғояси, жўшқин нафаси билан ўз ўрнини топади. Шавкат Раҳмон,

⁵⁷ Ўша манба. - Б. 37.

Фахриёр, Эшқобил Шукур ва Азиз Саид каби ижодкорлар асарларида янгиланаётган тафаккур, тириклик, ҳаёт ва инсон фалсафасига нисбатан ўзгачароқ муносабат кўринади. Бу давр шеърлятида абстракт туйғулар, анъанавий ва модерн шеърлятнинг синтези ўлароқ яратилган асарларда шарқ мумтоз адабиётининг энг асосий ғояси – ҳаётни, борликни, идеални англаш учун – ўзингни топишинг, ўзлигингни топиш, ботининг моҳиятини, сиру асрорларини ечишга интил, деган мақсад бўртиб кўринади.

Жиддий фикр юритиб кўрилса, истеъдодли шоир Эшқобил Шукур шеърларининг асил негизи халқимизнинг бадиий хазинасига бориб тақалиши сезилади. Унинг халқона пафосга эга шеърлари сифатида “Кўнглимни тошга ёрдим”, “Кўпкари”, “Шоли кўрикчиси”, “Меҳринисога айтган алламин”, “Менгим момонинг йўқлови”, “Сунбула”, “Зўраки қаҳқаҳа”, “Қиз кўшиғи” ва бошқа қатор шеърларини мисол қилиб келтириш мумкин. Буларда шоирнинг кенг майдонларга чиқиб хайқираётган одамларга жўр бўлаётганини кўриш мумкин: “Чумчук, чумчук, шўр тумшук, Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт!”, “Воҳ” – деди, улоқ кетди, Қош ила қабоқ кетди”, “Вой, Менгим-а, шўр Менгим. Увв!..Увв!”, “Аҳай-аҳа-ҳай. Аҳай-аҳа-ҳай! Мен кушларнинг тушларида кўринай, Мен тушларнинг кушларида кўринай”, “Ёрилтошлар ёрилди, Ёрилмадинг сен” – бу типдаги стилистик сўз курилишлари шеърнинг халқона семантик-маъновий ўзига хослигини таъминлайди. Беғуборлик, сўзнинг юрак-юракдан отилиб чиқиши, бор тошуви билан кенг даралар кучоғида гумбирлаган садоларнинг келиши Эшқобил Шукур шеърларига хос муҳим тамойиллардан бири ҳисобланади. Юракдан чиққан ғалати ҳаяжон товушлари ҳам бу шоир шеърларида қандайдир маъно касб этади.

“Эшқобилнинг шеърлари Олтин бешикнинг кўнғироғига ўхшайди. Одамни бирдан ўзига жалб этади. Унинг “Камбағалнинг шодлиги” деган бир

шеъри бор. Ниҳоятда ўзбекона шеър”, деб таъкидлайди Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева⁵⁸. Сўнгра шеърдан парча келтиради:

Бир парча нон бўлмас балки сўзимиз,
Валекин ошиқмиз, ошиқмиз.

Бир қултум сув бўлмас балки кўзимиз,
Валекин ошиқмиз, ошиқмиз.

Хаёл ва ҳижрондир нону тузимиз
Воҳ, бул кун ошиқмиз, ошиқмиз.

Нетонг кўнгил бўлди ризқу рўзимиз
Эртан ҳам ошиқмиз, ошиқмиз,

Йўқ бўлиб кетсак-да, тамом ўзимиз,
Сўнг яна ошиқмиз, ошиқмиз.

Шоирлар кўнгилга, кўзга, осмонга, одам ва оламга ошиқ дил эгаларидир. Эшқобил Шукурнинг ўз эътирофига кўра у “сўзларнинг маънолари устида” жуда катта меҳнат қилиб ишлаганини таъкидлайди. Сўз устидаги заҳматларини жамлаб “Бобо сўз изидан” номли махсус бир “сўз китоби”ни эълон қилди. Шоир кўпчилик орасида ёлғизлана оладиган ва халқ орасига кириб уларнинг дилини ўқий оладиган инсондир. Э.Шукур ёзади: “Ой, булут, шамол, дала, йўл... Улар доим менинг шеърларимга кириб келаверади. Йўқ, булар шунчаки образлар эмас. Улар менинг бу дунёдаги доимий ҳамроҳларимдир. Шаҳарнинг энг гавжум, энг сершовқин жойида ҳам улар менинг ёнимда эканини ҳис этаман”⁵⁹. Бундай образлар ўзбек адабиёти

⁵⁸ Худойбердиева Ҳ. Тафаккур, 2019. 2-сон.

⁵⁹ Худойбердиева Ҳ. Тафаккур, 2019. 2-сон.

тарихида, фольклорида мавжуд. Шоирга бу образлар бегона эмас. Эшқобил Шукур халқ ичида сўз териб юрадиган шоирлар тоифасига киради. Оддий одамлар қўллайдиган нодир сўзларни шеърга олиб кириб оммалаштиришдан орланмайди. Алоҳида таъкидлаш керакки, Э.Шукур тил фанининг, хусусан, ўзбек адабий тили луғатларига кирмаган сўзларнинг ҳам билимдонидир. Бобо сўз изидан” номли яхши бир китоби шундай сўз излашлари натижасида майдонга келганлиги сир эмас, албатта⁶⁰.

XX асрнинг 80-90 йиллари ва мустақиллик даври ўзбек шеърляти ривожига истеъдодли шоир, таржимон ва олим Матназар Абдулҳакимнинг ўзига хос ўрни бор. Шеърлятни – шоирнинг асосий эътиқоди, ҳаётдаги бор аъмоли деб билган Матназар Абдулҳакимнинг жўшқин, рангин ва фалсафий шеърлари мустақиллик даври адабиёти ривожига ўзига хос ҳисса қўшди.

Шоирнинг биринчи китоби “Тиниқ тонглар” 1984 йилда Гафур Ғулом нашриётида чоп этилади. Шундан кейин “Фасллар қўшиғи”, “Қор қўшиғи”, “Мавж”, “Ёнимдаги дарёлар”, “Қорачикдаги дунё”, “Ойдинлик”, “Бир қучоқ гул”, “Ёлғиз япроқ” каби шеърлий, “Иймон тухфаси”, “Ялдони ёритган нур”, “Иккинчи муаллим сабоқлари” каби илмий ҳамда Шайх Нажмиддин Кубро, Шайх Мажиддин Бағдодий, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Абдулқодир Бедилдан таржималар, “Жавзо ташрифи”, “Азизлар анжумани”, 2009 йилда “Кўприк”, “Мангулик жамоли” китоблари нашрдан чиқди.

Матназар Абдулҳаким – тафаккур шоири. Унинг шеърларида ички туйғулар билан фикр ҳамиша уйғун келади. Шоир ҳаётининг ҳеч ким эътибор бермаган, бир қарашда кўзга унчалик ташланмайдиган масалаларига эътибор қаратади. Мана шу кичкинадек туюлган муаммолар ўзига хос шеърлий усул ва воситалар ёрдамида фалсафий тарзда акс эттириладики, ўқувчи беихтиёр шоир айтаётган фикрлар маънавий ҳаётимиздаги улкан фожиалар эканлигини дабдурустдан ҳис қилади. Шу тариқа шоир ўқувчини

⁶⁰ Шукуров Э. Бобо сўз изидан. – Тошкент: Шарқ, 2018. 56 бет

тахлил қилади. Унинг қалби, фикри, дунёқараши, ҳаёти ва аъмолига кўзгу тутуди.

“Мен ҳақ сўзни айтай. Сен чида.
Мен рост сўзим сўзлай. Қаҳр этма.
Ўтмиш ўтмишники, азизим,
Ўтмиш билан қуруқ фаҳр этма.
Ўтмишинг бор. Бу, шаксиз, толе
Ўтмишинг бор. Бу бахт, албатта
Ўтмиш атлас, ўтмиш духоба,
Лекин сен ҳам бўлмагин латта.
Ўтмиш билан чалғиб, унутма,
Бу кунингни бор қилишни ҳам
Қойил қилдинг мағрурланишни,
Ўрганиб ол ор қилишни ҳам”⁶¹.

Мана шу уч банднинг ўзиёқ шоир бизда ҳанузгача урф бўлган аждоодларимиз, буюк ва шонли тарихимиз билан мақтаниш одатимизни танқид қилади. Халқона пафос руҳида ёзилган ушбу халқчил мисраларда шоирнинг қалбидаги аччиқ аламлар яққол кўриниб туради. У мана шу тарихга, аждоодларимизга муносиб бўлишга даъват этади, улардан орқада қолишни ор деб билади, ўқувчининг ғурурига, кўнглига тегиш орқали уни уйғотишга уринади.

Матназар Абдулҳаким шеърятини бир қараганда бир оз жўнроқ, соддароқ, “ҳазм қилиш”, англаш, тушуниш осонроқ туюладиган шоирга ўхшайди.

Аммо унинг ижодий дунёсига, руҳий оламига чуқурроқ кириб борганингиз сари туйғуларининг нақадар қуюқлигига, тасвир ва баёндаги равонликка, фикрларининг чуқур ва залворли эканига, тафаккур даражаси

⁶¹ Абдулҳакимов М. Жавзо ташрифи. – Тошкент: Шарқ НМИУ, 2008. –Б. 111.

юқорилигига амин бўласиз. Шоирнинг ташбеҳлари содда, жумлалари енгил бўлиши билан бир қатор, мазмун ва фикрнинг оғирлиги, чуқурлиги ҳамда халқоналиги билан ажралиб туради. Шоир одам дунёси ҳақиқатларини, инсон изтиробини ва фожиаларини ўз дардидек кўради. Унинг оташин мисралари қатида миллат дарди билан оғриган озурда инсоннинг аччиқ ноалари ётади. Шоир миллат ҳаётига зарар келтираётган оддийгина муаммоларни глобал миқёсда тасвирлаш билан бирга, кўпчилик учун хавотирли туюлган воқеаларни эса содда тарзда тасвирлайди. Бу тасвирлар эса шоир қалбининг нақадар уйғоқлиги, туйғулари, изтироблари чинлиги, самимийлигидан дарак беради.

Бизда бордир бўри ҳақиқат,
Бизда бордир қуён ҳақиқат,
Бизда бордир у ён ҳақиқат,
Бизда бордир бу ён ҳақиқат,
Оқшом ҳақиқатимиз мавжуд,
Мавжуд тагин саҳар ҳақиқат,
Асал ҳақиқат бор бизларда,
Бизларда бор заҳар ҳақиқат.
Бўлак-бўлак ҳақиқат бордир,
Бордир парча-парча ҳақиқат.
Биз ҳақиқат ясаб берамиз.
Истасангиз агар қай тахлит
Фақат ягона ҳақиқат йўқ,
Йўқдир бизда ҳақиқат яхлит.

Мана шу шеърнинг ўзидаёқ шоирнинг ижодий услуби, йўли кўринади. Матназар Абдулҳаким дунёни босган фисқу фужур, адолатсизлик, ёлғон ва риё ичида ҳақиқат топа олмаган лирик қаҳрамон изтиробларини бадиий ғоя даражасига кўтаради. Гарчи оламнинг ўз қоидалари, ҳаётнинг қоидалари ва

инсоният учун яратилган кўплаб ахлоқий кодекслари мавжуд бўлса-да, уларга ҳеч ким бўйсунмайди.

Чунки бу дунёда ҳамманинг ўз ҳақиқати бор. Золим зулмига яраша, мулла илмига яраша, ўғри касбига яраша, хоин эътиқодига яраша ҳақиқат ясайди, бунга ўзи ҳам ишонади, бировни ҳам ишонтиришга уринади. Бу олам мана шундай парча-парча, бўлак-бўлак ҳақиқатлар тўқнашадиган, уларнинг манфаатлари, интилишлари ва ҳаваслари учрашадиган улкан майдон. Бу майдонда ҳеч ким бир-бирини тан олмайди, биров-бирова учун куюнмайди, биров-бирова учун ёнмайди. Бу ерда ҳаммага бирдек керакли, ҳамма бирдек бўйсунадиган ҳақиқат йўқ. Яхлит, ҳамма нарса мужассам, мукаммал бўлган ҳақиқат мавжуд эмас, мавжуд бўлса-да, ҳеч ким унинг измидан юрмайди. Шоирнинг лирик қаҳрамони мана шу олий ҳақиқатни қидириб юради, ҳамиша унга интилади. Аммо қанча интилмасин, ўйлагани саробларга айланаверади. Ҳар қадамда дуч келадиган ёлғон, хиёнат, мунофиқлик, иккиюзламачилик ва разиллик унинг юрагини кундан-кунга емиради.

“Сира ҳам унутиб бўлар эканми,
Ёдимда ҳар лаҳза, ҳар бир дақиқа.
Хоразм эмасдир менинг ватаним,
Ватанимдир менинг – ҳақиқат.
Чангаллаб олади ўйлаганим сари
Юракни кун-кундан баттар ғам...
Яшайман қувғинди қилиниб,
Бўлиб бадарға”⁶².

Матназар Абдулҳаким ижоди ўзига хос кичик оламдир. Иқтидорли адибимиз Назар Эшонқул айтганидек: “Кичик-кичик оламлардан яхлит олам пайдо бўлади – буларнинг ҳар бири ўзига хос, бироқ улар ягона оламга ва муҳташам обиданинг турли бурчакларига ишлов бераётган меъморларни эслатади, аммо уларнинг ҳаммаси шу обиданинг шифтига – оламлар

⁶² Абдулҳакимов М. Жавзо ташрифи. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2008. - Б. 63.

бирлашадиган томонга интилади. Айни пайтда, бу оламлар куёш атрофида айланган сайёралар мисоли инсон атрофида айланади – уларни ҳеч қачон инсон тафаккуридан узиб олиб ўрганиб бўлмайди – тафаккур шу оламлар қувватидир”⁶³.

Шоирларнинг маънавий олами бирлашиб ўзбекнинг маданий-маърифий дунёсини намоён қилади. Шеърят тарихида ҳар бир шоирнинг ўз ўрни бўлади. Шоир юксак маъволарда парвоз қилади. Унга хаёл ҳамроҳ, йўлдош бўлади. Бироқ у юксакларда парвоз қилгани ҳолда заминдаги одамлар ҳолидан сўзлайди, уларнинг табиатини, руҳини анализ қилади.

“Парво этманг, такрор айтаман

Бахт ҳақдаги кўпик гапларга.

Ишонингиз иш билан машғул

Тарс ёрилган қутлуғ кафтларга.

Бундай сўзлар айнан панд еган, муттасил алданган, аламкаш дилдан чиқади. Нега? Негаки, бу шунчаки муваққат кайфият уйғотган аламзада эҳтирос ёхуд фақат ўз қорни, нафси илинжида қоғозга тушган сатрлар эмас, билъакс, кундалик ёвғонга кўнган, пари сифатини йўқотиб, сарой базмларининг эрмагига, маддоҳига айланган, ўтрик-ёлғон сўзни айтмоқдан сесканмай қўйган дабдаба назмбозлигидан зада кўнгил ва фикратнинг алам-андуҳи”⁶⁴.

Борлиқ ва одам дунёсини англашнинг ўзига хос усулига эга бўлган шоир ижодида бош ва асосий пафос – бу ростгўйлик ва ҳақсўзликдан иборат. “Адабиётнинг вазифаси инсонни йиғлатиш ёхуд кулдириш эмас. Лекин инсонни бағритош қилиб тарбиялаш ҳам адабиётнинг вазифасига кирмайди. Адабиёт кўпбошли аждаҳога ўхшайди. Унинг асосий боши инсонда

⁶³ Эшонкулов Н. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Akademnashr, 2014. -Б. 99.

⁶⁴ Ризаев Ш. Изтироб санъати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. - Б. 112.

самимиятни шаклантормоққа хизмат қилади⁶⁵”. Шоир ижтимоий ҳаёт ҳақиқатларини тасвирлайдиган, муҳаббат ва ишқ ҳақида сўзлайдики, оташин ва ўтли сатрларида трагик пафос ловуллаб туради.

“Тарқалиши бунчалар қийин,
Салга тинар боди сабодай.
Қани эди юқумлиликда
Эзгулик ҳам бўлса... вабодай”⁶⁶.

Бундан ташқари, шоир ижоди турли рамзларга бойлиги, метафорик тафаккурнинг юксаклиги, жозибадор ва ширали тили билан бошқа замондош шоирларидан ажралиб туради. У бирор мавзу арофида мулоҳаза юритар экан, ҳамма ўрганган, кўниккан адабиёт меъёрларига риоя қилмайди, таниш шеърӣ қолиплардан фойдаланмайди. Шоирдаги тасаввур ва тахайюл кучи мавжуд адабий-назарӣ қолипларни четлаб ўтади. Шунинг учун шоирда турли шаклдаги, ҳар хил бандга эга шеърларни учратишимиз мумкин. Бу шеърларда ҳаёт ҳеч қандай эмоционал бўёқларсиз, ортиқча жимжима ва безакларсиз тасвирланади, бир қарашда кўпол ҳамда жайдарига ўхшаш сатрлар қалбимизга ўрнашиб олади. Шоир, шеър бошланмасини анъанавӣ йўлда бошлаб, фикрларнинг тадрижий динамикаси аста кучайиб, сатирик пафос юзага келади.

“Шеърӣят нуқтаи назаридан олиб қараганда, бизлар яшаётган даврни олдинги даврларнинг ҳеч бирига қиёслаб бўлмайди, ҳозир эътиқод қўядиган нарсанинг ўзи йўқ, афсуслар бўлсинки, эътиқоднинг ўзи ҳалокатга юз тутган”⁶⁷. Матназар Абдулҳаким атрофга назар солар экан, Александр Генис таъкидлаган эътиқодсизлик, субутсизлик ва иккиюзламачилик иллатларидан куюнади.

⁶⁵ Абдулҳакимов М. Мангулик жамоли. – Хоразм: Хоразм Маъмун академияси, 2009. - Б. 28.

⁶⁶ Абдулҳакимов М. Файз. – Хоразм: 2008. -Б.154.

⁶⁷ Генис А. XX асрнинг етакчи услуби // Жаҳон адабиёти, 2001. 11-сон. -Б. 160.

“Уялинглар, аёллар билан
Баҳслашманглар, қилманглар пойга.
Лекин барча ғалабаларни
Ташланглар уларнинг пойига.
Аёлларга кетмон бермангиз,
Аёлларга берманг белкурак.
Аёлларга кўнгил беринглар,
Аёлларга беринглар юрак.
Маҳкум қилманг темир-терсакка,
Ҳеч Моҳирўй, ҳеч Турсунойни,
Аёллари эркакшода халқ
Хотинчалиш бўлади доим”⁶⁸.

Мана шундай сатрларда Матназар Абдулҳаким ижодига хос дангаллик, шартакилик ва дўлворлик очик-ойдин кўринади. У ижтимоий ҳаётдаги бирор-бир масала хусусида фикр юритса, юқорида таъкидланганидек, ҳар доим очиклик, ошкоралик принциpidан чекинмайди, бор гапни қисқа шаклда айтади-қўяди. Бундай ўринларда шоирнинг халқ тафаккурига хос лўндалик, афористик кайфияти кузатилади.

“Бойликка ўч эмаслигим бахт,
Жон сақлашга етар ойлигим.
Қирда майса, ўрмонда дарахт,
Уйда илон менинг бойлигим.
Бойлик агар домига тортса,
Душман йўқдир ундан вахшийроқ.
Бойлик агар меҳнатсиз ортса,
Ундан ҳатто илон яхшироқ”⁶⁹.

⁶⁸ Абдулҳакимов М. Жавзо ташрифи. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2008. - Б. 113.

⁶⁹ Ўша манба. - Б.169.

Матназар Абдулҳаким табиатида ҳам, шеърлари руҳиятида ҳам курашчанлик бор. У саёзликка, фикрсизликка, лоқайдликка, билимсизликка, дилсизликка қарши курашган. Нафсининг тийиқсиз хоҳишларига, дилдаги кибрга қарши боради. Мумтоз шарқ адабиёти намояндалари бўлмиш Румий, Ҳофиз, Бедил, Умар Хайём ижодини чуқур билган ва уларнинг қатор ғазалларини таржима қилган шоирнинг ўз ижодига ҳам мумтоз поэтика анъаналари ўз таъсирини кўрсатган. Унинг ғазалларида шарқ шеъриятига хос синиқлик, хокисорлик, сўфиларга хос жавонмардлик кўзга ташланиб туради.

Умуман, бу даврдаги шоирлар ижодида шарқ мумтоз фалсафаси тасаввуф тариқати ғоялари билан замонавий тафаккур синтезини кузатиш мумкин.

Халқ оғзаки ижоди манбаларини чуқур ўрганиш, тасаввуф фалсафасини англаш, дунё шеърияти тажрибаларини ўзлаштириш асносида яратилган поэтик асарларда Шахс қалби ва моҳиятини акс эттиришнинг ўзгача услуби устувор бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган асрнинг охириги ўн йиллиги ва истиқлол даври ўзбек шеъриятини бор кўлами, гўзаллиги ва тафтини ёниққалб ижодкорлар Шавкат Раҳмон ҳамда Матназар Абдулҳаким шеъриятсиз тасаввур этиш қийин. Улар адабиётга залворли, айна дамда фалсафий руҳ олиб кирдилар, шеърни жамият ва инсоният қалбини тинимсиз таҳрир қилувчи воситага айлантирди, шу билан бир қаторда, ўзи ҳам шахсияти билан ибрат намунасини кўрсатди.

2.2. Лирик қаҳрамоннинг ўзига хос табиати

Ҳар бир давр адабиётининг, ҳар бир шоир табиатини акс эттирадиган энг муҳим адабий-назарий омилларидан бири бу – шеърӣй асар тўқимасида ҳаракатланаётган лирик қаҳрамондир. Бошқа адабий турлардан фарқли ўлароқ лирик қаҳрамон табиатига ташхис қўйиш нисбатан қийин кечади. Чунки унинг ўзига хос индивидуал табиати, баъзан назарӣй қолипларга сиғавермайдиган хусусияти бор, албатта.

Лирик турнинг ўзига хослиги тўғрисида икки жилдлик “Адабиёт назарияси”да: “Лирика оламни образ-кечинмалар воситасида ёритаркан, худди шунинг тақозоси билан чуқур ва ҳаяжонли ифодаларни ишга солади. Ифодаларнинг теран ва ҳаяжонли бўлиши лирика қиёфасини белгиловчи муҳим хусусиятлардандир”⁷⁰, дея таърифланади. Ҳақиқатан ҳам, шеърӣят “образ-кечинмалар воситаси”да олам ва инсонни, унинг қалбидаги туйғуларини кашф этади. Ҳаётда юз берадиган ҳар қандай воқеликни, инсон қалбида кечадиган бир лаҳзалик кечинма ва туйғуларни насрга нисбатан назмда ифодалаш бирмунча енгил кечади. Чунки лирика инсон ҳаётига тааллуқли воқеа-ҳодисаларни, қалб туғёнларини маълум мусиқӣй оҳанг, ҳис, яъни оҳори тўқилмаган фикр билан сиқик тарзда акс эттиради.

Профессор Б.Саримсоқов лирик қаҳрамон билан юз берадиган лирик кечинма табиати борасида ёзади: “Ҳаётдаги характерли воқеа ва ҳодисалар ижодкорнинг диққат-эътиборини тортиб, қалбу шуурига ўрнашиб олади, унга ором бермайди, унинг ҳаёти ва фаолиятидаги ўй суриш, мулоҳаза юритиш мувозанатини бузади. Санъаткорнинг қалбини забт этган, унинг оромини, ҳузур-ҳаловатини бузган руҳӣй ҳолат, лирик кечинма, деб айтилади”⁷¹.

Лирик тургагина хос характерли жиҳатлар, лирик кечинма табиати хусусида адабиётшунос олимларнинг жуда муҳим фикр-мулоҳазалари, таъкид ва қайдлари мавжуд. Ҳозирги ўзбек шеърӣятида халқона пафосга эга

⁷⁰ Адабиёт назарияси. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1979. - Б. 246.

⁷¹ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: 2004. - Б. 85.

лирик қаҳрамонни тадқиқ этиш натижасида ҳар бир шоир ижодида индивидуал рамзий қиёфа касб этган образлар мавжудлиги аён бўлди.

Маълумки, ўзбек шеърияти XX асрнинг 80-йилларида шакл ва мазмун, жанр ва ифода жиҳатидан ҳам ўзгача тусга эга бўлиб борди. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Омон Матжон ва бошқа шоирлар шеъриятни соф руҳий кечинмалар, ижтимоий-фалсафий мазмунга буркаган бўлсалар, 90-йиллар шеъриятида бу анъана бир қадар ривожлантирилди. Сирожиддин Сайид, Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Ҳалима Аҳмедова, Рустам Мусурмонлар ижодида шеъриятнинг соф кўнгил лирикасига айланишига, одам ва оламари муносабатларни таҳлил қилиш асносида индивидуал ва бетакрор хулосалар чиқариш, дунёни бошқача идрок қилиш, ўзгача фалсафий умумлашмалар чиқариш, шакл ва ифодада ўзгачаликка интилиши каби хусусиятларни кўриш мумкин.

“Шоир шахсини ҳам муайян иқлимли давр ёки даврлар етилтиради. Шунга кўра унинг шеърияти ўзи мансуб бўлган давр (ёки даврлар) руҳи билан тўйинган бўлади. “Бинобарин, шеър давр фарзанди ҳамдир”⁷², деб ёзади филология фанлари номзоди Улуғбек Ҳамдамов. Олим айтганидек, маълум бир ижтимоий муҳитнинг маҳсули бўлган шеърият шу даврнинг ахлоқий-эстетик муаммолари, ютуқ ҳамда камчиликларини кўрсатувчи кўзгу вазифасини ўтайди. Адабиётшунос Я. Қосимов “Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгиланиши” мавзuidaги номзодлик ишида лирикада шоир шахси масаласига алоҳида эътибор қаратади ва унинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, “лирик асарнинг эстетик қиммати биринчи галда унда ифодаланган ижодкор шахсиятининг оригиналлиги, ёрқинлиги, лирик “мен” муносабати, сезги ва таассуротларнинг қай даражада ўзига хослиги, бетакрорлиги билан белгиланади”⁷³, деган хулосага келади.

Шеъриятнинг асосий борлиги ва бойлиги – ажиб туйғуларга теранрок чулганган дил, кўнгил оламидир. Чунки шоир оламини бошқалардан кўра

⁷² Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. - Б.26.

⁷³ Қосимов Я. Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгиланиш жараёни. Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент: 1993. - Б. 19.

бошқалардан фарқли ҳолатда идрок қилади, олам воқелигининг ҳеч ким кўрмаган жиҳатларини ботиний, ички нигоҳ билан кўради ва кузатади.

Бу фикрлардан маълум бўлиб турибдики, ижодкор – лирик қаҳрамон – шахс бу бир-бирига эгиз тушунчалардир. Бу тушунчалар узлуксиз равишда бир-бирини тўлдириб боради ва шу ерда эстетик идеал юзага келади. Бундай ҳолатни Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ижодида ҳам кўришимиз мумкин. Шоир шеърлятида соғинч ва меҳр, ватан ҳамда маданий кадрлятларга содиқлик юксак пафосда намоён бўлади. Айниқса, “Рухим харитаси”, “Биродар”, “Тавалло”, “Тескарига оққан дарёлар”, “Соғинч таҳлили”, “Менсиз яшолмайди”, “Мезон кетди”, “Кўксимдаги зангорларим”, “Аламли дунёда”, “Ёлвориш”, “Ҳикмат” каби шеърляри ва “Тўполондарё билан хайрлашув” достонида шоирнинг ижодий-эстетик олами, эстетик идеали, лирик қаҳрамоннинг табиати, халқона пафоси акс этган. Бу шеърлардаги нозик қочиримлар ҳазин армонлар билан бирлашиб ўқувчини хотира ва хаёллар соҳилига бошлаб кетади.

Киши кўнглида олам ва одам, ҳаёт ва йўқлик зиддиятляри тўқнашиб, янгича тафаккур тарзини дунёга келтиради.

Тўлқинлар чўққининг пойини ювди,
Гиёҳлар юз очди тармалар аро.
Қотган юракларнинг музликлярида
Ўзинг қўлла энди мени, жон дарё.

Сирожиддин Саййиднинг лирик қаҳрамони доимо тавалло қилаётган, дунёнинг бенаво ўйинляридан озурланиб, Тангридан борлиқни безарар ва беғидир асрашини сўраётган қаҳрамондир. У тобора инқирозга ботаётган жамиятнинг маънавий дунёсини бу фожиали ҳалокатдан қутқаришга уринади.

Мақсадим зар, шонга ўраниш эмас,

Инсон камол топсин еру кўк аро.
Йўлимда ястанган руҳий чўлларда
Ўзинг қўлла энди мени, жон дарё.

Шоир лирик қахрамони “Тез ёрдам машинасида” бўладими ёки хайқириб оқаётган дарё бўйидами Одам ва Олам саодатини қумсайди. У “Она юртим омон бўлса, беармон кетсам бўлар”, “Жудолик дардидан оламини асра, Худойим сен аввал онамини асра” каби мисраларида ўзига хос овози, ижодий индивидуаллигини намоён этади, бу сатрлар шоир шеъриятига яшовчанлик, халқчиллик, ҳаётийлик бағишлайди. Адабиёт, шеърият деб аталмиш бадий сўз санъатининг сеҳрли кучи ҳам аслида шу халқчилликдан иборатдир.

“Санъат теварагида ҳамиша икки мактаб ўртасида кураш борган. Бир мактаб санъатдан ҳаётни очиб беришни ва танқид қилишни талаб қилади, иккинчи мактаб эса фақат ёқимли гапларни тўқиб чиқаришни талаб қилади. Аммо кураш жараёнида қизишиб кетилганда иккала мактаб ҳам баъзан бир нарсани унутиб қўйишади – яъни санъат асарига айлантирадиган омил “ҳаётийлик” деб аталмиш сирли нарсдан иборат бўлади.

Хўш, ҳаётийликнинг санъат олдига қўядиган шарт-шароити қанақа? – дейди Жон Голсуорси. – Энг зарурларидан бири шуки, асарда унинг қисмлари билан яхлитлик ўртасида муайян нисбат бўлмоғи керак. Шунингдек, асарда санъаткорнинг индивидуаллиги ҳам сезилиб турмоғи керак. Фақат шу унсурларгина асарга оригиналлик бахш этади, унинг жонли чиқишига сабаб бўлади⁷⁴”.

Мезон кетди, акраб кетди, қавс кетди,
Шафтолилар баргидан бир сас кетди,
Бу сасдин дил деворига дарз кетди,
Момом кетди, ҳовлисида файз кетди.

⁷⁴ Голсуорси Ж. Олти адибнинг ҳаётига чизгилар. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. Озод Шарафиддинов таржималари. – Тошкент: Маънавият, 2010. -Б. 51.

Бу мисраларда бутун борлигини ёлғизлик изтироби, айрилиқ ва жудолик азобидан кўнгли зимистонга айланган лирик қаҳрамон дунёни зулмат оғушида кўради. Ғарб кишиси дунёқарашида шаклланган тушунчалар билан тарбияланган инсон бу тасвирларни куйиниб, қалби оғриниб қабул қилмаслиги мумкин. Аммо шарқ менталитетида инсоннинг бир-биридан жудо бўлиши энг оғир фожиадир. Шарқ кишиси, хусусан, ўзбек миллати табиатидаги бу эзгу кадрят, одамийлик, инсонпарварлик Сирожиддин Саййид ижодида жуда чуқур талқин қилинган. Бу мисралардаги содда ва чин меҳр ифодаси, дардли ҳарорат тезда киши қалбига “юқади”, уни ҳаётнинг бешафқат манзаралари томон етаклайди.

Неваралар юрар эди ҳарбийда,
Бири шарқда, бири дунё ғарбида.
Улар қайтди. Момом эса ҳозир ҳам,
Йиғлаб ётган бўлса керак қабрида.

“Ҳақиқий шоирлар ҳар қачон ўз юртларининг тимсоли бўладилар. Улар ўз юртларининг дарёларига, ўз осмонларининг булутларига, ўз йўлларининг карвонларига ва ўз оналарининг чақалоқларига ўхшайдилар.

Шулар билан бирга ҳақиқий шоирлар ўз миллатининг қалбига ўхшайдилар”,⁷⁵ – дейди Иброҳим Ғафуров. Сирожиддин Саййид лирик қаҳрамони ҳам ўз миллати қалбининг таржимони, ҳассос куйчиси сифатида унга хос эзгу дардларни куйлайди. Миллат табиатидаги ноёб туғма фазилатни дардли ва ёрқин бўёқларда акс эттиради. Лирик қаҳрамон, дунёнинг ибтидою интиҳосини фақат момосининг тириклиги орқали тугал ва мукамал тасаввур қилади. Аммо, тақдири азал, ўлим ҳақ. Лирик қаҳрамон ўлимнинг моҳиятидан кўра, унинг сабаби, келажакдаги асоратлари ҳақида кўпроқ куюнади. Шу ўлим ҳодисаси баҳонасида ҳаётдаги ижтимоий

⁷⁵ Ғафуров И. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ НМАК, -Б.239.

иллатларни, кундалик турмушда чақиртиканакдек урчиб кетган адоват, меҳрсизлик ва тушунмовчиликларни бадий санъат объектига айлантиради.

Шўрлик момом. Бир умр гирён бўлди,
Гоҳи у ён, гоҳида бу ён бўлди:
Келинларни яраштира олмайин,
Бутун умр юрак-бағри кон бўлди.

Шоирнинг лирик қаҳрамони шу жудолик тимсолида ҳаётнинг, бир ўзбек аёлининг ҳаёти манзарасини, умрининг мазмун-моҳияти, бахти ва фожиасидан озорланади. Шу йўл билан у мақсадга эришмоқчи, хулоса чиқармоқчи, панду насиҳатбозлик, қуруқ дидактика йўлидан бормоқчи эмас. У фақат ҳаётнинг манзараси, инсон умри моҳияти ҳақида ўйлаяпти. Ўйлаган, англаган, ҳис қилган, кўрганлари, оддийгина ўкинчлари ҳақида самимий тарзда сўйламоқчи. Аммо бу тасвирлар осон ҳазм бўладиган, тезда унутиладиган содда, жўн сатрлар эмас. Бу тасвирларнинг юки залворли, фикрлари қуйма, изтироби оғир, юракни зирқиратадиган тасвирлардир.

Тоғаларим юрар қадлари сўроқ,
Кўнгиллари ёришмас ёқса чироқ.
Кенжалари қирққа етмай қариган,
Ўртанчаси тўнғичидан қарироқ.

“Ижодкор асарларидаги лирик қаҳрамоннинг ҳаётга муносабати, воқеа-ҳодисаларни ёқлаши ёки инкор этиши, қандай нуқтаи назарларни илгари суриши, нималарга даъват этиши, юрак нидолари эстетик идеалидан баҳра олади. Зеро, ҳар бир шеърда илгари сурилаётган фикр ижодкор онгида

чархланиб, кўнглида эшилиб, қоғоз юзини кўради. Шу жиҳатдан лирик қаҳрамон ижодкор шахсиятининг “таржимони”дир”,⁷⁶- дейди М.Ҳамидова.

Шоирнинг лирик қаҳрамони инсонни бошқарадиган энг катта куч, маънавий борлиқ сифатида кўнгилни кўради ва ҳамиша унга суянади. Шоир, юқорида эътироф этилганидек, оламини бадий-эстетик идрок қилиш принциплари билан бошқа ижодкорлардан кўра фарқланиб туради ва у олам воқелигининг ҳеч ким кўрмаган жиҳатларини ботиний, ички нигоҳ билан кўради ва кузатади. Унинг шеърлятида дард ва изтиробнинг изҳори билан бирга шарқ адабиётига хос бўлган юмор, киноя аралашиб кетади. Ушбу жиҳат эса шеърнинг таъсир кўламини ошириш билан биргаликда, ўқувчининг эстетик оламини бойитишга хизмат қилади. Шоирнинг лирикасида дил, кўнгил образлари кўпинча соғинч образи билан ёнма-ён келади ва бу икки образни омухталаштириб, уйғунлаштириб, яхлит поэтик манзаралар ярата олиш маҳорати билан замонавий шеърлятимизнинг бошқа вакиллари билан фарқланиб туради.

“Лирик образ – бу эстетик аҳамиятли кечинмадир, унда автобиографик асос қандайдир муаллақ ҳолатда акс этади ва биз учун ушбу кечинмани маълум бир шоир кечиргани қанчалик муҳим бўлса, тасвир этилаётган, ифодаланаётган шароитда унинг қилинганлиги ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Ўз маънавий оламини очаётган шоир у ёки бу эстетик нормалардан келиб чиқади, шу сабабли у чизаётган кечинма умумлашади, ижтимоий характер касб этади”⁷⁷.

Истеъдодли шоир Сирожиддин Саййиднинг болалик, соғинч, ватан, ёшлик, муҳаббат, табиат, дўстлик мавзусидаги шеърларида инсон қалбида йўқолиб бораётган, аммо кўнгилнинг бурчи-бурчида, ич-ичида қатланиб ётадиган туйғулари кўриниб туради.

Тескари оққан дарёлар қайтди,

⁷⁶ Ҳамидова М. Ҳалима Худойбердиева лирикасининг бадий хусусиятлари. Филол. фан. номз. дисс ... – Тошкент: 2004. - Б. 17.

⁷⁷ Краткая литературная энциклопедия. Том IV. – Москва: 1967. - С. 208.

Тоғларда йўқолган садолар қайтди.
Мени излаб кетган нидолар қайтди,
Болалик қайтмади, қайтмади.

Инсон ҳамиша бетакрор туйғулар оғушида яшайди. Туйғуларнинг ҳолати, ранги, шакли, завқи, эҳтироси, илоҳий кайфияти ҳар кимда ҳар хил бўлади. Одам шу тахлит шаклдаги туйғуларни умр бўйи бошидан кечиради. Энг қизиқарлиси шундаки, ҳеч қайси туйғу ёки кайфият Яратган томонидан қайтариб берилмайди. Шоир мана шу бетакрор туйғу ва кайфиятни ушлаб, Эшқобил Шукур айтганидек, “лаҳзани ушлаб қола” олса, айнан шу туйғуни абадият саҳифаларига мангуликка муҳрлай олса, бу шоир шеърини инсон қалби оғриқларига нажот бера оладиган манба бўла олади. “Болалик” шеърида Сирожиддин Саййид мана шундай туйғуларни ушлаб қолишга, шу туйғулар кайфиятидан яралган ҳазин сатрларни ўқувчи қалбига муҳрлашга, боқий поэтик идеалга айлантиришга интилади.

Сомонлар янчилмай қолган куз пайти,
Адирлар заъфарон алвидо айтди,
Мени олиб кетган подалар қайтди,
Болалик қайтмади, қайтмади.
Бу кўча, бу ҳовли, бу уй, бу тандир,
Бир кун сесканади, сассиз сиктайдир,
Ўн йил ғойиб бўлган олапар қайтди,
Болалик қайтмади, қайтмади.

Адабиётшунос Дилмурод Қуроновиқнинг фикрича, шоир ва лирик қаҳрамон муносабатини асосга олган ҳолда лирик асарларни иккига ажратиш мумкин. Булар: автопсихологик ва ижровий лирика. Автопсихологик лирика деганда лирик қаҳрамон билан шоир шахсияти бир-бирига мос тушган,

иккаласи бир-бирига яқин бўлган шеърлар тушунилади. Автопсихологик шеърларда шоир ўз қалбига мурожаат қилади, ўз-ўзини ифодалайди.

Шоир Сирожиддин Саййиднинг лирикаси кўпинча автопсихологик характердаги лирикага тўғри келади. У шеърятимизда мавжуд бўлган боқий идеаллар – болалик, соғинч, севги ва ҳоказо туйғулар тараннумида ўз кўнглидан ўтказаётганини, ўз қалби оғриқларини самимий бадий ифода этади.

Қалдирғочлар қайтди, тойлар от бўлди,
Юртнинг тоғу тоши менга ёт бўлди,
“Ух” деганим менинг хотирот бўлди,
Болалик қайтмади. Қайтмади.

Шоир ижодида болалик ва болалик соғинчи шундай жозиб мисраларда шеърдан-шеърга кўчади. Ва бу мисраларда болаликнинг сирли-сеҳрли, мўъжизакор, ҳайратбахш тасаввурлари бор кўлами, ҳайрату ҳаяжонлари билан тасвирланади.

Дўстларим, бор эди менинг бир шаҳрим,
Бир парча ўтлоғи бор эди яшил.
Бир парча ўтлоғи ичра бир даврим,
Яшил даврим қолди, дўстларим, ахир.

Шоирнинг лирикасида табиат тасвири, инсон қалбига муносабат, болалик, севги, ватан, муҳаббат, тарих ва замон, шеър ва тафаккур мавзулари асосий ўринни эгаллайди. Шоир руҳиятидаги кечинма, туйғу, ҳиссиёт суратларининг ранглари, яхшилик ва ёмонлик, эрк ва қафас, нафрат ва муҳаббат бўлишидан қатъи назар, қандай маъноларни ифодалаётганини англаувчи шахсий ҳақиқати бўлади. Бу ҳақиқат турли ишоралар, тимсоллар, бўёқлар, оҳанглар сингари турфа шаклларда ўзини намоён этади. Ушбу

туйғу, шоир, иждокор қалбидан отилиб чиққан, унга тинчлик бермайдиган ҳақиқат туйғуси янгича бир руҳда намоён бўладики, у тарихий воқеликми, атрофимизда кечаётган талотўп жараёнларми, ташқи таъсир натижасида кўз очган бадий реаллик, объектив воқеа-ҳодисаларнинг холис кўзгуси бўлиб қолади. Шоирнинг ўз болалиги, ёшлиги, она юрти, ота-боболарига бўлган муносабати руҳида ҳам шу нарса сақланиб қолган. “Сирожиддин Саййид – дардли шоир, – деб таъкидлайди, профессор Нурбой Жабборов. – Унинг зоҳиран қувончли ҳолатларнинг гўзал поэтик ифодаси кўрингандек мисралари замирида ҳам элнинг, юртнинг ғамида яшаётган кўнгил изтироблари сиркиб туради. “Айвонлари нурга талош, кайвониси ою қуёш” бўлган ватан ҳақида “кўзида ёш, юзида ёш” билан ёзишининг сабаби шунда”⁷⁸.

Сирожиддин Саййид лирикасида дарёлару боғлар, ирмоқлару дарахтлар, осмону тошлоқлар айрича бир хусусият касб этади. Шоир кашф этган бу поэтик образлар инсон ҳаётига кўчади, унинг кўнгли, орзу-аъмоллари, умрини ифодалайди. Айниқса, дарахт образи, тилшунослик нуқтаи назари билан айтганда, лексемаси шоир ижодида жуда кўп ўринларни эгаллайди. У кўп шеърларида дарахтларни болаликка, умрга менгзайди.

“Мен ҳам одам бўларман бир кун,
Шу дарахт сингари япроқлар ёзиб,
Гуллаб завққа тўларман бир кун,
Кетгай дилингизнинг оғриқ доғлари,
Яшнаб шовуллагай умр боғлари.
Гарчи кичикдирман жисман, отажон,
Ҳаётни тушундим, қисман, отажон.
Менинг дарахтимни кесманг, отажон,

⁷⁸ Жабборов Н. Шеърят – руҳ озодлиги / Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Фафур Ғулом НМИУ, 2006. - Б. 256.

Қўйинг, болалигим кесманг, отажон”⁷⁹.

Фикрларимизга хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги замон поэтик тафаккуридаги рангинлик лирик қаҳрамон табиатидаги ўзгаришлар, унинг халққа яқинлиги, давр муаммоларини ўз мазмунида ташиши билан ифодаланади.

Бу авлод шеъриятининг асосий объекти қалб манзаралари ва инсон руҳининг бепоён кенгликлари эканини сезиш қийин эмас. Айниқса, бу хусусият Ҳалима Аҳмедова шеъриятида ҳам кўзга ташланади.

Ҳ.Аҳмедова шеърияти руҳий кечинмаларга бойлиги, туйғуларнинг тозаллиги, ҳиссиётлари қуюқлиги билан бошқа кўплаб ўзбек шоиралари назмидан ажралиб туради. Шоира лирикасида туйғуларнинг аёвсиз талотўпини, ҳақиқат ва эрк, поклик ва муҳаббат излаган мажнуншева юракнинг оташин исёни, чексиз талпиниши, жонсараклиги кўзга ташланади. Мана шу хусусият унинг шеъриятидаги руҳий-ҳиссий пафос, аёл қалбидаги ҳиссий пўрнаталар, бўронларнинг шиддатини кўрсатади. Унинг ҳар бир мисрасида ўзгача ҳарорат, ёниқ юракнинг қайноқ туйғулари ловуллаб туради. У бизга оддийдек туюлган ҳаёт воқеликларидан ўзгача тасвир ясайди, ҳолат вазият, манзарани рассом каби чизиб, шу аснода ҳаётни тўла-тўқис очиб ташлайди. Туйғуларни ўта нозик тасвирлаш, аёл қалбига доир инжа ва нафис туйғуларни ўзгача ракурсларда акс эттириш, аёл дунёсининг ўта шахсий ва сентиментал кечинмаларини, изтиробларини қоғозга кўчириш масаласи шоирадан жуда кўп руҳий қувватни талаб қилади. Ҳ.Аҳмедова аёл қалби харитасини нафис ва жўшқин пафос билан чиза олган санъаткор шоирадир.

Бу шеърият бизни кўрмаган нарсамизни кўриш, айтилмаган гапни эшитиш, ҳали бизга номаълум бўлган нарсалар моҳиятини билишга ўргатади.

“Ҳар битта дарахтда бир дил яшайди,

Тикилганим сари ўсади кўнглим.

Уларга қулоқ сол, уларни тушун,

⁷⁹ Саййидов С. Сўз йўли. – Тошкент: Фафур Фулом НМИУ, 2008. - Б. 16.

Дарахтлар алдашни билмайди, болам”⁸⁰.

“Асл ижод бузилган мувозанатдир. Дунёдаги бирорта шоир рухий мувозанатдан чикмай туриб, ҳали бирорта тузукроқ шеър ёза олган эмас. Мувозанатдан, яъни рисоладаги одамларда бўладиган рухий ҳолатдан чиқиш ҳар бир ижодкорда ўзгача кечади. Лекин деярли барча ижодкорларнинг ҳам қалби яланғоч, ҳимоясиз, рўй берган ҳодисани борлигича қабул қилади, ундан таъсирланадиган бўлади”⁸¹. Шоира лирикасида кундалик ҳиссий муносабатлар ривожлантирилиб, трагик пафос даражасига кўтарилади. Натижада, ҳаётимизда учрайдиган кичик-кичик тафсилотлардан, ижтимоий воқеликлардан, оддий бир ҳолату деталлардан жўшқин рухий кайфият, манзара пайдо бўлади. Шунинг баробарида шоира қалбидаги чуқур дард, хаяжону изтироб беихтиёр ўқувчи кўнглига юқади.

Мен анча бўш эдим, толиқар эдим,

Ақлим чалкаштириб кетганда сонлар.

Ҳали ҳам қалбимни ўртайди, баъзан.

Қалби тенгламага ўхшаш инсонлар⁸².

Ҳалима Аҳмедова шеърини турфа рангларга бой. Ижодкор ҳаётга жўн назар билан қарамайди, борлиқни рассом кўзи билан кўриб, шоира қалби билан воқелиқни идрок этишни ўз ижодий услубига айлантирган санъаткор ҳисобланади. У ҳаётнинг турфа оҳанглари тинглайди, турли хил ҳолатларидан манзаралар яратиши билан поэтик кайфият уйғотади. Унинг шеърларида туйғулар тирик жонзотлардек ҳаракатланади, дарахтлар одамлардек яшайди, тошлар, гиёҳлар, турли хил нарсалар жонланади, тилга киради. Шоир олами шеър деб тушунади, дунёни шеърдан яратилган, ҳаётнинг моҳияти фақат шеърдан иборат деган ботиний аъмол билан яшайди. Бу шоира ижодий йўлининг чизмаси, қалбининг географиясини кўрсатади. Бу ҳақда улуғ адиб Гёте айтганидек, “мени қувонтирган, қайғуга солган,

⁸⁰ Аҳмедова Ҳ. Нигоҳ қибласи. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2011. - Б. 48.

⁸¹ Йўлдошев Қ. Ёник сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. - Б. 363.

⁸² Ўша манба. - Б. 50.

кийнайдиған нарсаларнинг ҳаммасини образларга айлантиришга, поэзия бағрига жойлашга кўникиб қолганман. Менинг ҳамма асарларим битта катта иқрорноманинг бўлақларидир”⁸³.

Шеър ҳамиша шоирнинг моҳиятини ташкил қилган. У қўллаган ҳар бир сўз, образ, тимсол, сўзларнинг жойлаштиришдан тортиб шеърнинг ниҳоясигача ижодкорнинг истеъдоди, бадий тафаккури, шуури, туйғулари, маҳорати, дунёқараши ҳақида тасаввур беради.

Рамзий образлар санъатнинг барча турларида муҳим ўрин тутди. Фольклоршунос Ш.Турдимов бир қатор мақолаларида ўзбек халқ лирик кўшиқларида хабарчи рамзлар, қолаверса, рамз ва истиора ўртасидаги фарқларни, ўзак рамзлар ва рамзларини ўрганади⁸⁴. Тадқиқотчи ўзбек халқ лирик кўшиқларидаги рамзлар табиати ҳақида шундай ёзади: “Турмушда ва фанда рамзлар коммуникатив функция бажарса, санъатда улар эстетик функция бажаради (коммуникатив функцияси иккинчи планга кўчади). Ўз навбатида, санъат турлари, жанрлари ичида ҳам рамзлар ҳар бир тур ва жанр имкониятларига кўра фарқланади”⁸⁵. Ш.Турдимовнинг рамзлар тарихини ўрганиш борасидаги ишлари диққатга сазовор. Гарчи бу илмий изланишлар фольклор ижод доирасида кечса-да, уларни ҳозирги ўзбек шеърятига ҳам татбиқ этиш мумкин.

Олим рамзлар тарихини ўрганар экан, рамзларнинг пайдо бўлишига кўра икки қисмга ажратади:

- 1) мифологик замин асосида пайдо бўлган рамзлар;
- 2) мавжуд анъанавий рамзлар шакли асосида пайдо бўлган янги рамзлар⁸⁶.

⁸³ Парандовский Я.. Сўз кимёси. Жаҳон адабиёти, 2002. 3-сон.

⁸⁴ Турдимов Ш. Ўзбек халқ лирик кўшиқларидаги “хабарчи” рамзлар ҳақида баъзи мулоҳазалар // Адабий мерос. – Тошкент: 1984. № 3. - Б. 91-94; Лирик кўшиқларда рамз // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1982. № 3. - Б.16-19; Том устига том солдим // Ёшлик. – Тошкент: 1988. –№ 7. - Б. 75-76; Рўмол рамзининг семантикаси ҳақида // Адабий мерос. – Тошкент; 1985. –№ 3. -Б. 94.

⁸⁵ Турдимов Ш. Лирик кўшиқларда рамз // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1982. № 3. -Б.16.

⁸⁶ Турдимов Ш. Ўзбек халқ лирик кўшиқларидаги “хабарчи” рамзлар ҳақида баъзи мулоҳазалар // Адабий мерос. – Тошкент: 1984. № 3. - Б.94.

Ҳ. Аҳмедова ижодида ҳаётдаги ҳар бир воқелик, детал, табиат ходисалари ва борлиқ бутун бир тимсоллар галереясига айланади. Улар кўпроқ мифологик қарашлар заминидан пайдо бўлганлигини кўриш мумкин. Унга табиатнинг ҳар бир гиёҳи шеър бўлиб кўринади, улар рамзий бир воситага айланиб, шеърда муайян ғоявий маънони ташувчи воситага айланади. Ҳар бир манзара сентиментал пафос билан йўғрилиб, киши кўнглини шоира руҳий дунёсига етаклаб кетади.

Бир япроқ шавқида, Аллоҳим, айтгин,

Ям-яшил хаёллар сурдингми?

Кўнглим кулбасини нигоҳинг билан

Соғинч соҳиллари аро қурдингми.

Атиргул бўлсайдим агар мен,

Беланиб кулмасдим қуёш қонига.

Шартта жўнар эдим ҳеч кимга айтмай,

Ошиқ булоқларнинг ёнига.

Шоира шу тариқа ҳаётни кўради, шу зайл қалбини таҳлил қилади, ўзини ўзи янгилашга, ислоҳ қилишга, “мен”ини ўзгартиришга, ўзлигини топишга интилади. Рамзлар, шеърый ташбеҳу соҳир қалб билан гўзалликни акс эттириш ва айни пайтда ўзи ҳам мана шу гўзал воқелик бағрига сингиб кетишни хоҳлайди. У ҳаётни бошқалардан кўра ранглироқ, ифорлироқ кўради ва айни шу кўрганларига ишонади. Унинг шеърларида кўнгли тоза, қалби ниҳоятда пок бўлган лирик образ яшаётганини ва бу образ шеърдан шеърга, ҳолатдан-ҳолатга кўчиб юрганини кузатиш мумкин.

Ҳар бир халқнинг бошқа миллатлар адабиётидан фарқланиб турадиган ўзига хос миллий хусусиятлари бўлади. Шу жумладан, ўзбек шеърятининг ҳам рус ёки француз, япон ёки инглиз шеърятидан фарқлаб турадиган ҳаётий ғояси ва пафоси борки, унинг моҳиятини ҳамisha юксак идеалга

интилиш, унга етишиш безовталиклари ташкил этади⁸⁷. Н. Раҳимжонов эътироф этган ўзбек шеъриятининг ҳаётий ғояси ва умумий пафоси Х.Аҳмедова ижодида ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг шеърияти инсонни камол топтириш ва шунинг баробарида, аёл қалбини турфа рангларга тўлдириш, сентиментал ва романтик туйғулар билан мунаввар этиш – мазкур олижаноб идеалнинг ўзак мазмуни, асосий мақсади эканлиги аёнлашади.

Инсон ўлмас экан, очликдан болам,
Билсанг, қадрсизлик ўлимдан ёмон.
Ғурур гавҳарини асра кўнглингда,
Оҳ, уни йўқотсанг, қулайди осмон.

Очликдан гар силланг қуриб қолса ҳам,
Қавму қариндошдан сўрамагин нон.
Беҳуш ётганлигинг аълодир билсанг,
Миннат оғусидан кўра минг чандон.

Х. Аҳмедова – аёл қалбининг билимдони. У баъзан ошкора, баъзан пинҳона ўз қалби билан курашади. Аммо унинг лирик қаҳрамони фақатгина ўз қалби муаммолари билангина ўралашиб қолмаган. У аёлнинг индивидуал кечинмаларидан умумбашарият қалбининг тарихини ўқийди, мураккаб туйғулари, кечинмалари дунёсида кезиб юрган аёлнинг кўнгил харитасини, психологиясини яратади. Муҳаббат ва меҳр учун ҳамма нарсасини қурбон қилишга тайёр аёлнинг жунбушлари билан бирга, айти пайтда, бу қалбдаги буюк сирлар ҳам бадий ифодасини топади.

Унинг биргина “Ўғлимга дарсликлар” туркумидаги “Бекинмачоқ” номли шеъри мисолида ҳам бу фикрнинг тасдиғини кўрамиз. Шеър бекинмачоқ ўйинининг оддийгина тасвири билан бошланади. “Бу ўйинда

⁸⁷Раҳимжонов Н. Танқидий тафаккур ва эстетик мезонларнинг янгиланиши. – Тошкент: Шарқ юлдузи. 2010. 2-сон, -Б. 171.

жуда моҳир эдим мен, Ҳеч ким тополмасди беркинсам агар”, дейди шоира. Ва мана шу нуқтада ўйин деталидан адабий умумлашма, бадиий тугун пайдо қилинади:

Бугун кўзларимга қуйиларкан тун,
Ўзимни ўзимга яшириб қўйдим,
Мени излаб-излаб топмаган тонгни,
Художон, не учун шошириб қўйдим.

Бу ердан дегим келару бироқ,
Ўйиннинг шартини бузгим келмайди,
Наҳотки, умримнинг сўнгигача то
Менинг қайдалигим ҳеч ким билмайди.

Шоиранинг лирик қаҳрамони баъзида ҳаёт билан келиша олмайди, исён қилади, мана шу исён даражасида бадиий борлик, адабий ҳодиса яратилади. Воқеликни тушуниш, инсон психологиясини бошқача услубда ифодалаш, тасвирда объект моҳиятини тўлақонлироқ, мукамалроқ, айти пайтда ортиқча жимжима, сунъий пафосларсиз яратиш бу Ҳалима Аҳмедова шеърятини табиатида анча ёрқин намоён бўлади. Ижтимоий ҳаётдаги воқеликларига муносабати ҳамда қалбида кўпчиб турган аламли кечинмалар, руҳий исённинг чуқур ифодаси, аёл қалби ҳақиқатларининг бетакрор тасвирини ўзгача истеъдод ва маҳорат билан яратган ва ҳалигача ижоди деярли таҳлил қилиниб, илмий тадқиқ қилинмаган шоира Ҳалима Аҳмедова шеърятини даражаси Марина Цветаева, Анна Ахматова, Белла Ахмадуллина каби классик шоирлар туйғуларига ҳамоҳанг келишини кузатиш мумкин.

Ҳ. Аҳмедова ижодида шунчаки ёзилган, поэтик мантиқ ва асосга эга бўлмаган бирорта сатрни топиш мушкул. Туйғуларнинг ҳаддан ташқари қуюқлиги, ҳиссиётларнинг кўламдор, айти пайтда, бўёқдорлиги хусусиятлари билан 90-йиллар ўзбек шеърятини такрорланмас адабий

ходиса сифатида намоён бўлади. Шоиранинг “Мактуб” шеърини таҳлил қилсак:

Мактуб эди кўнглим,
Ҳақ сенга битган,
Сен йиртиб ташладинг очиб ўқимай...
Армоним эмасми, ахир, севгилим,
Кўзларинг тубига тўлаётган май?!

Ушбу шеърда ҳаётнинг азалий бир ҳақиқати эсга келади. Яъни, висолга етмаган, ҳамма туйғулари жавобсиз қолган муҳаббат изтироби. Шоира эса анъанавий дардни ноанъанавий усулда поэтик ифода қилади. Анъанавий шеъриятда маъшуқа ўз қалби сирларини мактуб орқали ёрига етказмоқчи бўлса, шоира эса ўз қалбини ёри учун Тангри таоло томонидан ёзилган қисмат мактуби эканлигини айтади. Аммо бу мактуб эгасига етиб бормайди.

Ҳаётнинг бетизгин шамолларида
Учиб юрар мактуб парчалариман.
Баъзан мўралайман қартайган бахтдек
Қалбингнинг эскирган дарчаларидан⁸⁸.

Шафқат ҳаётнинг синовларидан лирик қаҳрамоннинг қалби ва туйғулари чилпарчин бўлса-да, маъшуқа ундан умидини узмайди, балки йиллар ўтса, дардлар, изтироблар, бахтлар эскирса-да, унинг қалби дарчаларидан кўзини узмайди. Шоира бирор жойда ўз ҳиссиётларини очиқ-ойдин ошкор этмайди, ўзбекона андиша-одоб, ҳаё ва менталитет қолипларини ёриб ўз кўнгли изҳорини элга изҳор этмайди. Аммо Яратган томонидан кўнгилга ёзилган муҳаббат шавқи ва алангаси уни бир зум бўлса-да, тарк этмайди. Шоира айна шу йўл билан ўзбек аёлининг бадий тимсолини, типик характерини яратади.

Айни шу манзара Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиеванинг “Йўлдадирман” шеърисида ҳам ўз бадий ифодасини

⁸⁸ Аҳмедова Ҳ. Шафқат ибодати. – Тошкент: Akademnashr, 2011. - Б. 27.

топган. Бир мавзудаги икки шеърнинг қиёсий тадқиқида икки ижодкор услубига хос бўлган ўзига хос хусусиятлар намоён бўлади. Ҳ. Худойбердиева шеъридаги маъшуқа тимсоли ўзбек замонавий шеърлятида ўзига хос талқинга эга. Ундаги лирик қаҳрамон:

Сиз кутасиз. Менам бораман.
Учиб борадурман худди ўқ.
Фақат... олдин хат юбораман,
Ўша хатни ёзганимча йўқ,

дея журъат, дадиллик билан севгилисига мурожаат қилади. Аммо у фақат қалб ҳайқириғидангина иборат бўлади, холос. Ҳақиқий ошиқ эса ўз севгиси ҳақида ошкора сўзлай олмайди.

“Ҳақиқий шоирлар ҳар қачон ўз юртларининг тимсоли бўладилар. Улар ўз юртларининг дарёларига, ўз осмонларининг булутларига, ўз йўлларининг қарвонларига ва ўз оналарининг чақалоқларига ўхшайдилар. Шулар билан бирга ҳақиқий шоирлар ўз миллатининг қалбига ўхшайдилар”,⁸⁹ - дейди Иброҳим Ғафуров. Шоира қаҳрамони қалбидаги аёллик андишаси, ғурур, ибo, ҳаё ва масъулият ҳисси орадан бир, ўн, йигирма, ўттиз йил ўтса-да, бунга йўл қўймайди. Яъни маъшуқа ўз севгилисига мактуб бита олмайди.

Қирқ йил ўтди, мен тез бораман,
Ранжимангиз, гувоҳ еру кўк!
Фақат... олдин хат юбораман,
Хатни... ҳали ёзганим йўқ⁹⁰.

Ҳалима Аҳмедованинги лирик қаҳрамони эса ошиғидан аллақачон умидини узган, аммо ундан кўнглини, хаёлларини узолмайди. У ёридан кўра

⁸⁹Ғафуров И. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ НМАК, - Б. 239.

⁹⁰XX аср ўзбек шеърляти антологияси. Тузувчилар: Каримов Б., Абдиев Ҳ. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007. - Б. 219.

Ўзи кўпроқ кийналади, ўзи ортиқроқ изтироб чекади. Олдинги шеърдаги шиддат ва кейинги шеърдаги итоаткорлик икки шоира лирик қаҳрамонини ўзига хос характери, табиатини кўрсатади. Гарчи иккала шеърдаги қаҳрамонлар ҳам мағлуб бўлсалар-да, бири кутиб, хали умиднинг сўнмаганини таъкидласа, иккинчиси тақдирга ҳеч қандай эътирозсиз кўниб кўя қолган аёлнинг характерини кўрсатади.

Қуёшни қучоқлаб ўтган кунда ҳам
Бағрингда эримас афсус деган муз.
Севгилим, баҳорлар танимас бизни,
Энди бошимиздан хазон сочар куз⁹¹.

Шу аснода Ҳалима Худойбердиева шеъриятида ижтимоий-фалсафий лирика устунлигини, Ҳалима Аҳмедовада кўнгил ҳиссиётлари, рухий кечинмалар ифодаси қуюқлигини кўришимиз мумкин ва айни пайтда бу ҳолат шоира услубидаги ўзига хосликни кўрсатади.

Ҳалима Аҳмедоваларга тенгдош бўлган Абдували Қутбиддин, Азиз Саид, Эшқобил Шукур, Баҳром Рўзимухаммад, Фахриёр, Зебо Мирзо, Рустам Мусурмон каби шоирлар истиқлол йилларида баракали ижод қилди. Бу давр шеърятининг турли қирралари, шунингдек, жаҳон тажрибасидан ўрганиш, халқона пафос ифодаси, мумтоз анъаналар давоми, модернистик йўсинда ёзиш каби энг муҳим тамойиллар айни ижодкорларнинг шеъряти мисолида кузатилади. Истиқлол йилларидан Рустам Мусурмон ўз шеърлари, улардаги мазмун ва шакл, шунингдек, ритмик-оҳанг табиати билан халқимизнинг тарихдан тараққий қилиб келаётган адабий дурдоналари негизига анча яқинлашгани сезилади. Рустам Мусурмоннинг “Бозбарак” деган шеъри бор.

Умр дарёсидан кечди болалик,
Шул дарё гирдида қолган чархпалак,

⁹¹ Аҳмедова Ҳ. Шафақ ибодати. – Тошкент: Akademnashr, 2011. - Б. 27.

Қамишдай бўйнимга кўнган ниначи,
Гулдай ҳаётимдан учган капалак –
Бозбарак, бозбарак, бозбарак...

Болалар чўпга қоғоз илдириб, шамолда зувиллаб айлантириб ўйнайдиган ўйин номи “бозбарак”дир. Болалар ўйинлари, халқ ўйинларидан, хусусан, болалик палласи ўйнаган ўйинларидан таъсирланган шоир, дунё билан, инсон ва унинг туйғулари билан боғлиқ масаларни шеърий талқин қилади.

“Қўриқчи” шеъридаги оҳанг ўқувчини ўзига ром этади, ўзбек халқ оғзаки ижодидаги қадим оҳангларни эсга солади:

“Ҳой гала-гала, ҳой гала-ааа...
Каркас келди бир гала-ааа...
Менинг боғим кичкина-а,
Катта боғларни тала-ааа...
Ҳой гала-гала, ҳой гала-ааа...
Узумзор орасинда
Туну кун пойлаб ёттим.
Юракни палахмонга
Тош қилиб жойлаб оттим.
Ҳой гала-гала, ҳой гала-ааа...”⁹²

Табиийки, Рустам Мусурмон ҳам ўзи учун илҳом манбаси сифатида халқимиз удумлари, тўйлари, байрамлари, халқ сайларидаги жараёнлардан илҳом олади. Шунинг учун ҳам “Овутиш” шеърида халқ кўшиғидан “Йиғлама - ё, йиғлама, Илик чақиб бераман”, деган мисраларни эпиграф қилиб олади. Шеърдаги мунг, дард, оҳанг халқона пафоснинг жуда ажойиб намунаси саналади:

⁹² Мусурмонов Р. Рухимнинг товуши. – Тошкент: Камалак, 1995. - Б. 14.

“Деразама-дераза дайдиб,
Ёғдуларни териб юрар тун:
“Мен лай-ли-ман, лай-ли-ман, лай-ли...
Йиғламагин, йиғлама мажнун!

Бахту иқбол сенга ёр ўлар,
Эҳ, бошингга тушади Эртақ –
Ишқ базмига чорлар парилар,
Йиғламагин, йиғлама, тентак!”⁹³

Шеърдаги лайли – бу қаро тунни ҳам англатади. Шунингдек, мумтоз адабиётимиздаги Лайли билан Мажнун достонини эсга солади. Халқ орасида машҳур бўлган бу достонда ишқ куйланади. Ишқ эса одамни мажнун қилади, кейинги бандда мажнунни шоир “тентак” деб атайди. Бу ҳам Р.Мусурмон шеърларининг халқ бадий тафаккуридан сув ичганини, халққа яқинлигини кўрсатади. Рустам Мусурмон ўзининг “Кашта” шеърда халқ амалий санъатини шеърга солади.

“Бика, савсан, зайнови...
Булбул, байту ғазаллар...-
Юрагимга билганча
Гул солдингиз гўзаллар!
Гул солдингиз гўзаллар...
Бика, савсан, зайнови...
Гуллари куроқ-куроқ-
Юрагимга солдингиз
Ҳар бирингиз бир ямоқ...”⁹⁴

⁹³ Мусурмонов Р. Рухимнинг товуши. – Тошкент: Камалак, 1995. - Б. 8.

⁹⁴ Мусурмонов Р. Рухимнинг товуши. – Тошкент: Камалак, 1995. - Б. 10.

Баъзида халқ амалий санъатида каштачилик ёки тўқувчиликда халқ ўзига хос тафаккур тарзини намоён қилади. Р.Мусурмон шу ҳолатни шеърга солиб, муҳаббатга, лирик қаҳрамон ошиқ бўлган гўзалларга қиёслайди. Ҳар бир гўзал ишқинини “бир ямоққа” ўхшатади. Энг муҳими, шоир ушбу шеърда ўзбек адабий тилида қўлланилмайдиган, аммо кашқадарёликлар шеvasида фаол ишлатиладиган “бика, савсан, зайнови” деган учта сўзни қўллайди. Буни кўпчилик тушунмаслигини эътиборга олиб, шоир уларга: “Бика, савсан, зайнови – Қашқадарё шеvasида пушти, сиёҳ, яшил ранглар дегани”, деб изоҳ беришни лозим топади. Рустам Мусурмон одамлар билан кўп мулоқотда бўлган, одамлар орасида юрган шоир. Бир шеърда шу суҳбат ва гурунглари натижасини истак сифатида улкан бир китоб тилидан “Мени тушунсайди одамлар” деб ёзади. Унинг шеърларида ошиқ дилнинг розлари халқона куйларга солингандек чўзилган оҳангларида эшитилади. Шоир ўз услубини айнан шеърини мисралардан бир қанча унли ёки ундош товушларни такрорлаш орқали намоён қилади. Бу ҳол замонавий ўзбек шеъриятида Р.Мусурмоннинг шоир сифатидаги қиёфасини кўрсатади.

Шеърдаги поэтик нутқда эркинлик, ўйноқчилик сезилади. Шунга кўра ёш адабиётшунос Илҳомбек Қурбонбоевнинг: “Мустақиллик даври ўзбек поэтикасида шеър тилини умумхалқ сўзлашув услубига уйғунлаштиришга интилиш кучайди. Оғзаки ва ёзма нутқнинг қоришиқ табиатига монанд жараёни ижоднинг психоаналитик тамойилларини кенгайтириш, сўзнинг мураккаб табиатини соддалаштириш, ижтимоий воқелик зиддиятларини тўла қамраб олиш, бадиий тадқиқот объектига турли нуқтаи назардан ёндашишга интилишнинг ортиши билан изоҳлаш мумкин”, деб ёзганида ҳақли эди⁹⁵. Оғзаки ва ёзма нутқнинг ўзаро омукта бўлишини таъкидлаган адабиётшунос, айна чоғда, шеърини асарларга ёндашув йўлларининг ҳам кенгайганига урғу беради. Мазкур тадқиқотдаги таҳлиллар

⁹⁵ Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образчилик. Филол.фан. номз. дисс. автореф: – Тошкент: 2005. - Б.13.

шеърий асарларнинг шакл ва мазмунига янгича нуқтаи назардан, яъни халқона пафоснинг категориал тизими ҳамда илмий-назарий модулари асосида ёндашилгани билан ҳам эътиборли, албатта.

II БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСАЛАР

1. Ўтган асрнинг охириги ўн йиллиги ва истиқлол даври ўзбек шеъриятини бор кўлами, гўзаллиги ва тафтини ёниққалб ижодкорлар Шавкат Раҳмон ҳамда Матназар Абдулҳаким шеъриятисиз тасаввур этиш қийин. Улар адабиётга залворли, айна дамда фалсафий руҳ олиб кирдилар, шеърни жамият ва инсоният қалбини тинимсиз таҳрир қилувчи воситага айлантдилар, шу билан бир қаторда, ўзлари ҳам шахсияти билан ибрат намунасини кўрсатдилар.

2. Замонавий ўзбек шоирлари ўз дардини миллий дард билан уйғунликда баён қилишда ҳар бир ўқувчи қалбига яқин бўлган поэтик рамзлардан фойдалангани сезилади. Шоирларимиз ўз ҳис-туйғуларини баъзан абстракт ҳолатдан реал тарзга бадий сўз воситасида кўчиришда уларнинг поэтик маҳоратлари кузатилди. Турли авлодга мансуб бўлган шоирларнинг халқ поэтик ижодидан фойдаланишларида ҳам, янги услуб ва оҳанглар излашларидан ҳам ўзлигини намоён қилишга интилиш бор. Хусусан, С.Саййид, Ҳ.Аҳмедова, Р.Мусурмон шеърлари услубига кўра бошқалардан ажралиб туради.

3. Барча шоирларнинг маънавий қадриятларни ўз шеърларида бадий акс эттириши ҳам замонавий шеъриятнинг муҳим тамойиллари сирасига киради. Шоирларнинг лирик қаҳрамонлари покиза туйғуларининг Ватан ва эл-юрт қадри билан муштарак баён этилгани кўринади. Шунингдек, шеърлардаги лирик қаҳрамон “мени” воситасида миллатнинг кўнгил изтироблари ва қувончларини ифодалаш тамойили ҳам кузатилади. Бу давр шоирлари шеърларида бадий услуб ва поэтик нутқда оҳангни майдонга келтирадиган энг майда семиотик унсурларга ҳам эътибор қаратилди.

III БОБ. ШЕЪРИЯТДА ХАЛҚОНА ПАФОС ВА ПОЭТИК ТАФАККУР МУШТАРАКЛИГИ

3.1. Шеъриятда бадий тафаккурнинг янгиланиш омиллари

XX аср шеърияти турфа оҳангларга бой. Бу давр адабиётининг ўзига хос жиҳатларидан бири кўпқатламлик, кўповозилик (полифония)да кўринади. Хусусан, 20-30-йиллар шеърияти мумтоз адабий шеърият қолипларидан аста-секин воз кечиб, бармоқ вазнининг турли кенг имкониятларидан фойдаланишни бошлаган бўлса, 40–50-йиллар шеъриятида бир қадар ижтимоийлашиш, мафкура ва сиёсий жараёнларга аралаштириш кучайди. 60–70-йиллар шеъриятида бевосита сиёсий-ижтимоий лирика билан қалб лирикаси ҳам шаклланиб, ривожлана бошлади. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Омон Матжон каби ўнлаб истеъдодли шоирлар ижодида қалб, олам ва одам ўртасидаги сирли боғланишлар, инсон кўнгилни англашга уринишлар, дунёни янгича идрок этишга бўлган ҳаракатлар юксак чўққига чиқди. Бу авлоддан кейин юзага чиққан 70–80-йиллар авлоди – Усмон Азим, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Йўлдош Эшбек каби ўнлаб шоирлар шеърияти эса нисбатан бошқачароқ манзара касб этади. Бу давр шеъриятида ўзини ўзи таҳлил қилиш, давр, воқелик ва инсон фаолиятига нисбатан танқидий қараш, адабиётни ҳар қандай мафкура либоси, сиёсий жараёнлардан узоқлаштириш, қалб ва инсон руҳини асосий ижод материали сифатида ўрганиш ҳамда янги-янги шаклий изланишлар, бадий янгиликлар қилишга ҳаракат бошланди. 80–90-йиллар шеъриятида эса бир авлод майдонга чиқдики, уларнинг дунёқараши, услуби ва тасаввурлари нисбатан янги, қутилмаган, сирли кўриниш касб этди. Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Баҳром Рўзимухаммад, Фахриёр каби шоирлар ижодида мутлақо бошқача шакл, рамз ва оҳанглар, образ ва метафоралар учрайди. Бу шеърият вакиллари ижодида дунёни англашни янгича шакли, борлиққа нисбатан ўрганилган ранглар, анъаналар билан эмас, балки ҳали биз ўрганмаган, хотирамиз ақлимиз сарҳадларида шакли бўлса ҳам ҳали номи аниқ бўлмаган ранглар, қарашлар билан ёндашиш олам ва одам дунёсини образлар, турли

шакллар метоморфозаси воситасида тушунтириш жараёни бошланди. Шоир Абдували Қутбиддиннинг ижодида бу жиҳат, айниқса, бўртиб кўринади.

Ўзбек адабий танқидчилиги Абдували Қутбиддин мансуб авлод шеърияти ҳақида турфа қарашлар, фикр ва мулоҳазалар берди. Хусусан, модернизм ва унинг атрофида кечган баҳслар кўплаб мутахассисларга маълум бўлган ҳамда бу мавзу ҳозирда эскириб, кун тартибидан анча четга сурилгани учун биз бу ҳақда ортиқча тўхталмаймиз. Мақсад, шоир ижоди, ижод лабораторияси ва услуби ҳақида бир-икки мулоҳазаларни айтиш бўлгани учун айрим масалаларга тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Биламизки, шеъриятимиз тадрижида жуда кўп шаклий изланишлар, услубий янгиланишлар рўй берди. Олам ва одамга муносабат, борлиққа қараш шакллари ўзгарди. Янги аср бошларида аруз вазни ўз мавқеини бармоқ, ҳатто сочма вазнларига бера бошлагани нафақат янги тарихий давр талаби, балки бошқа миллий адабиётлар таъсирининг ҳам натижасидир.

XX асрнинг иккинчи ярмида Европа адабиётида авж олган модернизм кўринишлари дастлаб ўзбек шеъриятига, кейин насрига ҳам шиддат билан кириб келди. Ўзбек модерн шеърияти Европа халқларининг модерн шеъриятдан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади: агар Европа халқлари шеъриятидаги модернизм ўқтин-ўқтин абсурд адабиёт унсурлари билан уйғунлашиб турса, ўзбек модерн шеърияти, биринчидан, халқ ҳаётидан бу қадар олислашишни ўзига эп кўрмайди. Иккинчидан, ўзбек модерн шеърияти замирида муайян кайфиятни, маънони, поэтик мақсадни ифодалаш истаги ётади. Учинчидан, айрим модерн шоирлар ҳатто ўз шеърларида реалистик адабиёт унсурларидан ҳам маълум даражада фойдаланишяпти.

Замонавий ўзбек шеъриятидаги модернизм номини олган йўналиш моҳиятида ҳам халқона пафос, айнан, миллат дардини метафорик кўринишда шеърий йўсинда тақдим этиш билан изоҳланади. Фахриёр, Абдували Қутбиддин, Баҳром Рўзимухаммадларнинг шу йўналишдаги шеърлари ўзбек модерн шеъриятининг энг яхши намуналари ҳисобланади. Айни дамда

рамзларга бой бўлган бу шеъриятни халқнинг кундалик турмуши, тасаввурлари ва тафаккуридан ажратиб қараш ўринли эмас.

Баҳром Рўзимухаммад “Давсаман” деган шеърида халқ орасида, мозорликларда зулматда юрадиган ғалати бир махлукни тасвирлайди:

“Жунлари хурпайган, кўзи қизил қон,
Давсаман дегани, бир олатумшук.
Мозордан мозорга сакрайди ҳамон,
Чаённинг нишидек ҳар туки қийшиқ”.

Буни англаш учун халқ қалбини, халқ поэтик тафаккурини тушуниш лозим. Акс ҳолда, “руҳлар даврасидан” маънан узилган одам “Қотиб ухлаётган минг йилги тупроқ”ни ҳам, гўё “Икки оёғида” турган Давсаманни ҳам англамаслиги мумкин.

XX аср 20-йилларигача инсонга нисбатан гўзал, илоҳий мавжудот, Парвардигор томонидан яратилган жонзотлар ичида энг буюги деган қараш устувор бўлган бўлса, шу асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу қарашлар маълум бир мулоҳазалар билан бойитилди. Бу давр шеъриятида инсоннинг буюклиги, муқаддаслиги, гўзаллиги инкор этилмаган ҳолда унга хос бошқа жиҳатлар ҳам тасвирлана бошлади. Инсонни бор бўйи билан акс эттириш, унинг буюклиги билан бирга ожизлиги, гўзаллигию ёвузлигини бутун кўлами билан баён этиш анъана тусига кира бошлади. Бу қарашлар пировардида эса ижтимоий-фалсафий лирикадан рамзий-фалсафий лирика пайдо бўла бошлади. Агар Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон”, “Жаннатга йўл”, Эркин Воҳидовнинг “Нидо”, “Руҳлар исёни” дostonларига ижтимоий-фалсафий, лирик шеъриятнинг юксак намунаси сифатида қарайдиган бўлсак, ундан чорак аср ўтиб юзага келган авлод шеъриятини рамзий-фалсафий, психологик шеърият деб аташ жоиз бўлади. Бу йиллар авлоди вакиллари шеърияти инсонни мураккаб ҳодиса дея таърифлайди ҳамда ўзлари яратган қаҳрамон зиммасига кўп масъулият юклайди.

“Модернизм санъати аниқлик ва теранлик касб эта бориб, тафаккур чегарасигача етиб боргач, ифода қилиб бўлмайдиган сарҳадда фожиёна сукут сақлай бошлайди. Замонавий санъаткор мана шу сарҳадни айланиб ўтар экан, тилга олинмаган нарсаларни тушунтириб ўтирмайди, аксинча, уларга ишора қилади, у тушуниб бўлмайдиган нарсаларни ифодалашга ҳаракат қилади, нарсалар ҳақида уларнинг ўзлари тилидан ҳикоя қилади, у дунёни тасвирлашга эмас, балки ўзлигини тамомила унутиб, олам билан бир бутун бўлиб кетишига, унинг қаърига сингишга ҳаракат қилади. Санъат тилнинг қобиғини ёриб чиқиб, бизларга сўзлар, иборалар воситасида эмас, балки ана шу сўзлар ва иборалар юзага келтирган таъсир кучи воситасида тиллашади”⁹⁶.

Фаннинг юқори даражадаги эволюцияси, техник ва технологик интеграциялашув, ҳаттоки, генетик ривожланишлар қонуниятини ўзига сингдирган бу шеърининг калитини топиш, бундай шеърлар поэтикаси қонуниятларини англаш, гўзаллигини тушуниш осон кечмайди. Бунинг учун шоир қалбида мавжланаётган туйғулар, тимсоллар, рамз ва белгилар ичига кириш, шоир руҳиятида яшаш ва у босиб ўтган поэтик-психологик босқичларни босиб ўтиш лозим бўлади. Ўзбек шеърятига хос бўлган муҳим сифатлардан бири бу “ижодкорларнинг давр руҳиятини акс эттиришга бўлган интилишлари”дир⁹⁷.

Шоир Абдували Қутбиддин газета муҳбири Умид Алининг “Шеърнинг вужудга келиши қадимдан. Шу пайтга қадар қанчадан-қанча шоир яшаб ўтмаган, неча-неча шеър ёзилмаган дейсиз. Хуллас, шеърнинг кўҳналигида қандай ҳикмат бор?” деган саволига “Шеър одамнинг шаклига руҳ киритилаётганда руҳнинг сўзлаш услуби сифатида акс этган. Шеър одам руҳининг сўзлаш услубидир. Дарҳақиқат, шеър кўҳна, аммо у илоҳий эмас. Шеър илоҳиёт сари интилаётган руҳ учун ўзини ифода этадиган воситадир”

⁹⁶ Генис А. XX асрнинг етакчи услуби // Жаҳон адабиёти, 2001. № 11. - Б.163.

⁹⁷ Холова М. Ўзбек модерн шеърятини поэтикаси. Филол. фан. бўйича фалс. д. (PhD) дис. автореф. – Самарқанд: 2018. - Б. 19.

деб жавоб беради⁹⁸. Шоирларнинг шеъриятга қарашларида шундай ички-руҳий бир ўзгаришлар, ўзига хос кутилмаган жавоблар кузатилади.

Сиртдан караганда сирли, мураккаб, турли ребусларга бой шеърият моҳиятида, ижодий изланишлар негизида ўша ижодкорнинг руҳий дунёси ётган бўлади. Худди шу жиҳатдан Абдували Қутбиддин шеърияти хали тўлиқ англолмаган, ханузгача адабий танқидчиликда ўз баҳосини топмаган шеъриятдир. Чунки шоирнинг мураккаб тимсолларга бой, рамзий-метафорик шеърлари оғир ва кўпқиррали талқинга эга бўлиб, бу шеърият моҳиятини инкишоф этиш бир қадар мураккаблик туғдиради:

Бу кеча

Тонгнинг иси келган лабларингда

Лайлақлар фарёдин тингламоқ насиб.

Бу кеча

Хизр таёғи теккан

Осмоннинг парчаси бизларга нилий.

Бу кеча

Сўқир гадонинг кафтида

Ойдин саҳро топган бизлар бадавий.

Бу кеча

Ҳеч нарсани яширолмаимиз,

Бизни очиб ташлар ёввойи ҳилқат.

Бу кеча

Биздан сир олади малойикалар.

Бу кеча

Ўтлиғ томирларда кўпирган ором

Оҳиста чертади дил эшигини.

Тўлишган тўлиннинг сояси ваҳший,

⁹⁸ Муҳаббатдан-да кучли туйғу бор. Абдували Қутбиддин билан Умид Али суҳбати. Бекажон, 2005. № 18.

Беркитар лайлаклар айтган кўшиқни.
Бу кеча
Қўлларим одамхўр ботқоқдай берахм.
Бу кеча
Сен ботиб кетмаган гўзал нилуфар...

Таниқли рус файласуфи Михаил Эпштейн “Юксак поэзия ва Алп Одам” номли мақоласида дунёдаги ҳамма фанлар замирида поэзия яширин ҳамда бугунги кундаги ҳар бир техник-технологик, ахлоқий эволюцияни поэзия иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайти, деган тўхтамга келади ва ўз фикрларини фаннинг турли тармоқларига боғлаб асослаб беради⁹⁹.

Дарҳақиқат, чексиз ва бепоён борликни бир бутунликда тушуниш ҳамда ҳар қандай воқеликнинг рамзини топиш бу ижодкордан катта поэтик кувватни талаб қиладиган жараёнди. Абдували Қутбиддин шеърларининг сарлавҳасиёқ рухий сарҳадлар томон бошлайди кишини. Шоир ўқувчини ҳаммага таниш, ҳамма билган жойларга эмас, балки ўз тасаввур дунёсига, хаёл дунёсига олиб боради.

“Қайдадир тун сиёҳ кокилин эшар,
Тоғларда эзади ҳарир кўксини,
Қайдадир жайронлар ўйнаб юришар,
Фақат мен яшайман ўксиниб”¹⁰⁰.

Шоир шеърининг бошланишини, яъни киришини тун манзарасидан бошламоқда. Тун – бу ҳижрон рамзи. Тун сиёҳранг кокиллари эшмоқда. Бу сатр табиатида эса маъшуқасини кутавериш кўкси сиёҳга айланган туннинг ҳижрони акс этган. Тунлигидан зерикиб, ёруғ ёғдуларга тонгнинг ложувард нурларга ташна бўлган тун тоғларга бориб, ҳарир кўксини эзмоқда. Тун

⁹⁹ Эпштейн М. Юксак поэзия ва Алп одам. Жаҳон адабиёти, 2015. № 6. - Б. 148-162.

¹⁰⁰ Қутбиддинов А. Бор. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2011. - Б. 56.

кўксини чок қилиб, қалбини тонгга улашди. Тонг қаердадир отмоқда, ўша тонг кунга сут сепган маъволарида жайронлар бир-бирини қувиб юрибди. Аммо шоирнинг қалби ўксиган. Унинг кўнглига чироқ ёкса ёришмайди. Тун зулмати ҳали унинг қалбини тарк этгани йўқ.

Қайдадир минора қанот қоқади,
Ҳис этиб танида лайлак жисмини
Зарафшон қайгадир лойқа оқади,
Фақат мен яшайман
Ўксиниб...

Бу бандда шоир икки-уч манзара бериш билан бирга, ўз қалбидаги изтироб булутлари нақадар қуюқлигини тасвирламоқда. Қишнинг қаҳратонидан безиган миноралар кўксига муаттар ҳаво урилишини, баҳорнинг сарин шамолларини соғинган. Ана баҳорнинг хушхабарини етаклаб лайлаklar келди. Аммо шоир тўрт сатрнинг ичида бир марта тоғлар бағрида қатлам-қатлам бўлиб уюлиб ётган қорлар эриб, йўлидаги тупроғу майсалар, новдалару хасларни олиб Зарафшон сари етиб келди. Аммо шоирнинг кўнгли ярим. Унинг синган кўнглини тўлдириб бўлмайди. Шоир ўз лирик қаҳрамонининг синиқ кўнгиллигини англатиш учун тил, ифода ёки метафорадан ҳам кўра белгига ишора қилмоқда. Шеърнинг тўртинчи қаторида келаётган сатрни иккига бўляпти. Шу тариқа ошиқ дунёни турли рамзлар, оҳанглар орқали кўради, бахт, висол излайди. Ахир у ошиқ. Ўзига хос мушоҳада, тасаввур, дунёқарашга эга ошиқ. Аммо дардини очиқ изҳор эта олмайди.

Дунёда инсоннинг ўз муҳаббати, туйғуларига нисбатан икки хил муносабат мавжуд. Дастлабки турда – ашё-предметни турли томонлардан синчиклаб кўздан кечиради. Иккинчи ақл-идрок соҳиби эса шундай оқилона мулоҳаза соҳибки, севадиган одамнинг хислат-фазилатларини бир қарашдаёқ илғайди. Унинг ўткир нигоҳи қалбгача етиб боради, натижада

лаҳзалик имо-ишоралар воситасида қалбдаги кечинмаларни пайқайди. Шоир ўзининг “Қасида” шеърисида ёзади:

“Қумри сайла, гулруҳим,
Равза айла шукуҳим,
Сайроғимдан сайрона,
Қўшиқ тўқий ғайрона.
Абдувалиман, ҳай-ҳай,
Лақа-там-там, лай-лай,
Абдувалиман, ҳай-ҳай,
Лақа там-там, лай-лай”¹⁰¹.

Бундаги эркинлик ва эркаланишда халқ тафаккурига хос оҳанг яққол сезилади. “Лақа-там-там, лай-лай, Абдувалиман, ҳай-ҳай” деган мисраининг ўзиёқ шеърга ўзгача шукуҳ бағишлайди.

Абдували Қутбиддин шеърларида лирик қаҳрамон муҳаббатини очиқ-ойдин баён этмайди. Аммо борлиқдаги ҳар бир воқелик, предмет ёки белгида ўз севгилиси суратини кўради. Аммо бирор жойда айрилиқ, ҳижрон, висол, азоб, ғусса каби бадий эмоционал бўёқлардан фойдаланмайди.

Шеърнинг сўнгги бандида эса лирик қаҳрамон худди тун каби кўксини эзади.

Қайсидир капалак шафақни ушлар,
Нурланиб сезади бахтнинг исини.

Худди капалак умрининг сўнгги лаҳзаларида шафақни қучгани ва ўзи туйган ҳаётнинг лаззатидан воз кеча олмагани ва тирикликни севгани сари

¹⁰¹ Қутбиддинов А. Хаёл кечаси (шеърлар). – Тошкент: Ёзувчи, 1994. - Б. 16-17.

Ўзи ҳам нурланиб, ёғдуланиб боргани каби лирик қаҳрамон қалбига сал бўлса ҳам ёруғлик инади.

Қайдадир бир санам мени деб яшар,
Фақат мен яшайман
Ўксиниб.

Шоир бу шеърда шу ўринда табиат ўз мувозанатида абадий кечишини, борликдаги ҳар бир жонзотнинг ўз тақдири аъмоли, йўли, муҳаббати, висоли бўлишини айтган ҳолда, висолсиз ишқ, хотира аччиғи, соғинч юки фақат одамзотга берилгани ва инсон ҳамиша муҳаббат билан эш, ҳамоҳанг тарзда яшашини таъкидлайди бу шеърда.

Олам ва одам ўртасидаги алоқадорлик, космос ва хаос жараёнлари тақдири азал тартиботига бўйсунishi, инсон ҳамиша қалб аталмиш йўлнинг измидалиги ҳақидаги тушунча-тасаввурлар киши кўнглида уйғонади. Сўнгги сатрдаги бадий кечинма лирик қаҳрамон қалбининг қат-қатидан чиқади ва беихтиёр бу ҳайқириқнинг самимийлигига, ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қиласиз. Шоир ижодида, хусусан, биргина шеърда қўлланган бир неча мажозий образлар, сирли рамзлар шундай фалсафий мушоҳадага олиб келади ўқувчини.

Адабиётшунос Абдулла Улуғов шоир ижодига тўхталар экан, унинг ўзига хослиги хусусида шундай дейди: “Абдували Қутбиддин шеърларида замонавий шеъриятнинг энг илғор жиҳатлари ва ундаги анъанавий хусусиятлар ўзаро уйғунлашади. Айни чоғда уларда ўзгача образлар дунёси бўй кўрсатиб туради. Энг муҳими, шоир сатрларида таъсирчан қалбнинг жўшқин ҳиссиётлари акс этади. Айни ўринларда Абдували Қутбиддиннинг ўзига хос шоирона услуби кўринади. У шеъриятда кенг қўлланиладиган адабий “қолип”лардан қочади ва барча истеъдодли ижодкорлар каби ўз йўлини очишга интилади. Шу боисдан унинг ёзганлари ҳамма кўниккан шеърлардан шакл ва мазмун жиҳатдан фарқ қилади. Абдували Қутбиддин,

аввало, сўзларнинг янги маъноларини илғайди ва шу асосда янгича ташбеҳлар топади. У кўллаган тимсол, ташбеҳлар хис-туйғулар шиддатини кабарик кўрсатади”¹⁰².

Дарҳақиқат, олим таъкидлаганидек, шоир ижоди янгича рамзлар, тимсоллар ва сифатлашлар дунёсидир.

Шоир оламни бир бутунликда кўради. Унинг ҳар бир сатрида, ҳар бир шеърида инсон руҳига саёҳат, ички олам, ботиний дунёга сайр бошланади. Шоир ҳаётнинг турфа зиддиятлари, одамзод қалбидаги мангугача тўлмас кемтиклар ҳақида ёзар экан, бунинг пировард мақсади инсон қалбини турли маънавий хасталиклар, чиркин ва ифлос хоҳишлардан ҳалос бўлишга ундайди. Шоир одам дунёсининг руҳий-ахлоқий муаммоларини турли рамзий-адабий тимсоллар, ўхшатишлар, сифатлашлар, бадий тасвирий воситаларда ифодалайди.

Аллоҳ, кўрадирлар, аммо кўрдирлар,
Аллоҳ, эшитарлар, аммо қардирлар,
Аллоҳ, пишгандайлар, аммо ғўрдирлар,
Аллоҳ, ғўрман дерлар, аммо зўрдирлар,
Аллоҳ, тишлари йўқ, аммо ғажирлар,
Аллоҳ, кўзларида зулм ғижирлар,
Аллоҳ, бутунлару, аммо сағирлар,
Аллоҳ, тоза дерлар, аммо яғирлар.

Шоир юрагини изтиробга солаётган инсон қалбидаги муаммолар, нафс, мансаб, мартаба илинжида бир-бирининг ҳаётига дахл қилаётган, бири иккинчисининг қонини зулукдек сўраётган инсонларга қарата Ҳофиз (Ҳофиз Шерозий назарда тутилмоқда) тилидан нидо қилади. Уларнинг руҳи нафс сиртмоғидан ҳолос бўлишини сўраб тавалло қилади. Зеро, инсоннинг қалби ёвузликдан, нафсдан, ғараздан, кекдан, адоватдан батамом холи бўлмас экан,

¹⁰² Улуғов А. Қалб қандили. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2013. - Б. 105.

унинг қалбида эзгулик уруғи унмайди. Қалбида эзгулик, инсоф-адолат, номус холислик ҳамда инсонга муҳаббат бўлмаган инсон бу дунёда на ўзига, на жамиятга заррача наф етказмайди. Аксинча, ўзини англашга уринмаган, ўз қалбини шайтон қафасидан қутқара олмаган одамнинг маънавий дунёси улкан фожиага учрайди. Бу дунёдаги энг улкан фожиа эса руҳнинг майиб бўлиши, унинг майда-чуйда манфаатлар йўлида қурбон бўлиб кетишидир. Шоир шу маънода руҳ кишисига, руҳий камолот тарғиботчисига айланади.

Осима,

Аларга кўп ҳам ишонма,

Улар қуш кўмганлар хиёбонларга.

Қумлари зарланган бўлса ҳам бордир,

Лек, ҳаром ўрмалар товонларида...

Ёзнинг жазирамасида куймасдан туриб, саратоннинг тафтини, қишнинг қаҳратонида қақшамай туриб аёз қаҳрини, хиёнат кўрмасдан дўстнинг каддини, очлик кўрмасдан тўқчилик бахтини тўла-тўқис англаб бўлмайди. Бу синовлар натижасида, руҳ тобланади, қалб улғаяди, тасаввур-тахайюл, дунёқараш уйғонади, олам ва одам дунёсига муҳаббат пайдо бўлади. Шоирнинг шундай аччиқ изҳорлари замирида инсониятни мана шундай муҳаббат билан севишга, одам дунёсини турли ахлоқий хатарлардан асраш истаги ётади.

Абдували Қутбиддин шеърят ва шеърни ўзгача тасаввур қилади. Худди борлиқни ўзгача нигоҳ билан кўрган ижодкор шеърни ҳам бошқача ракурсда ҳис қилгани каби. Анъанавий шеърятимизда ёзилган маълум шеърларни ўқисангиз, уларни бир ўқишда ғояси, мазмун ва моҳияти ҳақида маълум тасаввурга келишингиз мумкин. Ёки шеърнинг асосини ташкил қиладиган бирор сатр ёки маълум рамзни ушлаб ололсангиз, шеърдан англашингиз, ҳис қилишингиз керак бўлган маънони топиб олишингиз мумкин. Аммо Абдували Қутбиддин шеърлари бундай хусусиятга эга эмас.

Унинг асарларида бошдан-охир номсиз туйғулар, қандайдир номаълум ҳислар кураши, англаб-англашилмаган, туйиб-туйилмаган, ҳис қилиб-ҳис этилмаган мавҳум ҳиссиётларнинг жўшқин мавжини драматик пафос унсурларини кўришимиз мумкин.

Шу боисдан мазкур шеърлар ҳар сафар ўқилганда кишига ҳар хил таъсир қилади, турфа кайфият уйғотади. Шу маънода шоир шеърни кўради. Ушлаб бўлмайдиган, киши маъносига унчалик тушунмайдиган ботиний кечинмаларни шеърда бир жойга йиғади.

Унинг “Қасам” номли шеъридан ҳам бу ҳолат яққол кўзга ташланади.

Фаромуш боғларда солланиб маҳзун,
Заррин сарполарда давлати фузун,
Қалбимга атайди нон ҳамда тузин
 Ё жоним муҳаббат,
 Сим-сим-эй, сим-сим.

Мабодо алдасам, қўлларим синсин.
Ўткинч тилакларда болалик – бадбахт,
Севгининг номидан ёзади тилхат,
Агарда яшасам қалдирғочсифат,
 Қизғалдоқ энамдир,
 Сим-сим-эй, сим-сим.

Мабодо алдасам, қўлларим синсин.

Бундай ҳарир туйғулар гирдобадаги ўкинч ва аламли тасвирлар моҳиятида бу дунёнинг ўткинчилиги, инсон қалби фақатгина муҳаббат билан тириклиги ҳақидаги қарашлар ётганини англаш кишига бир қарашда мураккабдек туюлади. Болалиги ўткинчи ҳавасларга қурбон бўлган лирик қаҳрамон муқаддас ҳиссиётлари жавобсиз қолганидан, қалби алданганидан чексиз қайғуга ботган. Олтин япроқларга бурканган кузнинг маҳзун ва фаромуш боғларида ҳижрон ва соғинчнинг, алам ва изтиробнинг аччиқ

меваларини тақдир дея (нон ҳамда тузин) қабул қилаётган қаҳрамон қалби ҳаётнинг мана шу ёлғонига чидай олмайди. У “Сим-сим” эртаклари қаҳрамонига айланиб, ишқ яна қалбига меҳмон бўлишини, энди алданмаслиги ва уни ҳам алдамаслигини изҳор этмоқда. Чунки олам кўшдан, тириклик сувдан нажот топгани сингари шоир қалби ҳам муҳаббатдан озикланади. Муҳаббат, висол, ошuftалик ва соғинч ижодкор қалбига гўзаллик ато этади. Ишқ ҳаётнинг, шеъриятнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Акс ҳолда эса шоир қалби Бадахшон чўлларидек чексиз, аммо кимсасиз, ҳувиллаган ҳижрон даштида бесар кезаётган бенаво, бемақсад шарпага айланади.

Ортимда чўл дедим, кўрсам, Бадахшон,
Қадимий тангадай беҳамён, бешон,
Ўзимни изласам – мендек йўқ нишон,
Ал-омон, мен қайда,
Сим-сим-эй, сим-сим.
Мабодо алдасам, кўлларим синсин.

Мумтоз адабиётимизда най образи ошиқ дардларини куйловчи, унинг қалбидаги сўнгсиз изтиробу андуҳларини ифода этувчи восита вазифасини бажарган.

Ҳазрат Жалолиддин Румийнинг етти иқлимга машҳур “Маснавийи маънавий” асари шу образ орқали катта мазмун ва моҳият ифодалангани ҳам фикримизни яққол исботлайди. Чунки бу асарнинг кириш қисмида эътироф этилган най образи орқали инсон қалби ва олам руҳи ифода этилган.

Шоир лирик қаҳрамон изтиробларини градация усулида кучайтириб, ошиқ қалби фақатгина дардли оҳангга, ишқ ҳақидаги нолавор кўшиққа айланганини ифода этади.

Сўнгни дам ўзим-ла ўчакишсам, хай,
Соҳир кўзларингдан талаб этсам май,
Э, воҳ, кекирдагим кесиб этсам кай,
Пуфласам – куй ёнса,
Сим-сим-эй, сим-сим.
Мабодо алдасам юрагим тинсин.

Ўзини-ўзи излаётган, ҳижрон ва бемаъно умрининг чўлу биёбонида асосий мақсад ва моҳиятдан айро бўлган ошиқ руҳи худди Жалололдин Румий йўлидан бориб, ақлан, ботинан, қалбан ишқ билан бирлашишни, ўзидан кечиб, кекирдагини юлиб бўлса ҳам ўзига айланишни хоҳлайди.

Шоир шеъриятидаги ҳар бир рамз, образ, метафора, ўхшатиш, қиёслаш каби шундай бадий-тасвирий воситалар борки, уларнинг ҳаммаси Абдували Қутбиддин ижодий услубига кириш учун очқич вазифасини ўтайди. Умуман олганда, бу авлод шеъриятининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам шунда кўзга ташланади.

Бундай кайфият давр руҳининг ифодаси ўлароқ индивидуаллашган шеърлар, ўзидаги руҳий кайфияти билан вужуди, кўзлари, оёқларининг рамзга айланиб уйғунлашишини Эшқобил Шукурнинг:

“Сув устида, сувлар устида
Юракларим чирсиллайди-ей.
Ишқ дастидан, ҳижрон дастидан
Суякларим қисирлайди-ей...

Йўл устида, йўллар устида
Оёқларим юрак бўлди-ей,
Ишқ касридан, ҳижрон касридан

Умрим фақат тилак бўлди-ей”¹⁰³.

Бундай шеърларда юрак тилга киради, бутун вужуд ишқ майи ва ишқ найининг куйлари билан сармаст бўлади. Ошиқнинг ягона тилаги – висол, албатта. Шоир ўз қалбида кечаётган ишқ ва хижрон талашларини, барча орзу-истакларини шундай халқона бир йўсинда баён қилади. Шоирларнинг асил вазифаларидан бири мудраган юракларни уйғотишдир. Шоирнинг лирик қаҳрамони “Юракни уйғотиб юборинг...” деб хитоб қилар экан, бамисоли унинг “руҳи парвоз” қилади. Шунда парвозга кўтарилган кўнглига қарата лирик қаҳрамон яна “Ой бориб, омон қайт, кўнглим-а...” деб қўяди. Шу бирикманинг ўзиёқ қанчалар халқона эканини ҳар ким дил-дилдан ҳис қилади, албатта.

Бу даврга хос шеърятнинг асосий йўналиши ҳақида тўхталар экан, таниқли олим Улуғбек Ҳамдамов шундай тўхтамга келади.

“ – воқеабандликдан, тасвирдан, баёнда деярли воз кечиш, бунинг ўрнига метафора ва деталларга урғу бериш;

– сиқиклик;

– санъат майдонида ўйинга ружу қўйиш, шеърый санъатлар ролининг ортиши;

– бутун ҳақида парча орқали маълумот етказиш. Чунончи, биргина ғамгин кўзлар орқали инсоннинг бутун-бутун ҳолатлари кечинмалари, орзу-армонлари ва ҳоказолар ҳақида “ҳикоя қилиш”га уриниш;

– шоир “мен”и учун кўнгилнинг, руҳий ҳолатию “дунёга қараши”нинг бирламчи эканлиги;

– шаклдаги ўзига хослик”¹⁰⁴.

Эшқобил Шукур, Фахриёр, Баҳром Рўзимухаммад, Абдували Қутбиддин ижоди ҳам юқоридаги таърифларга ҳар жиҳатдан мос бўлиб, унда ҳаётга муносабати ва борлиқ тасвири анъанавий усулда эмас, балки

¹⁰³ Шукуров Э. Сочлари сумбул-сумбул. – Тошкент: Фафур Фулом НМИУ, 1988. - Б. 45.

¹⁰⁴ Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърятини. – Тошкент: Адиб, 2012. - Б. 302.

шоирнинг ўзига хос модели сифатида талқин этилади. Шоирлар ўзгалар руҳий дунёсидан кўра, ўз руҳий дунёсини кўпроқ тадқиқ этади. Уларнинг шеърларида реалистик адабиётдаги ижровий лирикадан кўра, кўпроқ ички монолог асосида қурилади. Ижодкорнинг бадиий тафаккури кўпроқ мавжуд поэтик образни янгилашга, ҳаётдаги зиддият, мураккаблик ва қарама-қаршиликларни ўз услубий приёмлари ва турли импровизациялар билан ифодалашга ҳаракат қилади.

Абдували Қутбиддин ёзади:

Субҳлар ҳўплайди патли ҳавони,
Бир кун ёлғончилик қилади апрель,
Мен сенинг келишинг ҳеч истамайман,
Бироқ кел.

Инсон қалбининг чуқур-чуқур пучмоқларида яшириниб ётган сирлар сандиғи очилиб кетади. Ёрининг васлига ташна, аммо ижтимоий ҳаётдаги айрим контрастлар, ҳаётнинг маъносини ўзида ифодаловчи аччиқ драмалар ва сабабу иккиланишлар гирдобида қолган ошиқ ўз севгилисининг қошига келишини гўёки хоҳламайди. Аммо ҳеч кимга айтиб бўлмас ботиний истак, ички туғён, номаълум жунбушлар ошиқни сира-сира ҳолига қўймайди.

Антитеза санъати асосига қурилган мана шу бир банднинг ўзида инсон қалби товланишлари, туйғуларининг гўзал панорамаси ҳосил бўлган. Бунда туйғулар, орзулар, истаклар, жунбуш ва орзиқишлар – бари ўта хусусийлашади, борлиқ, ижтимоий воқелик, реал ҳаёт доирасидан четга чиқиб, шоир ўз борлиғи, “мен”ини намоён қилади.

Осима,
Розиман, мандан асар йўқ,
Иста, мен ҳақимда бошқа хабар йўқ,
Аммо дилим эрка дилингни истар,

Мендек хушхабар йўқ,

Мендек хатар йўқ.

Шоир бу сатрлар орқали олам яратилгандан буён мавжуд бўлган карама-қаршиликлар қонуниятига ишора қилмоқда. Шоир юқорида мисол қилиб келтирилган бир шеърида келишингни истамайман, бироқ кел, дея ўз қалбига доир мавҳум, тушунарсиз, беқарор, шу билан бирга мураккаб ҳақиқатларни баён этса, бу шеърида муҳаббат, соғинч туйғуси ошиқ учун ҳам хушхабар, ҳам хатарлигини, инсон руҳиятига оид контрастликни айтиб ўтмоқда. “Одам – хавотир” деган эди машҳур ёзувчи Хулио Кортасар. А.Қутбиддин фикрича, “одам дунёси дам дунёсидир”.

3.2. Замон шеърлятида сўз ва образ муносабати

Бу давр шеърлятида жанрлар янгиляниши, фикр ва ифода йўсинининг бағоят рангинляниши билан бирга халқона пафоснинг янгилянаётган ижодкорлар қўллаган сўз ва образларда ҳам ўз аксини топди. Бу давр шоирлари ижодида ҳаётни кенг қамраб олиш билан бирга олам ва одам муаммолари, инсон қалби ва руҳиятидаги пўртаналар, бетакрор ҳолатларни ўз “мен”и билан муштарак равишда тасвирлаш анъанаси юзага келди. Сўз ва образнинг ўзаро муносабати, у шеърлий матндаги адабий-эстетик вазифаси, ўзига хос образ ҳолатига келган сўзнинг маъно қирралари масалалари ўзбек адабиётшунослигида махсус ўрганилган ҳолатлари ҳам мавжуд¹⁰⁵. Зотан, ҳар қандай жамиятда ва ҳар қандай замонда ҳам шеърлятнинг вазифаси – халқ руҳи, қалби, орзулари, дарду ҳақиқатларини баланд пардаларда куйлаш, унинг билан қалбан бирга бўлиш, жамиятнинг ижтимоий-руҳий, маънавий-маърифий муаммоларига малҳам бўлиш ҳисобланади. Мана шундай вазифаларни удалай олган, ҳақиқат ва диёнат йўлидан борган. Сўз ва қоғозга хиёнат қилмайдиган ижодкорларни халқ ҳам ҳамиша ардоқлаб эъзозлайди.

Замонавий ўзбек шеърлятининг умумий пафоси халқ ва ватан эркинлиги, озодлиги ва маънавий-руҳий камолоти ҳақида куйланган асарлардан иборат. Ўтган асрнинг 80-90-йилларида ижод қилган Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим ҳамда Ҳалима Худойбердиева шеърлятининг асосий ғояси шахс ва миллат эркинлиги, фикр эркинлиги масаласига бағишланди. Бу авлод шеърляти ўзининг жўшқин овози, самимияти, рангин туйғулари билан ажралиб туради.

Халққа яқинлик, уни жон-дилдан севиш ўзбек халқ ижодининг турли жанрларидан ўз ижодида унумли фойдаланиш ҳолатлари бу авлод шоирлари ижодида яққол кўзга ташланиб туради. Ҳ.Худойбердиева “Ёр-ёр” шеърлида дил изтиробларини шундай ёзади:

¹⁰⁵ Хўжамқулов У. Миртемир лирикасида сўз ва образ: Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: 2004. - Б. 23.

“Бизга нима – тўй қиламиз кўнгил ёзар,
Сизга нима – топса севги топгай озор...
Кўпчиликка тик боролмай айрилишди
Икки юрак андишадан безор...
Ёр-ёр...”.

Ўзбек тўйларида аламли, қувончли, изтиробли – турли пафосга эга “ёр-ёр”лар айтилади. Шоира буни яхши билади. Ёшлигида буни эшитган, балки, ўзи ҳам дугоналари билан бирга айтган. Шу ички туйғунинг ифодаси сифатида шоиранинг шеърида “ёр-ёр” оҳанглари пайдо бўлган.

Содда ва самимий сатрлар, халқ кўнглидаги ҳамда айна пайтда руҳнинг энг чуқур жойларидан силқиб чиққан асл қуйма сўзлар, иборалар шеърий мисралар, халқ руҳининг бадий кўзгуси бўлган бетакрор лиризм билан суғорилган мисралар Муҳаммад Юсуф номини машҳур қилди. Шоир асарларида миллий руҳ, халқона пафос, ўзбек тилининг бой ва бетакрор жанри ҳамда жозибаси балқиб туради. Унинг шеърларида ўзбек халқининг энг олижаноб ва юксак инсоний фазилятлари билан бирга ёшлик сурури, ишк ва муҳаббатнинг нафис наволари, ўзбекона содда ва айна пайтда бетакрор ҳис-туйғу ва кечинмалар юксак поэтик усулда ифодаланади. Бадий сўз ва поэтик образнинг бадий имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланиш, мусиқий равонлик, туйғулар тиниқлиги, руҳият манзараларини гўзал тарзда ифодалаб бериш шоир шеъриятининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Шоир қисқа умр кечирди. У қисқа умр кечириш бобида сўз дунёсининг атоқли вакиллари – Пушкин, Есенин, Лермонтов, Чўлпон, Ҳ.Олимжон, У.Носир, Ш.Раҳмонлар билан қисматдош бўлди. Аммо шоирдан гўзал бадий асарлар мерос қолди.

Шавкат Раҳмон хотирасига бағишлаб ёзган шеърида лолақизғалдоқ умрини рамзийлаштириб шоир шундай ёзган эди:

“Мендан нима қолар:
Икки мисра шеър,
Икки сандиқ китоб,
Бир уюм тупроқ.
Одамлар ортимдан
Нима деса дер,
Мен сени ўйлайман
Ўзимдан кўпроқ –
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!”¹⁰⁶

Яқин ўтган давр ўзбек шеърляти тарихида айнан “лолақизғалдоқ” сўзининг поэтик миқёси, сўзнинг образга айланиш жараёни Муҳаммад Юсуф номи билан бирга муҳокама қилинадиган бўлди. “Она халқим”, “халқим”, “юртим” каби сўзлар ҳам ўз семантик мазмунини, бутун моҳиятини шу шоир ижоди орқали намоён қилди:

“Юртим адо бўлмас армонларинг бор,
Тошларни йиғлатган дostonларинг бор,
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор”.

Бундай изтиробли мисраларда халқнинг дарди яққол ўз бадий баёнини топган, албатта. “Юртим кўнглингдек кенг осмонларинг бор”, “Қурбонинг бўлайин, эй онажоним” каби мисралар ҳам ўз ифода кўламига кўра шоирнинг поэтик образларини ўзида акс эттиради. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таъкидлайдики: “Ватан ҳақида жуда кўп ёзилган. Ёзилгани яхши, албатта. Бироқ ёзмоқ билан ёзмоқнинг фарқи бор. Муҳаммаджон укамиз бир

¹⁰⁶ Юсуфов М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2014. - Б. 367.

шеърида “Юртим, сени иддаолар қилмай севаман” деб айтганда қанчалар ҳақ эди. Дарҳақиқат, у ўз элини, халқи, Ватанини чин фарзанддай, беғараз, сидқидилдан яхши кўрар эди. Шу меҳрнинг натижаси ўлароқ, унинг шеърияти ҳам худди шундоқ беминнат ва беғараз шеърият сифатида майдонга келди. Ва бу оқкўнгил, осмонқалб укамиздан худди шундай шеърият ёдгор қолди”¹⁰⁷. Муҳаммад Юсуф шеърлари, кўнгил кечинмалари ўз халқининг дардини бутун ижоди мазмунига сингдирган устози Абдулла Орипов ижодига қайсидир даражада яқин туради.

Муҳаммад Юсуфнинг “Айланайин қаро қошу кўзингдан-а, Ўзингдан кўймасин, халқим, ўзингдан-а”, деб ёзишларининг ўзида ҳам қандайдир халқона жозоба бор. “О, ота маконим, Онажон ўлкам, Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга” – барчага маълуму машҳур бу мисралар таркибидаги “жоним тўшай соянгга” бирикмасининг поэтик қуввати узоқ йиллар ўз бадий нафосатини йўқотмайди. Шоирнинг ўз авлодларини, эл-юрт фарзандларини бирдамликка чорлашларида ҳам ҳикмат бор:

“Бўлар элнинг болалари бир-бирин дер,
Бўлмас элнинг болалари бир-бирин ер.
Бир бўл энди, қадри баланд қадингни кер,
Халқ бўл, элим, халқ бўл, элим, халқ бўл, элим!”¹⁰⁸

“Халқ бўл, элим” деган ибора фақатгина Муҳаммад Юсуф услубига хослиги бугун барча адабиётшунослар учун маълум гапдир.

Ўзбек шеърияти тарихида ватан тўғрисида ёзилган шеърлар, дostonлар бисёр. Аммо уларда шакл, ифода, образлар тизими ҳар хил. Ҳар бир ижодкор ватанни ҳар хил тасвирлайди, ҳар хил рангларда кўради, уни тасвирлаш учун турфа бадий усуллардан фойдаланади.

¹⁰⁷ Абдулла Орипов. Бетакрор шоир / Муҳаммад Юсуф. “Халқ бўл, элим” китобига сўзбоши. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2005. -Б. 3.

¹⁰⁸ Юсуфов М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2014. - Б. 17.

“XX асрда ўзбек шоирлари яратган кўпгина шеърларда Ватан образининг янги қирралари кашф этилгани кўринади. Ватан тўғрисидаги шеърларда мадҳиябоп таъриф-тавсифлардан ташқари, шоирларнинг ички кечинмалари, самимий туйғулари ҳам ифодаланади”, деб урғулайди адабиётшунос Абдулла Улуғов¹⁰⁹. Адабиётшунос тўғри таъкидлаганидек, она ватан ҳақидаги шеърлар куруқ таъриф ва тавсифлардан, жимжимадор сўзлару баландпарвоз иборалардан иборат бўлса, у киши қалбига таъсир қилмайди. Ватан ҳақидаги шеърларда, аввало, шоирнинг ички кечинмалари соф ва табиий туйғулари ва муҳаббати самимий ифода этилиши лозим. Шунинг учун бўлса керак, ватан ҳақида ёзилган минглаб шеърлардан бармоқ билан санарлиги халқ орасида шуҳрат қозонган.

Бу йўналишда Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Миртемир, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Сирожиддин Саййидлар қаторида Муҳаммад Юсуф ижодининг ҳам алоҳида ўрни бор. Адабиётшунос Нўмонжон Раҳимжонов Муҳаммад Юсуф шеърляти ҳақида шундай мулоҳазаларни баён қилади: “Биргина XX аср шеърлятининг тарихий тараққиёт босқичларини кузатадиган бўлсак, айтайлик 30–60-йиллар ёки 80-90-йиллар ўзбек шоирларининг фольклор образларидан ижодий фойдаланишда бир-биридан ажралиб туришларини кўриш мумкин. Бу нарса, аввало, бадий эстетик талқин борасида воқеъ бўлади.

... От, Қушча, Дарахт, Аждар, Пари ва бошқа образлар талқинида инсоннинг жамиятга, табиатга муносабати масалалари, рухий дунёси манзаралари, Олам ва Одам сир-синаотлари силсиласи бетакрор маънолар, ранг ва бўёқлар, ғоя ва оҳангларда тажассум топади”¹¹⁰. Бу фикр исботи учун шоирнинг “Ватаним”, “Халқ бўл, элим”, “Тавалло”, “Андижон”, “Самарқанд”, “Ўзбекмомо”, “Изҳори дил”, “Ўзингдан қўймасин, халқим”, “Ўзбек”, “Бободехқоним”, “Ҳайрат”, “Гдлян”, “Она тилим”, “Ўзбекистон” каби ўнлаб баланд рух, жўшқин эҳтирос ва айрича самимият билан ёзилган

¹⁰⁹ Улуғов А. Ватан – жон ва тан. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2008. -Б. 11.

¹¹⁰ Раҳимжонов Н. Муҳаммад Юсуф лирикасида фольклор анъаналари ва бадий образлар индивидуаллиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2004. № 5. - Б. 19.

шеърларини эслашнинг ўзи кифоя қилади. Зероки, улар бугун мутахассисларнинг ҳам, шеърят мухлисларинининг ҳам кўнглини бирдай забт этган.

Шоир ватанга анъанадаги меъёрлар, сийқаси чиққан қолиплар билан ёндашмайди. У шеърятимизда ҳозиргача давом этиб келаётган анъанага кўра ватанини севиши, унда қандай гўзал табиат манзаралари, буюк инсонлари борлигини қуруқ санаб, асар охирида жонини фидо қилишини айтиш билан чекланмайди. Балки ватанни қандай севишимиз, Ўзбекистон аталмиш қутлуғ замин шоир ҳаётида қандай аҳамиятга эгаллигини содда, жайдари тилда ифодалайди. Шоирнинг топилмаларини такрор таъкидлаш лозим:

“О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга!..”¹¹¹

Шоир ватанни, аввало, ота ва она туғилиб ўсган макон сифатида эътироф этади. Ота-она қанчалик меҳрибон, жонкуяр, фидойи бўлса, ватан ҳам шу мақомда туради. Одам ота-онасини бировларга алиштиролмагани, бировнинг ота-онаси билан қиёслолмагани каби ватанни ҳам бошқа мамлакатларга, ҳаттоки, у Римдек қадимий, қудратли ва пурвиқор бўлмасин, алмаштириб бўлмайди. Бу ерда қўлланган бадий муболаға шеърнинг таъсир кучини, эмоциясини оширган.

“Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,
Ё худбинман ё бир содда касман ман,

¹¹¹ Юсуфов М. Сайланма. –Тошкент: Шарқ НМАК, 2012. - Б. 267.

Парижнинг энг гўзал ресторанларин,
Битта тандирингга алишмасман, ман”¹¹².

Аслида, миллий шеърятимизда тандир, ресторан сўзларини истеъмолга киритиш, улардан рамз сифатида фойдаланиш шу пайтга қадар кузатилмаган эди. Шеър, мавзу ғояси жиҳатидан ватан мавзусида ёзилган кўплаб шеърларга ўхшайдигандек туюлади. Аммо топилмаларнинг оригиналиги, ташбеҳларнинг янгилиги, оҳорлилиги, рамз ва тимсолларнинг бетакрорлиги, поэтик тафаккурнинг янги шакллари шеърнинг муваффақиятини таъминлаб берган. “Умуман, шоир (Муҳаммад Юсуф назарда тутилади – З.П.) шеърятида халқимизга хос ҳаётсеварлик, деҳқонча рух, тантилиқ, чапанилик, халқона донишмандлик, соддалиқ, майин лиризм, шўхлик каби хислатлар бир-бирига омухта бўлиб ранго-ранг манзаралар ҳосил қилади”¹¹³, деб ёзади Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али.

Ватан қиёсига, унинг таърифига бағишланган шеърлар жуда кўп. Аммо бадиий жиҳатдан юксак, фавкулудда қуйма топилмалар, оригинал ташбеҳларга бой, мазмунан мукамал ва ватанга муҳаббат туйғулари самимий ифодаланган, пировардида, халқ қалбидан ўрин олиб, унинг бебаҳо маънавий мулкига айланган шеърлар бармоқ билан санарлидир.

Ўзбек адабиёти, хусусан, XX аср шеърятида ватан мавзусида юксак даражадаги шеърлар ёзиш, ватанни бадиий идеал даражасига кўтариш, самимий ва оҳорли кечинмаларини халқ қалбига яқин тарзда етказиш Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповдан кейин, ҳеч шубҳасиз, Муҳаммад Юсуфга насиб этди.

Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева шоир ижодида, хусусан, унинг ватан ҳақидаги шеърларига баҳо берар экан: “Ахир ким Сиздай мустақилликнинг илк аёзли даврларидаёқ “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон”, деб кураш майдонларига туша олган эди. Ким элга, юртга

¹¹² Ўша манба, -Б.267.

¹¹³ Юсуфов М. Сайланма. (Китобга ёзилган Муҳаммад Алининг “Шоирнинг сони тинмайди” сўзбошиси) – Тошкент: Шарқ, 2014. - Б. 13.

меҳру муҳаббатини шу қадар содда, шу қадар суюкли айта олган эди. Мен агар биз Сиздан Ватанни севишни, ёрни севишни, ардоқлашни, асрашни ўргандик десам, бу сўзимда қилча муболаға йўқ!¹¹⁴”, дея тўхталиб ўтади.

Муҳаммад Юсуфнинг ватан ҳақидаги шеърларида самимийлик, беғуборлик, ажиб бир майинлик кўриниб туради. У ватани суратини жуда ҳам тиниқ рангларда, ёрқин ва ўзига хос шаклда ифодалайди. У ватанга улуғ бир кадрят сифатида қарайди. Шоир ватанга меҳрини қуруқ тавсифлар билан уни шунчаки мадҳ этиш билан чекланмайди. Балки унга кенг миқёсда ёндашади, унинг тарихи, бошидан кечирган турфа кечмишларни алам ва изтироб билан ҳассос бир эҳтирос, болаларча куюнчаклик билан баён қилади. Мазкур шеърларда оташин муҳаббат, ғурур, фахр, фидойилик туйғулари билан, бирга узоқ ва яқин ўтмишда мамлакатнинг бошига тушган савдолар, унинг объектив ва субъектив омиллари, фожиа ва хиёнатларнинг асл сабабчиларига нисбатан чексиз нафрат, алам, надомат, афсус оҳанглари қоришиб кетади.

“Сен Машрабсан,
Халқда тумор,
Балхда дорга осилган,
Навоийсан, шоҳ ёнида,
Фақирни дуо қилган,
Яссавийсан, меники деб,
Кўринган, даъво қилган,
Минг бир ёғи очилмаган
Кўриғимсан Ватаним.

Сен Хўжандсан Чингизларга
Дарвозасин очмаган,
Темур Малик орқасидан

¹¹⁴ Юсуфов М. Сайланма. – Тошкент: Шарк НМАК, 2012. - Б. 277.

Сирдарёга сакраган.
Муқаннасан қорачиғи
Оловларга сачраган
Широқларни кўрган чўпон –
Чўлиғимсан Ватаним...”¹¹⁵

Шоир бир шеър жараёнида халқ тарихининг олис манзилларига юзланади, бу заминда ўтган буюк алломаларнинг фожиали тақдири, аянчли кечмишидан огоҳлантиради. Шеърин мисраларида шоир талмеҳ санъатидан унумли фойдаланади. Маълумки “талмеҳ” арабча сўз бўлиб, “чақмоқ чақилиши”, “бир назар ташлаш” деган маъноларни англатади. Шоир бунда ўз шеърларида машҳур тарихий ҳодисалар, тарихий шахслар, алломаларнинг номларини келтиради. Шунга назари тушган ўқувчи шеър моҳиятинини, бу ўринда қандай маънога ишора қилинаётганини теран англайди. Муҳаммад Юсуф шеърдан олинган юқоридаги кўчирмада Яссавий, Навоий, Машраб, Темур Маликларга шу санъат қамрови доирасида мурожаат қилади. Улардан ватанни улуғлаш учун фойдаланади.

Шу билан бирга, халқнинг халқ бўлиши, миллатнинг яхлит бир миллат бўлиши учун ички бир бутунлик, ички бир маънавият, руҳий мукамаллик бўлиши кераклигини таъкидлаётгандек бўлади.

“Ўтган кунинг ўтган кундир,
Ўз бошингга етган кун.
Қодирини берган замин,
Қодирини сотган кун.
Қўлин боғлаб, дилин доғлаб,
Етаклашиб кетган кун,
Воҳ болам, деб айтолмаган,
Дудуғимсан, Ватаним.

¹¹⁵ Юсуфов М. Сайланма. – Тошкент: Шарк НМИУ, 2014. - Б. 18-20.

Ёнингда қон йиғлаган бир
Шоирингга қараб қўй,
Гар Қўқонга йўлинг тушса,
Детдомларни сўраб қўй.
Ҳеч бўлмаса, Усмон хокин
Келтирмоққа яраб қўй,
Олисларда қуриб қолган
Қудуғимсан Ватаним...”¹¹⁶

Шоирга замондош бўлган яна бир шоир Сирожиддин Саййид ижодида ватан мавзуси “ВАТАН” сўзининг ўзи ҳам фалсафий-рамзий тимсоллар билан уйғун равишда улуғланади. Унинг айниқса, ватан тўғрисидаги шеърларида унга бўлган чексиз муҳаббат, бу азиз юртнинг муқаддас қадриятлари, азалий анъаналари, миллий ўзига хосликларига ҳурмат, бу тупроқда улғайган буюк устозларнинг руҳига эҳтироми билан бирга, унинг бу талқиндаги шеърларида фалсафий руҳ, фалсафий мушоҳада яққол сезилиб туради. “Фалсафий мушоҳада ўз-ўзидан шеър бўлолмайди. У шоир қалбидан ўтиб, шоир ҳаяжонлари, шоир туғёнлари билан жонлангандагина таъсир этиш қобилиятига эга бўлади”¹¹⁷. У оламнинг турли меъёрларига, азал ва абадият муаммоларига эмоционал муносабат билдиради; эстетик баҳо беради, образли “жавоб” қайтаради, ўзининг поэтик ҳукмини чиқаради, яъни уларни қайтадан яратади¹¹⁸.

Бу ҳолат Сирожиддин Саййиднинг ватан ҳақидаги шеърларида, айниқса, кўпроқ намоён бўлади.

“Очсанг давронларнинг китобларини
Қанча карвонларнинг эртаги бордир”.
Тингла доноларнинг хитобларини

¹¹⁶ Юсуфов М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМИУ, 2014. - Б. 18-20.

¹¹⁷ Ғафуров И. Лириканинг юраги. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. -Б. 186–187.

¹¹⁸ Акрамов Б. Шеърят гавҳари. –Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 1979. - Б. 90.

Эгаси бор юртнинг – эртаси бордир¹¹⁹.

Ёки “Илинж” шеърида:

“Менга қадим минорлардан бир сас этар,
Шул сас менинг кўнглим охир серфайз этар,
Менга дунё керак эмас, бир хас етар,
Яссавийлар ётган азиз ерларингдан”¹²⁰,

деб ёзади.

Инсон зоти ҳамиша ўзида йўқ нарсаларга талпинади. Гарчи ўзида кучоқ-кучоқ гуллари, ботмон-ботмон бахти, беҳисоб бойликлари бўлса-да, ўзга дунёдаги кўзига ярқ этиб кўринган нимадир уни барибир тинч қўймайди. Гўёки ҳамма бахт ва роҳат манбаи ўзида жо бўлгандек, тинимсиз бағрига чорлайверади.

Юракдан чиққан сатр юракларни забт этади. Бу борада шоир жуда юксак ижодий чўққиларни забт этган. Шоирнинг бутун жисми, жисмининг ҳар бир ҳужайрасигача ватанга айланган. У Ватанни Абдулҳамид Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф талқинидан ўзгачароқ талқинда, ўзгача муҳаббат билан куйлайди. У бу туйғу тасвирида сохта кўтаринкилик, мадҳиябозлик, шаклбозлик йўлидан бормайди. Шоир Нодар Думбадзенинг “Янгули”сидек, Расул Ҳамзатовнинг “Менинг Доғистоним”идаги лирик қаҳрамондек севади ўз масканини Р.Ҳамзатовнинг она ватани, “Доғистон” сўзи кўпларни ўзига мафтун этган бадиий образ ҳолатига келган. “Овулим, тоғларим, Доғистоним. Хаёлларим, туйғуларим, истакларимнинг ошиёни мана шу ер. Мен ўзим шу ошиёндан темирқанот бўлиб учиб чиқдим. Қўшиқларим ҳам шу ошиёндан парвоз қилган. Доғистон менинг масканим. Доғистон менинг бешигим. Шундай

¹¹⁹ Саййид С. Бугдойбўй ватан. –Тошкент: Фафур Фулом НМИУ, 2011. - Б. 58.

¹²⁰ Ўша манба. - Б. 64.

экан, ўйлашнинг фойдаси борми? Тоғликлар кўпинча ўғлига бобосининг исмини кўяди. Китобим – менинг фарзандим. Мен эса Доғистоннинг фарзандиман. Демак китобимнинг номи – “ДОҒИСТОН”. Бундан ҳам мос, бундан ҳам чиройли, бундан ҳам аниқ ном бўлиши мумкинми? Элчини машинасидаги байроқчадан танийдилар. Китобим – менинг ватаним”¹²¹. Шоирдаги бундай ғурур, фахр ва ифтихор бирдан ўқувчи қалбига кўчиб ўтади. Замонавий ўзбек шоирлари, айниқса, истиқлол йиларида ўз ижодининг бутун бўй-басти билан кўринган Сирожиддин Саййид каби шоирларда ҳам шундай самимий, мағрур мисралар кўп учрайди:

“Баҳрайн сувларига чайдим юзимни,
Насимлар эдилар илиқ, арабий.
Бир осмон тўлдириб келди кўксимни,
Ватан қолар экан, ватан абадий.
Не зотлар ўтдилар Ватандан айро,
Севинчи савдою соғинчи саҳро.
Кўксимни тўлдириб келди бир дарё
Ватан қолар экан, ватан абадий.
Ким ахир бу даҳри дундан ўтмагай?
Ким ахир бир куни асо тутмагай?
Тандан жон кетар, лек Ватан кетмагай,
Ватан қолар экан, Ватан абадий”¹²².

Шоирнинг эътирофича, ватан дунёдаги жамики борлиқни ташкил қилади. “Ватан – Ватандан бошланади. “Жон Ватан” сўзини бўғинларга бўлиб кўринг-чи: “Жон ва тан” келиб чиқади. Шундоқ шарҳлаш мумкиндир, лекин Ватан шарҳланмайди. Яна, бизнинг Ватан ичра ватанларимиз бор. Булар – Бухорийларимиз, Термизийлару Яссавийларимиз, Навоий билан

¹²¹ Ҳамзатов Р. Менинг Доғистоним. – Т.: “Шарқ”, 2011. -Б.84

¹²² Саййидов С. Бугдойбўй Ватан. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2011. - Б. 69.

Бобурларимиз, Қодирий ва Чўлпонларимиздир. Улуғларимиз, кичикларимиз, оналаримизу гулгун ўғил-қизларимиздир”. Шоир ватанини атроф-теваракни ўраб турган бутун бир борлиқ сифатида тасаввур қилади ва ҳеч нарса бу борлиқдан айро эмас. Шоирнинг ижодий концепцияси шу асосга қурилган. Унинг ижод йўли, бетиним изланишлари самараси ўлароқ шуни айтиш мумкинки, ватан образи шоир ижодидаги энг катта топилмадир.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов “Ўзбекистон ватаним маним” номли шеърида “Шоирлар бор ўз юртин бироқ, Олам аро атаган танҳо, Фақат ожиз қаламим маним”, дейди. Шоир ҳам устоз шоир изидан эргашиб, ҳар доим ватан мадҳи учун сўз излайди, унинг қиёсини, ўхшашини тополмайди. Бу борада Ҳамид Олимжон “ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон” дея ватан суратини олтин бўёқлар билан чизиб кетган бўлса, Абдулла Орипов эса “Қиёсингни топмадим асло” дея бу бадиий ҳодисани янада чуқурлаштиргани ҳаммага аён ҳақиқат. Шоир Сирожиддин Саййид эса:

“Боболарим хокини мен
кўзларга суртай,
Дилимдаги энг муқаддас
сўзларга суртай,
Онамдайин азиз нону
тузларга суртай,
Озод бўлган оятларин
Кўзларга суртай,
Ўз юртига қайтиб келган
Қуръоним ватан”,

деган мисралари билан бу муқаддас заминнинг қиёсини топишга уринади. Табаррук ҳадисларда “Хуббул ватан мин-ал иймон”, яъни “Ватанни севмак иймондандур”, дейилади. Демак, ватан туйғуси иймон туйғуси сингари азиз, пок ва жуда муҳим туйғу саналади. Уни иймон қадар тушуниш,

иймон қадар севиш, унга иймон қадар талпиниш бу ҳикматда ўз ифодасини топган. Шу сабабдан шоир ватанни дунёдаги энг улуғ мўъжиза – муқаддас Қуръони Каримга қиёслайди. Ватан образи шоирнинг шеърий мисралари тийнатида келиб чиқади.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ватан ҳақида ёзар экан, “Юртим адо бўлмас армонларинг бор, тошларни йиғлатган дostonларинг бор” деганича чуқур куюнади. У миллатимиз тарихида рўй берган босқинчилик, мислсиз қурбонликлар ва бу ҳаракатларнинг ортидан миллат бошига тушган қора кунларни эслаб “ўтмишингни эслаб оғрийди жоним”, деса, бу ҳодисаларга нисбатан Сирожиддин Саййид:

“Қондош бўлиб қўшилмаган қони айро,
Тўраларин ўз элидан нони айро,
Асрларким йиғлаб ўтди икки дайро,
Ярми фарёд, ярми афғон юрт эди бу.
Надир миллат қудратининг тамаддуни,
Амир Темур ҳайкалидан сўранг буни,
От миндириб ким қайтарди юртга уни,
Жаҳонгири бехонумон юрт эди бу”,

деб ўз муносабатини билдириб ўтади.

Адабиётшунос олим Абдулла Улуғов “Ватан – жон ва тан” номли китобида шоир Сирожиддин Саййид шеъриятидаги ватан мавзусидаги шеърларни таҳлил қилар экан, улар ижодкорнинг индивидуал табиати билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди. Олим ижодкорнинг бу мавзудаги шеърларини Чўлпон, Ҳ. Олимжон, Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Орипов, Э. Воҳидов, Р. Парфи, У.Азимларнинг шу йўсинда ёзган шеърлари қаторида кўради ва уларнинг халқона ва табиий жиҳатларига ўзининг ижобий баҳосини беради.

Икром Искандар, Гўзал Бегим, Гулжамол Асқарова, Шодмонкул Салом, Нодир Жонузоқ, Носир Жўраев, Беҳзод Фазлиддин ва бошқа ёш

шоирлар ижодини кўздан кечирар экансиз, уларда ҳаёт ҳақиқати бор бўйи билан акс эттиришига ҳаракат қилинганлиги, туйғуларнинг рангинлиги ва бўёқдорлиги, тасвирдаги маҳорат алоҳида кўзга ташланади.

Дунё ҳикматларга тўла. Туғилишнинг илк лаҳзасидан бошлаб то умрнинг сўнггигача ҳикмат ва тасодифлар тўри билан ўралган бу дунёда инсон худди ўргимчакдек шу улкан қобиқнинг ичида яшайди. Ҳаётдан ҳикмат топа олиш, англашга уриниб яшаш йўли инсонга маънавий озуқа берадиган, руҳий эҳтиёжини қондирадиган, уни ижодга ундайдиган йўлдир. Бу ҳикмат хазинаси, айниқса, адабиёт ва санъат орқали кўпроқ кашф этилади. Шеърят эса бошдан-оёқ илоҳий ҳикматлар хазинасидир. Ҳар бир ижодкор мана шу улкан хазинадан ўзига хос ҳикмат, ҳақиқат топади.

“Тақдирда бор экан омадли имкон, дил истар оқимга бориб қўшилдим” сатрлари муаллифи шоир Ўткир Раҳмат шеърларини ўқир экансиз, шоирнинг ҳаёт ва табиат оламини кенг ва тугал идрок этишига, дунёга, теварак-атрофда юз бераётган воқеликка уйғоқ нигоҳ, янгича пафос билан назар солаётган ижодкор эканлигини амин бўласиз. Шоирнинг болалиги кенг далалар бағрида кечганлиги сабабли у қишлоғини, қиру адирларини, шу табиатга хос тантидил, дўлвор, самимий инсонларни севади. Шунинг учун шу мавзулардаги шеърлари анча дилга яқин. Ушбу китоб мутолааси давомида ўқувчи ўзини она қишлоғи бағрида шодон кезаётган, тиниқ булоқлардан қониб тиниқ чашмалар ичаётган, зилол ирмоқлар бўйида ястаниб зангори осмон кенгликларини кузатаётган, бир-биридан самимий инсонлар, меҳрибон ва мушфиқ оналару тиниб-тинчимас опа-сингиллар билан ширин суҳбат кураётгандек ҳис қилади. Бу севги тараннуми табиат манзараларига кўчса, шоир айниқса, жўшиб кетади. Шоир қалбида табиий пафос уйғонади. Шоир табиат ва инсон ўртасидаги табиий уйғунликни, ажиб симфонияни ўзгача нигоҳ билан кузатади, унда рўй бераётган турфа жараёнлардан бетакрор ва фавқулодда хулосалар чиқаради. Шунинг учун ҳам у чизган тасвирлар куймалиги, ўхшатиш ва метафоралар янгилиги, оригиналлиги билан ажралиб туради. У “Тонг” шеърида тонгни: Тонг – ҳали гард тегмаган чечак,

Чақалоқнинг тамшанган лаби... дея тасвирлайди. Одатда инсон эрта сахарда уйғониб далаю боғларни, ям-яшил либослару биллур шудрингларга тўлган адирларни кезса, вужудида ажиб бир енгиллик, тозалик ҳис этади. У ўзини худди янгидан туғилгандек ҳис қилиб, келажак оқимиға ўзгача шиддат билан интилади. Ўткир Раҳмат ана шу мовий тонгни эндигина уйғонаётган чечакка, беозоргина тамшанаётган чақалоқнинг лабига менгзайди. Бу тасвирни ўқигач ўқувчи қалбига ажиб бир орзиқиш, ширин энтиқиш, вужудига эса титрок югуради. Ахир дунёдаги энг бокира хилқат бўлмиш гўдакнинг ширингина тамшанишини ким жимгина кузата олади. Ёки шоир “Осмон” шеърида: Қор ёғмоқда майда-майда, Дардин айтиб осмон бўзлар. Гўё қийқим қоғозларда Юрак дардин ерга сўзлар. Балки ёниб ошиқлардай Ёрга мактуб битади у. Жўнатишга журъат этмай, Сўнг парчалаб йиртади у... каби фавқулодда янги поэтик тасвирлар яратади. “Асл ижод бузилган мувозанатдир¹²³. Дунёдаги бирорта шоир руҳий мувозанатдан чиқмай туриб, ҳали бирорта тузукрок шеър ёзолган эмас. Мувозанатдан, яъни рисоладаги одамларда бўладиган руҳий ҳолатдан чиқиш ҳар бир ижодкорда ўзгача кечади. Лекин деярли барча ижодкорларнинг ҳам қалби яланғоч, ҳимоясиз, рўй берган ҳодисани борлигича қабул қилади, ундан таъсирланадиган бўлади¹²⁴. Ўткир Раҳмат поэзиясида шундай мувозанатларнинг бузилиши тасвирлари жуда кўп учрайди. Руҳиятдаги ўзгариш ва пўртаналар бевосита табиатдаги ҳодисалар орқали тасвир чизиғига тортилади. Шеърятимизда осмоннинг кўз ёшлари ёмғирга айланиши, булутларнинг ёш тўкиши каби ташбеҳлар кўплаб учрайди. Аммо маҳбубасига аталган мактубини ёрига жўнатишга журъат этмай, уни майдалаб йиртиши, шу қоғоз қиймалари эса қор парчалари бўлиб ерга тушиши каби поэтик тасвирлар киши бадий-эстетик дунёсини бойитишга хизмат қилибгина қолмай, балки ушбу ҳодисалар ҳақидаги бадий тасаввурларимиз тизимини кенгайтиради. Шоир ҳаммамизга оддийгина кўринган қор ёғиши жараёнининг ўзидан кутилмаган картина

¹²³Адабий тур ва жанрлар. –Тошкент: Фан нашриёти, 1991.

яратади. Бу картинада айтиш мумкинки, драмага хос кенг камровли сюжетнинг айрим белгилари кўринади. Шоирнинг “Қор – оқ чойшаб ёпинган борлик, Оппоқ тушлар кўйнида ётур. Ҳовучлари тўлиб дарахтлар, Офтоб томон қор тутаётир”, “Дарахтлар хурпайган қушларга ўхшар”, “Шу ўтли нигоҳ учун нафас олмоқнинг ўзи, Бинафшадай умрда, Ҳаёт берган мукофот”, “Кўзларимдан сачраб ўтли нур, Дарвозангга бориб санчилур”, “Жилға ҳам уйғонди секин милдираб, Болакай мисоли чопди пилдираб”, “Бозор – гўё арининг уйи” каби киши эстетик дунёсини янги образлар, янги талқинлар билан бойитадиган, ўзга ижодкорларда учрамайдиган юзлаб ташбеҳларни санаш мумкин. Бадиий олам, у санъатнинг қайси турига тааллуқли бўлмасин, оламни образли тафаккур асосида идрок қилади. Ҳаёт ҳақидаги тасаввур ва идроклар йиғиндиси тасвири ижодкор тили орқали амалга оширилади. Шу тариқа адибнинг ижодий услуби шаклланади. Шоир шеъриятда ўз услубини ярата олган, ўзлигини сақлай олган ижодкордир. Шоирнинг қалби ўз қалбига, ўз шуурига, ўз борлиғига чўқиб кетади. Ўзлик ва борлик уйғунлигидан пайдо бўлган поэтик манзара чуқур лирик пафос билан йўғрилади. Бу борада тўхталар экан, таниқли рус адабиётшуноси Юрий Борев шундай таъкидлайди: Булар: “Мен ва мен”, “Мен ва сен”, “Мен ва биз”, “Мен ва ҳаммамиз”, “Мен ва ҳамма ёқ”, “Мен ва борлик”¹²⁵. Ўткир Раҳмат шеърларида “ўзлик” тушунчасига жуда кўп тўхталади. Унинг ўзлиги эса шеърларидаги Ватанга, у туғилган қишлоқ, ижтимоий муҳит, анъана ва қадриятларга содиқлик, сўзга садоқат, ҳаётга нисбатан мустақил ёндашувларда кўринади¹²⁶. Шоир ўз қаҳрамонларини доимо оддий одамлардан танлайди, ўз ижодида содда, самимий ва ҳалол одамларнинг дарду изтиробларини ёритишга интилади. Айниқса, шоирнинг “Ташвиш ҳақида ўйлар” номли туркумида бу ҳолатни яққол сезишимиз мумкин. Бу туркумдаги шеърларда шоир ҳаётнинг бугун тўлалиги, гўзаллигу фожиалари билан ҳамоҳанг тарзда тасвирлайди. Ўн икки қисмдан иборат бўлган бу

¹²⁵ Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1955. –Б.184.

¹²⁶ Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013.

туркум йилнинг гўё ўн икки фаслини ёдга солади. Ҳаётда ҳар нарсани ўз оти билан аташ, ортиқча дабдаба, жимжима ва хаспўшлашга уринмаслик шеъриятга, сўзга садоқатни, эътиқодни белгилаб беради. Ўткир Раҳмат шеърларида ҳамма нарсани ўз номи билан аташга интилади, қолаверса, у сохта мадҳиябозликдан, кўр-кўрона таърифлардан ўзини олиб қочади¹²⁷.

Тирикликнинг эгнида ямоқ,
Сукут сақлар кексалар уйи.
Бунда хаёл “онажон” демоқ,
Эшикларни кўзлар кун бўйи.
Маша хола яшар бепарво,
Тақдирига тан берган нола.
Ўз уйига сиғмади ахир,
Чидолмайди Маъсуда хола.

Бу шеър “Ташвиш ҳақида ўйлар” туркумидан олинган. Меҳрибонлик уйидаги ғариб манзаралар ҳақида тасаввур уйғотувчи бу мисраларда ҳеч қандай панд-насихат, ақлбозлик руҳи йўқ. Шоир ҳеч кимни оқламоқчи ҳам, қораламоқчи ҳам эмас. Шеърда чизилаётган ёлғизлик картинасининг ўзи “кийимларига ямоқ тушган бу тириклик” дунёсининг аянчли манзаралари ҳақида ўйлашга, маълум бир кайфият уйғонишига, инсон умри ҳақидаги хулосага келишга асос бўлади. Профессор Умарали Норматов шоир шеърлари ҳақида тўхталар экан: “Энг муҳими, шоир шеърларида манзаралар ҳамиша ҳаракатда намоён бўлади, бу хил ҳаракатлар силсиласи эса беихтиёр шоир қалбида акс-садо беради, бу жараённи ўз қалби туғёнларига, инсон қалби манзараларига қиёс қилади; шоир ҳеч қачон фалсафа сотмайди, ўқувчига ақл ўргатмайди, уни нималаргадир даъват этмайди, сатрлар қаъридан ўз-ўзидан табиий равишда қандайдир ўгит, фалсафа келиб чиқаверади¹²⁸”, дея баҳо беради. Таниқли немис олими Казимир Эдшмид

¹²⁷ Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент, 1980.

¹²⁸ Литературный энциклопедический словарь. – М.: 1987. -С.185.

“Поэзияда экспрессионизм” асарида “...дунё фақат руҳонийдир ва уни ҳодисалар орқали англаш мумкин эмас”¹²⁹, дейди. Ўткир Раҳмат дунёни жимгина кузатади, мана шу кузатувлар асносида оҳангли, теша тегмаган, силлиқ ташбеҳлар, мазмундор мушоҳадалар туғилади. У “Юрак” номли шеърда юракни ўз-ўзига ўқлар қадовчи, ўзини ўзи маҳв этувчи ва мана шу зиддиятли ҳодисалардан тириклик элексирини ўзида жамловчи ҳодиса сифатида эътироф этади. Шеърнинг сўнгги сатрларидаги хулосада эса бу фикрлар умумийлашади. “Лек кашфиётларинг бир куни келиб, Сифмайин қолади бутун оламга” дейди¹³⁰. Шоирнинг эстетик идеали бу ҳаётнинг чексиз умидбахшлиги, табиат ва инсоният оламининг мукамаллиги ва гўзаллигидан олинган хайратлар тасвирида яққол сезилади. Умр – Тангри томонидан берилган лаҳзали имкон, шу имкон доирасида У яратган гўзаллик ва ҳикматларни ҳис қилиш, англаш ва севишни ўрганиш керак, деяётгандек бўлади шоир. Ҳар бир шоирнинг ўз услубига хос оҳанглари, қалбига яқин рамз ва образлар бўлади. В.Белинский айтганидек, “лирик асарнинг мазмуни объектив воқеанинг тараққиёти эмас, субъектнинг ўзи ва у орқали ўтган ҳамма нарсадир... кишини машғул этган, тўлқинлантирган, шодлантирган, қайғуга солган, завқлантирган, тинчитган, ҳаяжонлантирган нима бўлса, қисқаси, субъектнинг маънавий ҳаётини ташкил қилган ҳамма нарса, субъект ичига нима кирса, унда нима пайдо бўлса, шуларнинг барчасини лирика ўзининг қонуний бойлиги каби қабул қилади”¹³¹. Шоир тириклик дунёсини бадиий тадқиқ этиш жараёнида кўпроқ “дарахт”, “қор” образларига мурожаат қилади. Унинг шеърларида дарахт гапиради, йиғлайди, осмонга қор тутаяди, пинагини бузмай ҳаётни кузатади, дунёнинг бор ёмғиру қорига (дарду азобига) кўксини тутиб беради.

Автолардан кўзини узмай,

Кўйлаги кир боладай ҳайрон.

¹²⁹ Тоғаев О. Тасвир ва муддао // Шарқ юлдузи, 1981. №11.

¹³⁰ Норматов У. Нафосат гурунглари. – Тошкент, “Мухаррир”, 2010. -Б.151.

¹³¹ Раҳматов Ў. Сайланма. “Шарқ” НМАК, 2010. -Б.16.

Йўл четида пинагин бузмай,
Тик турибди дарахтлар ҳамон.
Барг – юзини ювмайди ҳеч ким,
Бировнинг бир бунда иши йўқ,
Кеч бўлди деб қувмайди ҳеч ким,
Уйга юр деб айтар киши йўқ!

Шоир бировни сотмайдиган, пинҳона тош отмайдиган, ёлғиз бўлса-да, аммо мағрур, ўз эътиқодида собит дарахтларни севади. Ўткир Раҳмат уларга таъзим қилмоқни ўзи учун бахт дея билади ҳамда одамзод наслини мукамал кўриш истагида бўлган ижодкор инсонларни дарахтни севишга, ардоқлашга ва улардай яшашга ундайди.

Дарахтлар мақтанмайди,
Нола қилмайди ҳеч ҳам.
Қаддин бири рост тутса,
Қай бирининг боши ҳам.

Биз ҳамиша табиатда рўй берадиган қандайдир ўзгариш, янгиланишларни аввало дарахтлар орқали билиб оламиз. Улар яшиллик бурканса баҳор, қийғос ғунча очса Наврўз, мевалари хил-хил пишса ёз, барглари тўкила бошласа куздан даракдир. Аммо лирик қаҳрамон дарахт тасвирида бу омилларга бирламчи аҳамиятни қаратмайди. Балки, инсоният қалбига хос турфа муаммолар, инсонлараро жумбоқлар, одамларга хос бир-бирини тушунмаслик, ҳасадгўйлик, мансаб ва нафсга тобелик иллатлари танқид қилинади.

Изғирин тўксин захрин,
Қор, ёмғир ёғсин беҳад.
Сабр бор, қаноат бор,
Букилмайди ҳеч бир қад.

Ғийбат нима билишмас,
Мақтанчоқлик йўқ ҳеч ҳам.
– Ҳар бир дарахт бир дунё,
Ҳар бир дарахт бир олам.

Ўткир Раҳмат шеърларида инсон қалби ва руҳини табиат ҳодисалари билан вобаста тасвирлаш билан бирга драматик вазиятлар ҳам кўпроқ ўрин олган. Устоз шоир А. Орипов эътироф этганидек, “Шоир табиат билан кадрдон дўст сингари сирлашади, энг муҳими, у билан тиллаша олади. Шу маънода, Ўткир Раҳмат чин маънодаги табиат ошиғи сифатида тасаввур уйғотади¹³²”, деганидек, унинг шеърларида манзаралар, онгида янгилиниш, тозариш кечаётган лирик қаҳрамоннинг осуда ҳаракати сезилади. “Лирик қаҳрамон – шоирнинг шеърдаги образи, муаллиф тафаккурини англатишнинг воситаларидан бири”¹³³ экан, бу ҳолатнинг бадиий ифодаси Ўткир Раҳмат лирикасида асосий йўналишни белгилайди. Ёзувчи Пиримқул Қодиров “Тоҳида шеърини ўқиб, ўйлаб қоламан, агар у насрда ёзишга жазм қилганда, ундан ажойиб адиб чиқарди. Албатта, Ўткиржон тасвир ва ҳиссиётни бир-бирига боғлаб, ундан инжа образларни, теша тегмаган шеъррий сатрларни яратишга уста. Лекин унинг шундай “прозаик” шеърлари ҳам борки, уларда воқеа, қаҳрамоннинг ички дунёси ҳамда шоирнинг қалби тўлқинсимон туташади, ўқиган киши олам ва одам дунёсининг оддий, шунинг билан бирга мураккаб қирраларини таъсирланиб юрагидан ўтказади”, дейди.

Оч бўридай увиллар бўрон,
Увиллайди қорга беланиб.
Турқи совуқ кимсадай гирён,
Ташқарида юрар эланиб.

¹³² Художественная рецензия и герменевтики. – М.: Наука, 1985.-С.212.

¹³³ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. -Б.363.

Бу пейзаж китобхон хаёлига хазонларни осмонларга чирпирак қилиб учираётган бўронларни, олислардан булутлар тўдасини қувлаб келиб, замин узра саватлаб қор тўкаётган табиат манзараларини ёдга солади.

Ҳазар қилган каби балодан,
Эшиқлар ҳам очилмас унга.
Оқ сочқилар сочиб ҳар ёндан,
Оппоқ кафан бичади тунга.
Терга ботиб ухлайди дарё,
Оғироёқ каби қир-адир.
Чекиб хаёл суради гўё,
Оқ пўстинли уйлар бирма-бир.

Бугунги ўзбек шеърияти турфа оҳанг, забардаст овозларга бой. Ҳар бир ижодкор ўз дунёқараши, ҳаёт ва инсон тўғрисидаги шахсий мулоҳазалари, фалсафий фикрлари билан шеърият уфқларини кенгайтишига муносиб ҳиссасини қўшади. Шоир Ўткир Раҳмат ҳам бу оламни ўзининг жўшқин, шаффоф қўшиқлари, киши кайфиятини тасвирлаган бетакрор поэтик лавҳалари, бетакрор лирик оҳанглари билан бойишига, адабиётда табиат ва инсон шахсига ёндашишнинг ўзгача шакл ҳамда тамойиллар билан ривожланиб боришига муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Шу билан бирга бу ёш авлод шоирлари ичида Шодмонқул Салом шеърияти бахшиёна оҳанглари, қайноқ эҳтироси, жўшқинлиги билан характерлидир. Шодмонқул Салом XXI аср бошларида ўзбек шеъриятига кириб келди ва адабий ҳаётда шеърият мухлисларининг диққатини ўзига тортди. Унинг шеъриятида оҳангдорлик, самимият ва рангинлик билан бирга халқ руҳининг тасвири, туйғуларнинг шиддати ва бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Унинг ҳиссиётлари селдай оқиб келади, унда фикрнинг залвори, тасвирларнинг қуймалиги, дард ва изтиробнинг чуқурлиги, ўзбекона соддалик билан бирга фалсафий ечимлар шоир шеърияти табиатини

белгилайди. Шоир шеъриятида ўзбек шеъриятининг узоқ йиллик тадрижи ҳамда тажрибалари жамланганлиги, шеърий шакл ва воситаларни қўллашда халқ тафаккури хазинасидан жуда кенг фойдаланилгани сезилади. Унда мумтоз шеъриятимиздаги оҳангдорлик ва кенг қўламлилиқ, фикрнинг чуқурлиги, шеъриятдаги ўзгача тасвирий ифодалар, шакл ва мазмундаги абстраклик синтезини кузатамиз.

“Муайян ташбеҳлари йўқ, содда, мисоли қизғин гаплашиб ўтиргандек юракка яқин ифодалар, лекин одамнинг ўйларини титиб, бошқатдан ўзининг кўйига солади, таниш-у, лекин жуда ҳам жозибали туйғуларга тортиб кетади. Янги халқона шеър ё модерн терма дегани балки шудир”¹³⁴, дейди шоир шеърияти ҳақида таниқли адиб Аҳмад Аъзам.

Халқ оғзаки ижоди материалларидан кенг фойдаланиш, ўз асарларида халқ поэтикаси тажрибаларини қўллаш халқ руҳиятини ифодалашга беқиёс хизмат қилади. Шу маънода Шодмонқул Саломнинг халқона пафосга эга шеърлари дostonдай ўқилади, кўшиқдек айтилади. Аммо тасвир ва ифодадаги ўзгачалиқ, содда ва оддий кўринган метафоралар қатидаги ботиний маънонинг кучлилиги, антитези ва паралелизмлари, композицион бутунлик киши эътиборини жалб қилади.

“Отамнинг сояси тоғларга тушди,
Онамнинг “оҳ”идан унди қизил гул
Бир нидо ярадор қуш бўлиб учди:
Бор бўлса, бир келсин Шодмонқул!”¹³⁵

Шодмонқул Салом ижодида шеъриятимиздаги оҳанг ва қарашлардаги ўзгаришларни, янгиланишларни кузатиш мумкин. Янгилиги шундаки, унинг шеърияти шарққа хос салобат ва қуюқ рамзийлик, ахлоқий қарашларининг устиворлиги билан характерланади. Инсон қалбига ўзгача нигоҳ, ўзгача

¹³⁴ Салом Ш. Мезон боғларига дилим боғладим. Шеърлар. – Тошкент: Тафаккур, 2011. № 4. - Б. 26.

¹³⁵ Салом Ш. Мезон торларига дилим боғладим. – Тошкент: Тафаккур, 2011. № 4. - Б. 30.

караш ва тасаввурлар, оҳанг ва шаклдаги ўзига хослик равонлик, чуқурлик ва бўёқдорлик бу шеъриятнинг йўналишини кўрсатади. Шодмонқул Салом шеърларидаги кишилар томонидан кўникилган, англаган сўзларнинг янги маъноси, ботиний моҳияти акс этади. Ҳар куни, ҳар соатда тилимизда айланаётган сўзлар ўзгача шакл ва моҳиятда намоён бўлади. Шоир шеърларининг интонацион композицияси, ифода тарзи бугунги янги дунёга кириб келган инсоннинг қалб тебранишларини, руҳий пўртаналарни ўзида ифодалабгина қолмай, ҳар бир инсон шахсиятининг моҳиятини очишга уринилган фалсафий кўримлар яратишга уринилади.

“Аммо умрим бошланмоғи шарт,
Тарқалмоғи зарур шум ғубор.
Тангрим, менинг кўзларимни арт,
Тангрим, мени уйғотиб юбор”.

Шодмонқул Салом табиат ва борлиқ тасвирида ўзгача рамзий тимсоллардан унумли фойдаланади. Бу тасвирларда лирик, сентиментал пафос кўриниб туради.

“Қўйдаи ўтлаб юрар туманлар,
Шитирлайди яшил-оқ ҳаво.
Чақмоқ эмас кўкни ёритган
Гулхан ёқиб исинар Худо”¹³⁶.

Бу сатрлар шоирнинг “Болалик” шеърдан олинган. Унда олам ва одам дунёсини, табиату самовотни идрок этаётган масъум болакайнинг борлиқ ва унинг яратувчиси ҳақидаги хаёллари берилмоқда. Бироқ шоирнинг охириги мисрадаги тушунчаси кўпчиликда эътироз уйғотиши ҳам мумкин. Чунки Яратувчи зот тўғрисида бундай ёзиш шарқ мусулмон одами ахлоқига тўғри

¹³⁶ Юкоридаги манба. -Б.28.

келмайди. Шу маънода замонавий шоирларнинг бевосита илоҳиёт билан боғланадиган тушунчалар таҳлил қилинган шеърларига танқидий муносабат билдириш ҳам ўринли бўлади.

“Гумбурлайди самонинг сатҳи
Қарсиллайди юрак – чилторим
Зўр қурилиш бўляпти кўкда –
Уй бошлабди Парвардигорим”¹³⁷.

Бир томондан бу тасвирни осмондаги булутлар чақини, момақалди роғу чақмоқлар шоир юрагига кўчиши, лирик қаҳрамон осмонда кечаётган жараёнларни Яратганнинг амалий ҳаракати сифатида тушунмоқда, деб таҳлил этиш мумкин. Иккинчи томондан, “Уй бошлабди Парвардигорим”, деб ёзишда ҳам шоир бир оз мулоҳаза қилиши лозим эди.

“Болаликда тутганим олтин,
Зумрад эди, жавохир эди.
Эй жўралар, ҳеч кимман ҳозир,
Болаликда зўр шоир эдим”.

Шодмонқул Салом сўзга эътибор беради, унинг шеърий мисраларидаги оддий сўзлар ҳам бадиий либос кийгандек туюлади. Сабаби Шодмонқул Салом қайси сўзни қайси ўринда қўллашни яхши билади.

Ҳар қандай инсон болалигида беғубор, тоза бўлади. Шодмонқул Салом шу туйғуларни қумсайди. Аслида бутун инсониятнинг болалиги, ер юзидаги ҳар қандай халқ ҳаётининг ибтидосида шундай гўзаллик, покизалик мавжуддир.

Болалик барча адибу шоирлар учун илҳом берадиган ва қайта-қайта мурожаат қилинадиган мавзу. Шодмонқулгача бу мавзу бадиий адабиётда

¹³⁷ Юкоридаги манба. -Б.28.

жуда кўп ишланди. Ўзбек адиблари асарларига “Болалик” (Ойбек) ёки шеърий тўпламларига “Болаликнинг овози” (Х.Даврон) деб ном қўйди. Болаликда эшитган сеҳрли сўзлар улғайгандан кейин ижодкор шууридан шеърга кўчади. Болалик пошшоликка қиёсланади. Беғуборлик, тўғрилиқ, тозалик болаликда бўлади. Болага дунё оппоқ бўлиб кўринади. “Кўча оппоқ, кечалар оппоқ” (Х.Даврон) тусида намоён бўлади. Айнан шу шоирнинг болалик тўғрисида ёзган бир шеърида умрнинг айнаи фасли жонлантирилади: “Довуччадек мўлтираб қолди, Қўшни боққа тушган болалик”. Бундай ҳол барчага бирдек болаликдаги шўхликларни эслатади. Аслида болаликнинг “довучча”га ўхшатилиб, боққа қўшилиши ҳам шоирнинг бадиий тафаккури сўз топишдаги маҳоратидан дарак беради.

Болалик учун турли ўхшатишлар бўлади. Боланинг хаёли ўзгачадир:

“Чўнтақларим – хаёллар,
Ичи тўла шамоллар.
Уларда алифболар,
Дарсликларим пули бор”¹³⁸.

Бундай мисраларни ўқиган вазиятда болалик давридаги мактаб, муаллимлар, дарслик китоблар билан алоқадор хотиралар хаёлда беихтиёр жонланади. Замонавий ўзбек шеъриятидаги халқона туйғулар ифодасини болаликнинг беғубор дамларига, болалик ўйинларига боғлаб ўрганиш ҳам ўзининг яхши самарларини бериши табиийдир. Истиклол йилларидаги ўзбек шеъриятида сўз билан образ муносабати кузитилганида ҳар бир шоир ўз сўзининг образга кўчиш ҳолатига жиддий диққат қаратаётгани сезилади. Халқ дардини, кўнглини, орзуларини куйлаган адабиёт келажакда, албатта, буюк адабиёт бўлиши, одамлар қалбидан чуқур ўрин олиши табиий.

¹³⁸ Саййид С. Кўксимдаги зангорларим. – Тошкент: Маънавият, 2004. - Б. 13.

III БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСАЛАР

1. Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур каби истеъдодли шоирлар ижодидаги пафос – ўзидан 30-40-йиллар олдинги ўзбек шеъриятидаги турғун карашлар, ғоявий мафкура измидаги пафослардан тубдан фарқ қилади. Бадиий ижод устида сиёсий мустабид мафкура ҳукмрон бўлган, мавжуд тузумнинг барқарор ғоялари ижтимоий-сиёсий чақириқларга айлантирилган давр вакиллари ижодига нисбатан истиқлол даври шоирлари шеъриятида пафос шакли – руҳий-психологик аспектга кўчганини кузатиш мумкин.

2. Бу даврдаги адабиётнинг асосий объекти инсоннинг ўзига айланди. Турли сиёсий чақириқ, ғоя ёки мафкуранинг талаби билан ёзилиб, сунъий нафас, сохта ғоялар тараннум этилган айрим асарлар давр чиғириғидан ўтолмагани ойдинлашганидан, шеъриятни юксак аъмол, покиза меҳвар дея билган авлод вакиллари бу даврда шеърни, бадиий тафаккур даражасини юксак чўққига олиб чиқдилар.

3. Кўнгиш эҳтиёжи, ботиний истак ва кучли руҳий талаб асосида ёзилган бу ижод намуналарида анъанавий ўзбек шеъриятида кўрилмаган манзаралар, воқеликка ўзгача муносабат, шакл ва ифодада ўзгаришлар, янги ижодий изланишлар юзага келди.

ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот доирасида олиб борилган изланишлар юзасидан қуйидагича хулоса қилинди.

1. Ўз даври муаммоларини қалбидан ўтказиб ёзган ҳар бир шоир услубида халқоналик, соддалик, туйғуларнинг самимий баёни, ёрқин ва рангин ифодалари, оҳанг ва ранг уйғунлиги алоҳида бўртиб кўринади. Мустақиллик даврида сўз ва образ халқ дардидан дарак берди ва миллий туйғулар ифодаси, донишмандлик баёни сифатида майдонга чиқди. Бадиий сўз воқелиги мавжуд жойда, қайсидир маънода унинг ғоявий моҳияти, мазмуни, жўшқинлиги бўлади. Бошқа санъат турларидан фарқли равишда, шеърятда сўзлар маълум ғоя ва қараш, мазмун ва шаклларни эмоционал тасвирлаш асосига қурилади. Пафос ҳис-туйғунинг эҳтиросли ифодаси сифатида маъно ва ғоянинг умуммазмуни таъсир кўрсатади; туйғуни образли тарзда жонлантириш ҳамда кучайтиришга хизмат қилади. Умуман, шеърятни маълум бир воқеликка нисбатан ғоявий-ҳиссий муносабатсиз, яъни, пафоссиз тасаввур қилиб бўлмайди. Пафос ижодкорнинг борлиққа нисбатан ҳиссий-эстетик муносабати, кучли ва қайноқ эҳтирослари ижодкор туйғулари, дардлари ҳамда изтиробларининг энг юқори нуқтаси акс эттирилган жараёндир.

2. Тўқсонинчи йилларга келиб халқимиз азалий орзуси амалга ошгач, бадиий тафаккуримизда янгилашиш суръати тезлашиб, теранроқ маъно ва мазмун кашф этди. Ҳозирги ўзбек шеъриятида ҳаётни теран идрок этиш ва идрок этилган ҳаётни янгича шакл ва оҳангларда бадиий акс эттиришга интилиш тамойили яққол кўзга ташланмоқда.

3. Истиқлол даврида асрлар давомида бир шакл ва йўналишда келаётган шеърнинг шакл, мазмун, эстетик вазифаси ўзгарди. Бу даврда руҳий, фикрий эволюцияси жараёни фаол равишда кечди, инсон воқелигига нисбатан қарашлар ва муносабатлар ранг-баранг тусга кирди, мавзу ва муаммолар объекти нисбатан ўзгарди, бу давр шеъриятида ғоявий мазмун, пафос, фалсафий қарашлар йўналишида эврилиш юз берди.

4. Истиқлол даври шеърятининг ривожланиб боргани қуйидаги омилларда кўзга ташланади:

– бу давр ўзбек шеърятида бадий тафаккур тарзи ўзгарди ва халқона пафос янгиланди;

– ўтмиш, кеча ва бугунги шеърятда ижодкор қаламга олган мавзулар, ҳаёт ва ижтимоий воқеликка нисбатан ҳиссий, эмоционал ва ғоявий муносабат шакллари ўзига хослик касб этади;

– шеърятда руҳият тасвири ва қалб товланишларининг поэтик ифода даражаси юксалди;

– мустақиллик даври шеърятининг халқона пафоси халқнинг дарди, сурури, армони, орзуларини поэтик шаклга солгани билан ажралиб туради.

5. Барча миллий адабиётларда бўлганидек, ҳозирги замонавий шеърятда ҳам кўп минг йиллик ижод тажрибаларидан фаол фойдаланган ҳолда, аввало, халқ оғзаки ижодига, жаҳон фалсафаси ва адабиётидаги тажрибаларга мурожаат қилиши кузатилади. Шу аснода миллий шеърятимизда тафаккур ва руҳий-психологик эволюцион жараёнлар юз берди.

6. Ҳозирги ўзбек шоирлари ижодида халқнинг бадий тафаккурига мурожаат этиш ҳодисалари Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг ижоди, хусусан, унинг “Бахшиёна” туркуми ва шу типдаги шеърлари мисолида кўзга ташланади.

7. Истеъдодли шоир, таржимон ва олим Матназар Абдулҳакимнинг ижодида инсоннинг ички изтироблари, туйғулари ва кечинмалари бир қадар моддийлашди, унинг жўшқин, рангин ва фалсафий шеърлари мустақиллик даври адабиёти ривожига ўзига хос ҳисса қўшди. Шу билан бирга унинг шеърларида инсонни соф, борича тасвирлаш, қалбига чуқур кириб бориш, уни ўзи яшаётган ҳаёт ичида кўрсатиш анъаналари юзага келди.

8. Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур ва шу каби шоирларнинг ҳар бир мисрасида ўзгача ҳарорат, ёниқ юракнинг қайноқ туйғулари ловуллаб туради. Улар бизга оддийдек туюлган ҳаёт воқеликларидан ўзгача тасвир

ясайди, ҳолат, вазият, манзарани рассом каби чизиб ва шу аснода ҳаётни тўла-тўқис очиб ташлайди.

9. Давр шиддати, руҳий эволюция, поэтик тафаккурнинг тараққиёти бадиий адабиётнинг барча соҳалари катори миллий шеърятимизга ҳам ўзига хос таъсирини кўрсатди. Бу давр шеърятида жанр, услуб, шакл ва тасвирда янгилашлар юз берди, шу даврдаги мавжуд анъанавий шеърый тизим такомиллашиб боргани ҳолда, поэтик объектнинг, воқеликнинг абстракт-фалсафий тасвир ҳамда талқинлари юзага келди. Замонавий ўзбек шеърятининг умумий пафоси халқ ва ватан эркинлиги, озодлиги ва маънавий-руҳий камолоти ҳақида куйланган асарлардан иборат.

10. Истиқлол йилларида ёшлар ижодига алоҳида эътибор қаратилди. Бу янги авлод шеъряти ўзининг жўшқин овози, самимияти, рангин туйғулари билан ажралиб туради. Бу авлод шоирларининг айримлари шеъряти халқона оҳанглари, қайноқ эҳтироси, интеллектуал тафаккур устунлиги ҳамда жўшқин руҳи билан характерланади.

Хуллас, бугунги ўзбек шеърятидаги халқона пафоснинг янгилашсини бевосита шоирлар учун ижод эркинлигини берган даврнинг имконияти, хусусан, мустақилликнинг бебаҳо неъматини ҳамда шу йўлда олиб борилаётган эзгу ишлар билан изоҳлаш ўринлидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. www.xabar.uz. 07.08.2018.

II. ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МАНБАЛАР

1. Абдулҳаким М. Файз. Хоразм. 2008. – 176 б.
2. Адабиёт назарияси. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1979.
3. Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1978. – 416 б.
4. Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1978. – 416 б.
5. Адабий тур ва жанрлар. Тошкент: Фан нашриёти, 1991.
6. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1992. – 154 б.
7. Азим У. Дарс. Тошкент: Фафур Гулом НМИУ, 1986.
8. Акрамов Б. Шеърят гавҳари. –Тошкент: Фафур Гулом НМИУ, 1979.
9. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1959. – 316 б.
10. Афоқова Н. XX аср ўзбек адабиётида рубоий ва қитъа. – Тошкент: “Фан”, 2005.
11. Баракаев Р. Жонажоним шеърят. – Тошкент: Чўлпон, 1997. – 88 б.
12. Бегимқулов Д. Шеърятимиз юлдузи / Абдулла Орипов. Танланган асарлар. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 399 б.
13. Белинский В. Танланган асарлар. –Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1955. – 184 б.
14. Бухорий С. Табаррук зиёратгоҳлар. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – 48 б.
15. Волков И. Ф. Теория литературы. – Москва, «Просвещение», 1995.

16. Ғафуров И. Лириканинг юраги. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982.
17. Ғафуров И. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ НМАК.
18. Ғафуров И. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ НМАК.
19. Голсуорси Ж. Олти адибнинг ҳаётига чизгилар / Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. (Озод Шарафиддинов таржималари). – Тошкент: Маънавият, 2010.
20. Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят.– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбба ижодий уйи, 2015. – 304 б.
21. Жабборов Н. Шеърят – руҳ озодлиги / Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2006.
22. Йўлдош Қ. Сўз ёлқини. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2018.
23. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.
24. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. Тошкент. “Янги аср авлоди”, 2006.
25. Каримов Б. Руҳият алифбоси. –Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2018.
26. Каримов Н, Мамажонов С., Назаров Б. ва бошқ. XX аср ўзбек адабиёти тарихи.– Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 544 б.
27. Каримов Н. Гўзалликнинг олмос қирралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – 40 б.
28. Коржан В.В. Есенин и народная поэзия. – Ленинград: Наука, 1969.
29. Краткая литературная энциклопедия. Том IV. – Москва: 1967.
30. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. – 139 б.
31. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академнашр, 2013.
32. Литературный энциклопедический словарь. – М.: 1987.
33. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 383 б.
34. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
35. Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 152 б.

36. Маҳмудов Р. Тўра Сулаймон. –Тошкент: Гафур Ғулом НМИУ, 2008.
37. Мелетинский. Е. М. Поэтика мифа. –М.: Наука, 1976.
38. Мўминов Ғ. Изланишларимдан қатралар. –Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006.
39. Мўминов Ғ. Оташқалб шоир. – Тошкент: 1970. – 40 б.
40. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. –Тошкент: Фан, 2010.
41. Мусурмон Р. Рухимнинг товуши. – Тошкент: Камалак, 1995.
42. Норматов У. Насримиз анъаналари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 216 б.
43. Норматов У. Нафосат гурунглари. –Тошкент: Мухаррир, 2010. – 151 б.
44. Носиров О., Собиров О. Халқ ижоди хазинаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 138 б.
45. Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. –Тошкент, 1994.
46. Поспелов Г. Введение в литературоведения. – Москва: «Высшая школа», 1988.
47. Поспелов. Г. Проблемы исторического развитие литературы. – М.: Просвещение, 1972.
48. Раззоқов Ҳ, Мирзаев Т, Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 360 б.
49. Раззоқов Ҳ., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
50. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: 2007.
51. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Тошкент: Фан, 1979. – 190 б.
52. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. – Тошкент: Фан, 2007. – 260 б.
53. Раҳмат Ў. Сайланма. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2010.
54. Ризаев Ш. Изтироб санъати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013.
55. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: 2004. –128 б.
56. Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг эпик жанри. – Тошкент: Фан, 1981.

57. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: 1980.
58. Толстой, Лев Жаҳон адиблари адабиёт хақида. (Озод Шарафиддинов таржималари). – Тошкент: Маънавият, 2010.
59. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. 1-жилд – М.: Рус тили, 1981. – 631 б.
60. Улуғов А. Ватан – жон ва тан. – Тошкент: Фафур Гулом НМИУ, 2008.
61. Улуғов А. Қалб кандили. – Тошкент: Фафур Гулом НМИУ, 2013.
62. Храпченко М. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – Москва: Советский писатель, 1970.
63. Художественная рецензия и герменевтики”. – М.: Наука, 1985.
64. XX аср ўзбек шеърляти антологияси. Тузувчилар: Каримов Б., Абдиев Ҳ. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007.
65. Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – 196 б.
66. Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
67. Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 299 б.
68. Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърляти. – Тошкент: Адиб, 2012.
69. Ҳамдамова С. Халқ ижоди – илҳом чашмаси. Тошкент: Фан, 2009.
70. Ҳотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 368 б.
71. Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърлятида фолклоризм. – Тошкент: Фан, 2011.
72. Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – 172 б.
73. Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Akademnashr, 2014.
74. Юсуф М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2012.

Ш. БАДИЙ АДАБИЁТЛАР

75. Абдулҳаким М. Жавзо ташрифи. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2008.
76. Абдулҳаким М. Мангулик жамоли. – Хоразм: Хоразм Маъмун академияси, 2009.

77. Абдулхамид Чўлпон. Тўла асарлар тўплами. Биринчи жилд. Шеърлар. – Т.: “Академнашр”, 2016.
78. Адашбоев Т. Орзуларим – кўш қанотим. – Тошкент: Шарқ, 2003. –192 б.
79. Азим У. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – 432 б.
80. Алпомиш. Халқ достони. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 336 б.
81. Атоий. Девон. – Тошкент: Фан, 2008.
82. Аҳмедова Ҳ. Нигоҳ қибласи. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2011.
83. Аҳмедова Ҳ. Шафақ ибодати. – Тошкент: Akademnashr, 2011.
84. Қутбиддин А. Бор. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ. 2011.
85. Қутбиддин А. Хаёл кечаси (шеърлар). – Тошкент: Ёзувчи, 1994.
86. Қутбиддин А. Хаёл кечаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 32 б.
87. Матжон О. Иймон ёғдуси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. – 384 б.
88. Мирзо И. Қўшиқларим. – Тошкент: Истиқлол, 2004. – 72 б.
89. Миртемир. Асарлар. 4 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 376 б.
90. Рабғузий. Қисаси Рабғузий. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – 240 б.
91. Раҳмон Ш. Уйғоқ тоғлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 192 б.
92. Румий Ж. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – 192 б.
93. Саййид С. Буғдойбўй ватан. –Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2011.
94. Саййид С. Куйдим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – 160 б.
95. Саййид С. Кўксимдаги зангорларим. – Тошкент: Маънавият, 2004.
96. Саййид С. Сўз йўли: Танланган асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 384 б.
97. Саййид С. Сўз йўли: Танланган асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 384 б.
98. Салом Ш. Мезон боғларига дилим боғладим. Шеърлар. – Тошкент; Тафаккур. 2011. № 4.
99. Суюн А. Сайланма. Шеърлар, дostonлар. – Тошкент: Шарқ, 1997.
100. Худойбердиева Ҳ. Йўлдадирман. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 493 б.
101. Ҳамдамов У. Атиргул. – Тошкент: Сано-стандарт, 2005. – 224 б.

102. Ҳамдамов У. Тангрига элтувчи исён. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. –100 б.
103. Ҳамзатов Р. Менинг Доғистоним. – Т.: “Шарқ”, 2011.
104. Ҳасан Ҳ. Ой ўтов – оппоқ ўтов. – Тошкент: Paradigma, 2017. – 207 б.
105. Ҳасан Ҳ. Ул кун устоз дедилар. – Тошкент: Akademnashr. 2011.
106. Шавкат Раҳмон. Сайланма. Тошкент. 1996.
107. Шода-шода марварид: Ўзбек халқ кўшиқлари. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 416 б.
108. Шукур Э. Бобо сўз изидан. – Тошкент: Шарқ, 2018. – 56 б.
109. Шукур Э. Сочлари сумбул-сумбул. – Тошкент; Гафур Ғулом НМИУ, 1988.
110. Юсуф М. Биз бахтли бўламиз. – Тошкент: Nihol, 2008. – 192 б.
111. Юсуф М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 288 б.

IV. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР

112. Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: 1997. – 24 б.
113. Қосимов Я. Ўзбек шеърисида поэтик фикрнинг янгилиниш жараёни. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. Тошкент: 1994. – 23 б.
114. Қурбонбоев И. 90-йиллар ўзбек шеърисида образлилик: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент: 2005. – 23 б.
115. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. (Қадим замонлардан XVII асргача): Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент: 1963. – 469 б.
116. Мирзаева Д. Ҳозирги ўзбек лирик шеърисида бадий тафсил. Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент: 1994. – 23 б.
117. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент: 1994. – 287 б.
118. Сабирдинов А. Ойбек шеърисида сўз ва образ. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: 1999.

119. Сувонова Ж. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий изланишлар (У.Азим ижоди мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 2000. –126 б.
120. Турдимов Ж. Лирик кечинма табиати. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: 1999.
121. Холова М. Ўзбек модерн шеърияти поэтикаси. Филол. фан. бўйича фалс. д. (PhD) дис. автореф. – Самарқанд: 2018.
122. Хўжамқулов У. Миртемир лирикасида сўз ва образ: филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: 2004. – 23 б.
123. Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар. филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент; 2004. – 23 б.
124. Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеъриятида халқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол. фан номз ... дисс. автореф: –Тошкент: 2011.
125. Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеъриятида “Соф лирика” муаммоси. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: 1997.
126. Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърияти бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Филол.фан. д-ри... дисс. автореф: – Тошкент: 2018.
127. Ҳамидова М. Ҳалима Худойбердиева лирикасининг бадиий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент: 2004. – 23 б.
128. Шарипова Л.Ф. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризмлар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент: 2008. – 155 б.
129. Шарипова Л.Ф. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти бадиий тараққиётида фольклор: Филол.фан.д дисс.автореферати. – Тошкент: 2019.

V. МАҚОЛАЛАР

130. Бойсун баҳори. Халқаро илмий конференция материаллари. – Бойсун: 2002. – 108 б.

131. Генис А. XX асрнинг етакчи услуби // Жаҳон адабиёти, 2001. 11-сон.
132. Каримов Н. Муҳаммад Юсуф ва ҳозирги ўзбек шеърляти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2004. 5-сон.
133. Кўнгилга якин шеърлят // Ёшлик, 2018. 1-сон.
134. Қувватова Д. Кейинги йиллар ўзбек поэмачилигининг тараккиёт хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2009. № 6.
135. Муҳаббатдан-да кучли туйғу бор. Абдували Қутбиддин билан Умид Али суҳбати. Бекажон, 2005. № 18.
136. Орипов А. Бетакрор шоир / Муҳаммад Юсуф. “Халқ бўл, элим” китобига сўзбоши. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2005.
137. Парандовский Я. Сўз кимёси. Жаҳон адабиёти, 2002. 3-сон.
138. Раҳимжонов Н. Муҳаммад Юсуф лирикасида фольклор анъаналари ва бадий образлар индивидуаллиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2004. № 5.
139. Раҳимжонов Н. Танқидий тафаккур ва эстетик мезонларнинг янгилалиши. – Тошкент: Шарқ юлдузи, 2010. 2-сон.
140. Тоғаев О. Тасвир ва муддао // Шарқ юлдузи, 1981. №11.
141. Турдимов Ш. Лирик кўшиқларда рамз // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1982. № 3.
142. Турдимов Ш. Том устига том солдим // Ёшлик. – Тошкент: 1988. № 7.
143. Юсуф М. Сайланма. (Китобга ёзилган Муҳаммад Алининг “Шоирнинг сози тинмайди” сўзбоши) – Тошкент: Шарқ НМАК, 2014.

VI. ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР

144. <http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/abdulla-oripov-sentyabr-shearlari.html>
145. Одинаев А. Абдулла Ориповни қойил қолдирган бахши. <http://www.uza.uz/oz/culture/abdulla-oripovni-qoyil-oldirgan-bakhshi-08-04-2019>

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

I бўлим (I часть, I part)

1. Пардаев З.А. Энг узоқ сафардир кўнгил сафари // Шарқ Юлдузи. – Тошкент, 2011. № 6. – Б. 157-160.
2. Пардаев З.А. С.Саййид ижодида юрт тараннуми // Илм сарчашмалари – Урганч, 2011. №8. – Б. 25-28
3. Пардаев З.А. Фироқ ва соғинч достони // Филология масалалари. – Боку, 2012. № 4. – Б. 532-541.
4. Пардаев З.А. Муҳаммад Юсуф ижодида Ватан мавзуси / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2014 – Б. 49-52.
5. Пардаев З.А. Ўткир Раҳмат лирикасида пейзаж ва пафос // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2015. № 1/4. – Б. 305-308. (02.00.00.№21).
6. Пардаев З.А. Поэтик ифода ва пафос // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2015. №1/5. -Б. 296-298.
7. Пардаев З.А. Ўзбек шеъриятида она образи талқинлари / Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2015 й. – Б. 118-120.
8. Пардаев З.А. Қалб лирикаси // ЎзМУ хабарлари. – Ташкент, 2016. № 1/4 – Б. 320-324.
9. Пардаев З.А. Ранглар оламига саёҳат. // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2017. № 1/3 – Б. 349-351.
10. Пардаев З.А. Ҳақиқат манзаралари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2018. № 1/2. – Б. 375-378.
11. Pardayev Z.A. Renovation scene of folk pathos in the work of Shavkat Rakhmon/ Science, Research, Development. №25. Berlin. Germany. 2020 –P.50-52.
12. Pardayev Z.A. Sirojiddin Sayyid ijodida mumtoz poetik an'analar. Alisher Navoiy va XXI asr mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari. – Toshkent: «MASHHUR-PRESS», 2020. – B. 529-531.

II бўлим (II часть, II part)

13. Пардаев З.А. Боқил бу диёрнинг... // Ёшлик журнали. – Тошкент, 2011. № 10. – Б. 33-36.
14. Пардаев З.А. Шеъриятда поэтик ифода ва фольклоризм муносабати // ЎзМУ хабарлари. – Ташкент, 2019. № 1/2 – Б. 196-202.